

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 821.512.133-95-055.2**

ЭШМАТОВА ЮЛДУЗ БОЙМАХМАТОВНА

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИДА АЁЛ
РУҲИЯТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

10.00.02– Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун
ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: Мирқосимова Марғуба Мирқобиловна
педагогика фанлари доктори, профессор**

ТОШКЕНТ – 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ҚИССА ЖАНРИ ВА АЁЛ ОБРАЗИ МУАММОСИНИНГ ТАДҚИҚИ.....	12-41
1.1. Қисса жанрининг ўрганилишига қисқа экскурс	12
1.2. Хорижда ва миллий адабиётшуносликда аёл образининг ўрганилиши....	30
II БОБ. ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИДА АЁЛЛАР РУҲИАТИНИ ИФОДАЛАШДАГИ ЁРДАМЧИ БАДИИЙ ВОСИТАЛАР.....	42-64
2.1. Пейзаж тасвирий воситаси	42
2.2. Мактуб ёзишма аёл ички диалогизми сифатида	53
III БОБ. ЎЗБЕК АЁЛИ РУҲИАТИНИНГ ЁРИТИЛИШИДА ЯНГИ ҚИРРАЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ.....	66-116
3.1. Кампир – матонатли аёл кечинмалари талқини.....	66
3.2. Жиноятчи аёл образи табиатидаги ўзига хосликлар.....	84
ХУЛОСА	118
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	123

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадий асар таҳлиliga доир муаммоларни психоаналитик жиҳатдан ўрганиш ва уни англаш зарурати гуманитар соҳаларда ҳам жиддий масалаларни кун тартибига қўймоқда. Айниқса, филология соҳасида ғоявий пишиқ, мазмунан мукамал, сифат жиҳатидан ўта янги илмий изланишлар олиб бориш учун имкониятлар яратилди. Эпик турнинг қисса жанрига хос адабий ва бадий канонлар, уларда тасвирланаётган ажиб хилқат изтироблари, унинг серқатлам руҳий дунёсини тадқиқ этиш билан боғлиқ тадқиқотлар изчиллик билан давом эттириб келинмоқда. Аёл психологиясини таҳлилий ўрганиш инсоннинг маънавий олами, дунёқараши, тафаккур тарзига хос қонуниятларни кашф этишда муҳим. Адабий жараён доимо ижтимоий муҳит, адабий-маънавий, маданий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланади. Зеро, башариятнинг онгу тафаккури, руҳиятидаги янгиланишлар, асосан, адабиёт ва санъатда ўз аксини топади. Бунда адабиётшунослик фани ҳам ўз объектига янги нигоҳ билан қараш, аёл руҳиятига оид муаммоларни чуқурроқ англаш йўлидан борди.

Дунё адабиётшунослигида қиссачиликнинг замонавий назарияси унинг олдинги даврлардаги тарихий эволюциясини янгича англашга мўлжалланган. Бадий адабиётда аёлнинг руҳий драмаларини тўлақонли акс эттиришда жаҳон насрининг илғор ижодий тенденцияларига хос жиҳатлар намоён бўлаётир. Адабий жараёнда аёлнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, унинг соҳир туйғулари, инжа ва мураккаб руҳий оламини тасвирлашда фалсафий-психологик, рамзий-мажозий образлилик устунлик қилмоқда. Бунда энг муҳим вазифа муайян хилқат руҳияти, тасвир ва ифоданинг янгича талқини билан боғлиқ. Ишда адабиёт тараққиётида аёлнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш муҳим муаммо сифатида қўйилди. Дарҳақиқат, аёл психологияси

муаммосини ўрганиш муайян давр прозасининг бадий поэтик кўламини белгилашда ҳам муҳимдир.

Истиклол даври ўзбек адабиётшунослигининг халқаро майдондаги ўрни ва миллий маданий меросини тадқиқ этиш, қадриятларни англаш зарурати бугунги глобаллашув жараёнида бадий адабиётнинг моҳиятига янада чуқур кириб бориш, бадий асарларнинг жаҳон адабиёти ривождаги муносиб ўрнини асослаш, кейинги давр адабиётига кучли таъсир ўтказган ижодкорлар меросини ўрганишни тақозо этмоқда. Бугунги маданий-маърифий соҳалардаги ислохотлар жараёни ўзбек адабиётшунослиги олдига ҳам қатор янги вазифалар қўймоқда. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга инновацияга таянган давлат ютади”¹. Бу жараёнда муайян халқ бадий тафаккури маҳсулининг инсоният маънавий оламини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти унинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон Фармони, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги ПҚ-1271 Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон қарори, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. – Тошкент: 2017. 23 декабрь.

салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” ва БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзланган нутқларидаги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишда қўйилган назарий муаммо, яъни қисса жанри такомилли ва аёл руҳияти талқини масаласи қуйидаги диссертация¹, китоб¹ларда илмий асосланган. Бироқ истиқлол

¹ Расулов А. Характер молодежи в современных узбекских советских повестях: дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1966; Аброров А. Ўзбек совет повестининг таркиб топиши ва тараққиёти. Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Ташкент, 1975; Рашидов А. Проблема духовно-нравственного становления героя в узбекской повести о рабочем классе. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1981; Захидов С. Жанровые и стиливые особенности советской узбекской повести (60-80 г). дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Тагматов К. Нравственный мир героя и художественные искания в узбекский повести (1960-1970 гг). дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981; Болтабоев Х. Стилиевые искания современный узбекской прозы (70-е годы). автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Тенглашев М. Особенности конфликта в узбекских повестях 80-х годов. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989; Ташпулатов Г. Нравственные искания в современный узбекский повести (М.М.Дуст, Тагай Мурод, Г.Хатам). дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993; Улугов А. Основные тенденции развития современный узбекский повести в интерпретации литературной критике. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1988; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси. Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1995; Қўбаев Қ. Ўзбек кассаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат. Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2006; Каримова Ю. Пиримқул Қодиров кассаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2005; Холмуродов А. Ўзбек кассачилиги: тараққиёт муаммолари. Филол. фанлари д-ри ...дисс. – Тошкент, 2008; Рустамова М. Истиқлол даври кассаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2005; Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек кассачилигида бадиий психологизм. Филол. фан. номз ...дисс. автореф. – Тошкент, 2012; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-

даври ўзбек қиссачилигида аёллар руҳияти бадиий талқини муаммоси махсус тадқиқот иши доирасида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён кафедраси режасининг “Ҳозирги адабий жараён масалалари” мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: истиқлол даври ўзбек қиссачилигида аёл психологиясининг хилма-хил бадиий талқинлари, ёзувчи бадиий маҳорати, янги руҳий таҳлил воситаларини ташкил қилган хусусиятлар тизимини илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни). Филол. фан. б-ча. ф-фа д-ри. (PhD) дис... автореф. – Тошкент, 2017; Холдорев Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонкул қиссалари мисолида). Филол. фан. б-ча. ф-фа д-ри. (PhD) дис... автореф. – Тошкент, 2017; Раджапова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2018; Бурханова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонкул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида):). Филол. фан. б-ча. ф-фа д-ри. (PhD) дис... автореф. – Тошкент, 2019; Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи (“Ўткан кунлар” ва “Кеча ва кундуз” романлари асосида). Филол. фан. номз ... дисс. – Тошкент, 1994; Тўйчиев А. Ўзбек насрида жадид образи талқини. Филол. фан. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2001; Имомова Г. Типик миллий характерлар яратишда бадиий нутқнинг роли. Филол. фан. номз ... дисс. – Тошкент, 1993; Дуйсенбаев О. Ўткир Ҳошимов ижодида она образининг бадиий талқини. Филол. фан. номз ...дисс. – Тошкент, 2011.

¹ Султон И. Адабиёт назарияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1986; Қўшжонов М. Қалб ва кифа. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976; Мамажонов С. Наср, давр, қахрамон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983; Шарафиддинов О. Дунёда офтоб борки. Ҳақиқатга садоқат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989; Норматов У. Насримиз анъаналари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Фан, 1983; Каримов Э. Ўзбек совет адабиётида повесть жанри. Адабий тур ва жанрлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1991; Султонова М. Ёзувчи услубига доир. – Тошкент: Фан, 1973; Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973; Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услубий ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983; Аброров А. Ўзбек повести. – Тошкент: Фан, 1973; Холлиев Н. Ижтимоий проблема ва бадиий образ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977; Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон, 2002; Мусина Ғ. Ўзбек халқ достонларида хотин-қизлар образи. – Тошкент: Фан, 1983; Қахрамонов Қ. Шоирлар ижодида Аёл руҳияти талқини. / Глобаллашув: бадиий талқин, замон ва қахрамон. – Тошкент: Тамаддун, 2019; Қахрамонов Қ., Бурхонова Ф. Аёл қисматининг бадиий тасвири. / Глобаллашув: бадиий талқин, замон ва қахрамон. – Тошкент: Фан, 2018. – Б. 67-83; Исомиддинов З. Икки аёл. // Тафаккур, 2007. № 4. – Б. 47; Ражабова Б. Оналар билан суҳбат. – Тошкент: Турон замин зиё, 2014; Шу муаллиф. Муштарак адабий ходисалар. – Тошкент: Мухаррир, 2019; Тўлаганова С. Бадиий асар морфологияси. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016; Исломова С. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида “ичкари” ҳаёт талқини. / Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи. – Тошкент: Мухаррир, 2018. – Б. 220-224; Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Тошкент: Мухаррир, 2011; Қўчқорова М. “Ўтмишдан эртақлар” тадқиқи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016; Шу муаллиф. Abdulla Kahhar sanatında kadın karakterler ve ‘geçmiş’in analizi / Türk dünyasında kadın algısı. Manisa Bayar universitesi yayınları. – Türkiya. Manisa 2016. 2 cilt. - S. 729-738; Аҳмедова Х. “Армон асираси” романида аёл тақдири талқини. / Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи. – Тошкент: Мухаррир, 2018. – Б. 276-280; Шофиев О. Аёл образи ва замонавий талқин / Эркин Аъзам насри бадиияти. (кино ва образ). – Тошкент: Қақнус медиа, 2019. – Б. 131-154.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбек адабиётшунослигида қисса жанри такомил ва аёл образининг ўрганилиш тарихини ёритиш;

истиклол даври ўзбек қиссачилигида яратилган аёллар образини ёритишда ёзувчининг бадиий маҳоратини кўрсатиш;

аёл психологияси ва қалб кечинмаларининг чуқур бадиий-назарий воситаси бўлган пейзаж, мактуб каби тасвирий воситаларни аниқлаш;

ҳозирги ўзбек қиссачилигида яратилган кампирлар, кайвони ўзбек онахони образини ёритишда ёзувчи маҳоратини далиллаш;

жиноятчи ва қотил аёл психологиясини ўрганиш мақсадида қўлланилган бадиий шартли воситалардаги тасодифийлик, руҳий хасталик, аламзадалик каби руҳий қатламларни ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида ҳозирги ўзбек қиссачилигининг авангардлари: Х.Дўстмуҳаммад (“Чаёнгул ёхуд қуйиқишлоқча қотиллик”, “Ҳижроним мингдир”), Ш.Бўтаев (“Кайвонининг мангу макони”, “Шоҳона совға”, “Юлдузларга элтар йўл”), Назар Эшонқул (“Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”), Абдуқаюм Йўлдош (“Тимсоҳнинг кўз ёшлари”, “Ўн учинчи уй ёки отчопар”, “Сунбуланинг илк шанбаси”), Собир Ўнар (“Чамбилбелнинг ойдаласи”), Баҳодир Қобул (“Энашамол”) қиссалари олинган.

Тадқиқот предмети доирасини истиклол даври ўзбек қиссаларидаги аёл руҳиятининг бадиий талқини, реалистик анъанавий қисса, эртак-қисса, ноанъанавий модерн қисса, мактуб қисса, лирик монолог, пейзаж, ички монолог, диалог, тасодифийлик, рамзий-мажозий талқин, киноявий муносабат, туш, мактуб, қотил аёл, кайвони кампир образи талқини масалаларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, биографик, руҳий таҳлил (психологик) усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

истиклол даври қиссачилигида янги типдаги аёл образини системали классификациялаш, янгича ифода ва баён услубини яратиш каби масалалар мисоллар асосида далилланган;

қиссанавис яратган аёл образи табиати, прототиби масаласи, портрет яратиш маҳорати, нутқидаги индивидуаллик ҳамда ноанъанавий тасвирдаги ўзбек аёлини гавдалантиргани бадиий воситалар орқали аниқланган;

истиклол давридаги қиссаларда кайвони ўзбек онахони, қасоскор аёл тимсолини мифологик рамзийлик концептида ифодалаш, ботиний изтироб ва мағлубиятда аёлнинг маънавий юксалиш ҳамда ғалабасини бадиий акс эттиргани асослаб берилган;

жиноятчи, қотилга айланган ҳилқат психологиясида тасодифийлик туфайли юзага келган аёллар руҳий тебранишлари поэтик жиҳатдан очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қисса жанри ва аёл образининг хорижда ва миллий адабиётшуносликда ўрганилиш тарихи нуқтаи назаридан илмий асосланган;

истиклол давридаги аёл образининг янгича талқини ва ҳозирги қиссанавислар ижоди ўзбек адабиётида янги босқични бошлаб бергани илмий жиҳатдан аниқланган;

аёл образининг психологик дунёсини ўрганишда қўлланилган пейзаж, мактуб каби бадиий воситалар Н.Эшонқул, Х.Дўстмуҳаммад қиссалари орқали далилланган;

аёл руҳиятини теран очиб бериш мақсадида яратилган онахонлар, кайвони эна образлари акс этган эртақ-қисса, модерн қиссалар, реалистик қиссалардаги тасвирийлик, киноявий ва сатирик баён усули ҳозирги қиссанавислар ижоди асосида очилган;

аёлнинг жиноятчи қотилга айланиши учун сабаб бўлган қасоскор аёл руҳиятини ишончли, жонли, ҳаётий очиб беришда қўлланилган бадиий нутқ, психологик шартлилик рамзлар асосида кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги насрий асарлар таҳлилида аёл жаҳон ва ўзбек назариятчи олимларининг поэтик қарашлари ва замонавий адабий жараёнда эришилган энг ишончли, назарий жиҳатдан мукамал хулосалари асос қилиб олинганлиги, бу эса уларни қиёслаш ва хулоса чиқаришга имкон берганлиги, қолаверса, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти образ поэтикаси, адабиёт назарияси, замонавий адабий жараён, адабий танқидчилик, бадиий таҳлил, қисса ҳамда роман жанри назариясига доир тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти филологик олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари учун “Адабиётшуносликка кириш”, “Замонавий адабий жараён”, “Адабиёт назарияси”, “Бадиий асар поэтикаси” фанлари ва ўқув курслари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда ҳамда ихтисослик фанлари назарий базасини шакллантиришда амалий восита бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида аёл руҳияти тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рус-европа ва ўзбек адабиётшунослигида психологик тасвирнинг адабиётшунослар томонидан ўрганилиши тарихи, ҳозирги ўзбек қиссачилигида фаол қалам тебратаётган Х.Дўстмуҳаммад, Ш.Бўтаев, А.Йўлдош, С.Ўнар сингари носирлар ижодидаги аёл образи талқинига оид илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-ГО40 рақамли “Ўзбек адабиётшунослиги қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг 2020 йил 25 июндаги №3/1255-1316-сон маълумотномаси). Натижада ёзувчилар томонидан руҳият

талқинининг теран ва ишонарли тасвирланишида қўлланилаётган ички монолог, туш, хотира-хаёл, рамзий образли тасвир элементларининг кенг истифода этилаётгани асослаб берилган;

мустақиллик даврида тобора кенг шаклланган ўзбек қиссачилиги, қисса жанрининг генезиси “Қуръони карим”даги қатор қиссалар “Юсуф ва Зулайхо қиссаси”, “Зайд ва Зайнаб ҳикояти”, “Сулаймон пайғамбар ва Билқис ҳикояти” ва “Намил ҳикояти” таҳлилига оид илмий хулосалардан А-1-118 рақамли “Алишер Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 49-03-2123-рақамли маълумотномаси). Натижада шарқ мумтоз адабиётдаги қисса ва ҳикоятларнинг кўринишлари дoston жанри, хусусан, Алишер Навоий “Хамса”сидаги эпик жанрларнинг бадий - ғоявий хусусиятларининг тадқиқ этилишига асос бўлган;

Ўзбек адабиётшунослигида руҳият тасвири муаммосининг ўрганилиш тарихини ёритишда, ҳозирги ўзбек қиссачилигида аёл руҳиятини теран акс эттирган қиссанависларнинг бадий ижодий услубий изланишларини таҳлил этган маъруза матнларида фойдаланилган. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 11 ноябрдаги №01-03-06/1285-сон маълумотномаси). Натижада ҳозирги ўзбек қиссачилигида аёл руҳиятини акс эттиришда ички монолог, диалог, муаллиф баёни, пейзаж ва туш каби бадий тасвирий воситалардан кенг истифода этилишига хизмат қилган;

мустақиллик даври ўзбек қиссачилигида аёл руҳиятининг бадий талқини сингари илмий хулосалардан Ўзбекистон телерадиоканали “Адабий жараён” кўрсатувининг Аҳмад Аъзам, Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шойим Бўтаев, Кўчқор Норқобил асарларининг таҳлилига бағишланган сонларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг 2019 йил 25 октябрдаги 01-14/437-сонли

маълумотномаси). Натижада кўрсатув илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, олти фасл, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 137 бетни ташкил этади.

I БОБ. ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ҚИССА ЖАНРИ ВА АЁЛ ОБРАЗИ МУАММОСИНИНГ ТАДҚИҚИ

1.1. Қисса жанрининг ўрганилишига қисқа экскурс

Ўзбек адабиётшунослигида қисса жанрини ўрганиш XX асрда бошланди. Шу кунга қадар адабиётшуносликда яратилган катор илмий монографиялар, диссертациялар, рисоалар, мақолаларда қисса жанрининг ўзбек адабиётида пайдо бўлиши, генезиси (халқ қиссалари, мумтоз қиссачилик, шўро даври қиссачилиги) каби кўпдан-кўп факторлар атрофлича ўрганилди. Шу ўринда қисса жанрининг илмий-назарий тақомили ва ҳозирги қиёфасига назарий олимларнинг муносабати, теран таърифлари-ю қарашлари орқали назар ташлашни мақсад қилдик.

Илмий адабиётларда қисса билан повесть атамалари икки тилдаги бир жанрнинг муқобили деб қаралади. Жанр генезиси, тарихий тараққиётида, табиийки, муштарақлик ва фарқли жиҳатлар бор. Бу атамалардан бирининг қамрови торроқ, иккинчисиники кенгроқ эканини исботлаш муаммо. Адабиётшуносликнинг муайян даврларида баъзи танқидчи ва адабиётшунослар баҳсталаб мулоҳазалар билдиришган. Адабиётшунос олим А. Аброров: жанр эволюцияси ҳақида: “Повест жанри қобиғида янги прозаик жанр — қиссачилик пайдо бўлди”¹, деса, С. Мирвалиев бу икки термин бир атаманинг муқобили эмас, деган фикрни ўртага ташлайди: “...қисса мазмуни ички ҳажми жиҳатидан эндиликда повесть тушунчаси мазмунини ўзида ифодалай олмаётганга ўхшайди. Оқибатда қисса ҳикоя билан повесть жанри ўртасидаги мустақил жанр бўлиб қолмоқда”². А.Аброров фикрида давом этиб: “Обид кетмон” асарида роман ва повесть жанрининг хусусиятлари чоғишиб, бирикиб кетган. Аниқроғи, бу икки жанр ўртасидаги гибрид асар сифатида майдонга келган”³, деган хулосага келади.

¹ Аброров А. Ўзбек повести. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 88.

² Мирвалиев С. Ўзбек романи, – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 277.

³ Аброров А. Ўзбек повести. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 89.

Жумладан, академик Иззат Султоннинг “Адабиёт назарияси” китобида қисса жанрига қуйидагича муносабат билдирилган: “Бир киши ва унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган бир неча кишининг тақдири ўртача ҳажмда тасвир этилган, аммо ҳаётнинг кенг манзарасини чизиб беришни ўз олдига вазифа қилиб қўймайдиган асарлар повесть жанрига мансубдир. Повестда, одатда лиризм ҳикоя ва романга нисбатан кучлироқ бўлади. Повестларнинг кўпинча биринчи шахс, яъни тақдири тасвир этилаётган персонаж номидан ёзилиши ҳам бежиз эмас: повестьда қаҳрамон ўз бошидан кечирганлари ҳақида сўзлайди. *Повесть* ўзбек ёзувчилари ва адабиётшунослари терминологиясида баъзан “қисса” термини билан ҳам ифодаланadi. Бизнингча, классик эпосга тақлидан истеъмол этиладиган бу терминни “повесть” термини билан параллел қўллаш унчалик асосли бўлмаса керак. Чунки, повестнинг қиссадан фарқлари ҳам бор: аввал айтилганидек, “қисса” кўпинча ишқий мазмунга эга, ҳозирги замон повестида эса ишқий линиянинг бўлиши шарт эмас”¹. Устоз адабиётшунос 80-йилларда қисса жанрининг назарий табиати, унинг рус ва ўзбек адабиётидаги намуналари, шунингдек, қисса жанрининг “повесть” термини билан алоқадорлиги ҳақида аниқ илмий мулоҳаза юритади. Аммо бу таърифлар 80-йилларда ёзилган. Орадан қирқ йил вақт ўтди. Бу эса оз фурсат эмас. Салкам ярим асрга тенг келади. “Қисса” жанри ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўсди, такомиллашди, янгидан-янги қиссанавислар авлоди шаклланди ва улар ўзбек қиссачилик тараққиётига улкан ҳисса қўшишди. Ўзбек қиссачилиги тараққиётига 30-йиллар, 40-йиллар, 50-60-йиллар, 70-йиллар, 80-йиллар адабий авлоди келиб қўшилди. Замон, ижтимоий давр эпкинлари қисса жанрининг шакл ва мазмуний характерини ҳам ўзгартириб, янгилаб турди. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадий услуб муаммоси аҳамиятли. “Қисса узоқ адабий-тарихий жараёни босиб ўтган, бадий мукамаллик

¹ Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 248.

касб этган жанрдир”¹. Бошқа адабий жанрга нисбатан қисса хронологик замон нуқтаи назаридан ҳам анча мукамаллик касб этади.

Қисса дастлаб халқ оғзаки ижодида шаклланган. Қаҳрамон ҳаёти ва саргузаштларини қизиқарли ҳикоя қилувчи асарлар (“Иброҳим Адҳам қиссаси”, “Қиссаи Машраб”, “Зуфунун қиссаси”) элда жуда машҳур бўлган. Аввалига қиссалар ҳам ижро қилинган, кейинчалик уларнинг бир қисми иқтидорли кишилар (кўпларининг исми номаълум) томонидан адабий қайта ишланиб, китобат қилинган: қиссалар энди халқ китоблари сифатида яшай бошлаган. Шунингдек, жанрнинг шаклланиши ва такомилида пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш керак. XX асрга келиб ўзбек адабиётида янги типдаги қисса шаклланди: Ҳамзанинг “Янги саодат”и, Чўлпоннинг “хаёлий ҳикоя” деб санаган “Дўхтур Муҳаммадиёр” – замонавий қиссанинг адабиётимиздаги илк намуналари сифатида саналиши мумкин. Хуллас, бу асарларнинг барини умумлаштирадиган асосий жиҳат – жанр диққат марказида қаҳрамон туриши. Шу хусусияти боис “қисса” сўзи илгари ҳамма вақт қаҳрамон исми билан бирга қўлланган ва қаҳрамон исми билан ассосацияланган. Натижада бу сўз “кимдир бировнинг ҳаётидан ҳикоя” маъносини англатади, яъни моҳиятан жанрнинг асосий белгисини атайди”¹. Кузатиб турганимиздек, ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида адабий турларнинг туб илдизларини ойдинлаштириш, ва жанрларнинг миллий заминда вужудга келиш омилларини излаш ҳаракатлари кузатилмоқда. Бу, албатта, ижобий ҳол. Иззат Султон жуда катта назариётчи ва аналитик олим. Шунга қарамасдан, И.Султондек олимнинг ижодий илмий онгига ва қарашларига мавжуд ижтимоий ва адабий муҳит ҳам ўз таъсирини ўтказа олмагандек. Шу маънода, академик Иззат Султон қарашларида ҳам табиийки, миллий адабий муаммоларни шўро мафкураси нигоҳи, рус адабиётшунослигининг қаричи билан ўлчаш ҳолати сезилади. “Илм игна билан қудуқ қазиш” деганларидек, академик Иззат Султондан

¹ Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонкул қиссалари мисолида): Филол. фан. б-ча. ф-фа. д-ри. ...дис. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 11.

сўнг ҳам, ўзбек адабиётшунослигининг адабиёт назарияси соҳаси ҳам қандайдир даражада ривожланиб, шаклланди.

Шу маънода, Д.Қуронов қисса жанрининг ўзбек адабиётида вужудга келишини халқ қиссачилиги билан боғлаши, адабий қиссахонликнинг асрлар оша яшаб келиши, замонавий ўзбек қиссачилиги учун жуда катта замин бўлганини асослаб кўрсатиши миллий адабиёт назарияси вужудга келганини кўрсатади. Олимнинг фикрларига қўшимча қилиш мумкинки, қисса жанрининг генезиси халқ қиссачилиги билан тутшиб кетишидан ташқари, Ислом динининг самовий китоби “Қуръони карим”нинг бир қанча сураларида нақл қилинган диний қиссалар билан ҳам боғланади. Қуръон суралари ва оятларида пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар келтирилади. Сураларда акс этган мазкур қиссалар ҳам ўзбек адабиётидаги замонавий қисса жанрининг қадим илдизлари сифатида ўрганилиши мумкин. Жумладан, “Юсуф ва Зулайҳо қиссаси”, “Сулаймон ва Билқис ҳикояти”, “Намил ҳикояти”, “Зайд ва Зайнаб ҳақидаги воқеат” ва бошқаларни қисса жанрининг диний манбалардаги илдизлари сифатида тадқиқ этиш мумкин.

Бу ўринда қисса жанри хусусида махсус илмий изланиш олиб борган Аъзам Қозихўжаевнинг тадқиқотини эслаш ўринли. Зеро, тадқиқотчи “Қисса” жанрининг шўро адабиётидан эмас, аслида шарқда азалда, исломий дунё адабиётида яратилган диний қиссаларнинг аҳамияти ҳақида ниҳоятда жўяли фикрлар билдиради. Масалан, “Қисса арабча “қасса”, “қассатун” сўзларидан олинган бўлиб, қисса қилмоқ, ҳикоя қилмоқ, қиссаси, яъни муайян шахснинг ҳаётидан бир лавҳа деган маънода қўлланади¹. Адабиётшунослик қисса атамасига тарихий, назарий, замонавий аспектда қарайди. Бундай қарашлар қоришиқ ҳолда бир-бирини тўлдириб келади. Демак, қисса сўзи ўзбек адабиётига ислом дини орқали араб тилидан ўтган ва истилоҳий маъно касб этган. Хусусан, Қуръоний қиссаларнинг атама ва жанр ибтидосида алоҳида ўрни мавжуд. Қисса жанри спецификасига назар ташлар

¹ Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – Б. 377.

эканмиз, айнан илоҳий моҳиятга яқинлашиб келган қиссалар эпик турнинг ёрқин намунаси сифатида кўзга ташланиши кузатилди. Қиссанинг бу олий кўриниши барча замон қиссалари учун намуна вазифасини ўташи мумкин”². Кузатиб турганимиздек, синчков тадқиқотчи ўзбек адабиётида қисса жанрининг адабий истилоҳ сифатида пайдо бўлиши, шунингдек, жанр сифатида вужудга келишини халқ мифологиясидан ташқари, дин билан боғлайди. Умуман олганда, ушбу кичик тадқиқот ниҳоятда катта манбаларга таянилиб асосланган. Қисса жанрига ярим аср давомида “қисса шўро даврида рус адабиётидан кириб келдимиз?”, ёки аслида “шарқда бу жанр бормиди?” дегандек саволларга аниқ жавоб беради. Қолаверса, олим шўро адабиётшунослигида сийқаси чиқиб кетган мунозара майдонига айланган “қисса” ва “повесть” атамаларини илмий изчилликда изохлайди. И. Султон карашларида эса рус адабиётшунослигининг илмий-назарий ғоялари устунлик қилгани англашилади. Жумладан, И.Султоннинг “повесть” ва “қисса” жанрининг икки миллий адабиётдаги битта жанр номи эканлигига эътироз билдириши, баҳсли. Бу баҳсларга муносабат А.Аброров каби бир қатор олимларнинг ишларида кузатилади. Улар И.Султоннинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, “повесть” жанрини рус адабиётидан кириб келгани учун олий навли жанр, қиссани эса сал паст навли жанрга чиқаришди. Вақти келиб, бундай қарашлар ҳам барҳам топди, албатта. Хусусан, адабиётшунос олим Б.Саримсоқов томонидан дадил туриб, “повесть” ва “қисса” терминлари битта жанрнинг муқобил варианты экани ва улар бир-бирининг ўрнида қўлланаверишини эътироф этди. Бу жуда тўғри хулоса эди. Мазкур масалага ўзбек қиссачилигининг тараққиёт муаммоларини тадқиқ этган А.Холмуродовнинг докторлик диссертациясида изчил ва холис фикрлар билдирилган³.

¹ Ал-имунжид фил -луғати ва-а – аълам. – Байрут: Дор ул-машрик, 1986. Арабско-русский словарь. – Тошкент: Камалак, 1994.

² Қозихўжаев А. Қисса жанри ҳақида / XX аср ўзбек адабиёти масалалари. Н.Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 2012. – Б. 206.

³ Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари: (XX асрнинг сўнгги чораги мисолида) Филол. фан. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 15-35.

Анчайин баҳсларга қарамасдан, И.Султон ва Д.Қуроноф ўз даври адабиётшунослиги учун қисса жанри критерийлари ва адабий канонларини аниқ ва ихчам шаклда англади ва тушунтириб бера олгани жуда катта таҳсинга сазовор иш қилишганини қайд этиш керак. И.Султоннинг “Адабиёт назарияси” китоби ҳамон адабиётшунослар ва мутахассислар қўлидан тушмай келаётган муҳим қўлланма эканини ҳеч биримиз инкор этмаймиз. Аммо илм ривожланди, шу қаторда ўзбек адабиётида қисса жанрининг янги-янги қирралари, жанр имкониятлари пайдо бўлди. Ҳар ҳолда замонавий ўзбек қиссачилигини Истиқлол даври мафқураси билан ўрганиш тенденцияси сўнгги йилларда яратилган Й.Солижоноф, А.Қозихўжаев, А.Холмуродов, М.Қўчқорова, М.Шералиева, Ф.Раджапова, Д.Холдорев, О.Шофиев ишларида кузатилади.

Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан 1994 йилда чоп этилган “Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жидлик. 1917-1985.” коллектив монографиясига ҳам “Қисса жанри” махсус фасл сифатида киритилган¹. Унда шундай дейилади: “Ўзбек насридаги қисса ўтган ўн йилликда яратилган бўлиб, бугунги кунда ҳамон етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. 60-йилларда пайдо бўлган бу жанр ривожланиши тобора кучайиб бормоқда. Сўнгги ўн йилликда қисса, нафақат миқдорий жиҳатдан (70-80-йилларда ўзбек насрий ёзувчилари томонидан ёзилган юзлаб ҳикоялар) устунлик қилмоқда, балки адабий ва тематик жиҳатдан бадиий услуб жараёнида ҳам иштирок этмоқда. Ижодкор ёшлар ушбу жанрда етук усталар билан муваффақиятли ишлашади, уни янги дунёқараш, турли хил услублар ва бадиий маҳорат билан бойитадилар. Узоқ тарих, 1941-1945 йиллардаги даҳшатли уруш, замондошнинг ахлоқий табиати, бизнинг аслимиз ва унинг ривожланишидаги воқелик – замонавий ўзбек воқеаларининг тематик доираси. Бу жараёнда ёзувчилар қандай қилиб янги қирраларни кашф

¹ История узбекской литературы. В пяти томах. 1917-1985. 4-5-том. – Ташкент: Фан, 1994. – С. 38-70. Мазкур коллектив монография Фанлар академияси Тил ва адабиёти институти олимлари академик С.Мамажонов, ф.ф.д., Н.Владимирова, ф.ф.н. М.Султонова, ф.ф.д. А.Каттабеков, ф.ф.н. А.Раҳимов, ф.ф.н. И.Ғафуров томонидан тайёрланган.

этишини, ўтмишдаги ахлоқий сабоқларни ва бугунги кун мавзуларини ўрганиш учун янги имкониятларни очишини аниқ кўриш мумкин”¹. Мазкур тадқиқотда ўзбек қиссачилигига улкан ҳисса қўшган Н.Қобул, Т.Мурод, М.М.Дўст, Ў.Умарбеков, Ғ.Ҳотамов, Э.Аъзам, Э.Усмонов, С.Сиёев, М.Мансур, Н.Норматов, Ў.Ҳошимов, Х.Султон, Раҳим Бекниёз каби ўнлаб қиссанавислар ижоди таҳлил этилган. Ҳақиқатан ҳам, номлари тилга олинган муаллифлар ўзбек қиссачилигининг ажойиб, баркамол бадиий намуналарини яратишди. Бу ўринда “Ойдинда юрган одамлар”, “От кишнаган оқшом” (Тоғай Мурод), “Саодат соҳили”, “Ой ботган паллада” (Хайриддин Султон), “Дунёнинг ишлари”, “Баҳор қайтмайди” (Ў.Ҳошимов), “Отойининг туғилган йили”, “Жавоб” (Э.Аъзам), “Галатепага қайтиш” (М.Муҳаммад Дўст), “Қудук тепасидаги ой” (Ғ.Ҳотам), “Яхшиларга ёндошдим” (С.Сиёев), “Ҳамманинг яшагиси келади” (М.Мансур) каби қиссаларни алоҳида эътироф этиш ўринли.

Адабиётшунос А.Расуловнинг “Совет даври замонавий ўзбек қиссачилигида ёш қаҳрамон характери масаласи” номзодлик диссертациясида ҳам қисса жанри ва унда ёшлар образи ўрганилди¹. Қаҳрамон характерини ўрганиш тенденцияси олимнинг энг сўнгги тадқиқотларигача давом этди. Жумладан, олимнинг мазкур илмий кузатишлари нафақат қисса жанрида, қолаверса, роман, дostonларда воқеъ бўлганини “Бадиийлик – безавол янгилик” монографиясида ҳам кузатиш мумкин.

Тадқиқотчи А.Аброров ўзининг “Ўзбек повести” монографик тадқиқотида қисса жанрининг ўзбек адабиётида пайдо бўлиши, шаклланиши, термин тарихига (“повесть” терминиغا) назар ташлайди, сўнгра мазкур жанрда замонавийлик, янги жанр кўринишлари, асосий қаҳрамон мавзуси (ишчи образи), янги инсон образининг шаклланиши каби муҳим назарий масалаларга диққатни қаратади. Тадқиқотчи “повесть” ва “қисса”

¹ История узбекской литературы. В пяти томах. 1917-1985. 4-5-том. – Ташкент: Фан, 1994. – С. 38-39.

терминлари борасида И.Султон қарашларини қўллаб-қувватлайди. Унинг ўзбек қиссачилигини ўрганишга бағишланган монографиясидан сўнг докторлик диссертацияси яратилди². Табиийки, муаллифнинг мазкур илмий изланишлари ўз даври учун ўзбек қисса жанрининг ўрганилиши борасидаги илк йирик тадқиқотлардан бири сифатида қолади. А.Аброровнинг илмий-ижодий тадқиқотларига ҳамоҳанг Н.Холлиевнинг «Ижтимоий проблема ва бадий образ» рисоласида 70-йиллар ўзбек қиссачилигида ёшлар образи ва оила муаммоси тадқиқ этилганлиги билан эътиборни тортади³. Шунингдек, А.Рашидовнинг номзодлик ишида ҳам ўзбек қиссачилигида яратилган Ишчи синфини, Ишчи қаҳрамонини ёритишида маънавий-ахлоқий муаммолар масаласи ўрганилган.

Умуман олганда, 70-80-йилларда яратилган диссертацион ишларда асосан, ўзбек қиссачилигида яратилган образлар (ёшлар образи, ишчи образи, ишчи синфи) талқини, қаҳрамон характери, маънавий-ахлоқий муаммолар, Ишчи синфи кун қаҳрамони каби шўро мафкурасини ўзида ташувчи илмий муаммолар ёритилганини кузатиш мумкин. Яратилган бадий материал ҳам шунга яраша албатта. Бундан ташқари, С.Захидов, К.Тагматов, М.Тенглашев, Г.Тошпўлатовларнинг номзодлик диссертацияларида ҳам 60-80-йиллар совет даври ўзбек қиссачилигига хос жанрий ва услубий тенденциялар, қаҳрамоннинг маънавий олами ва ўзбек қиссачилигидаги янгича бадий изланишлар масаласи М.М.Дўст, Т.Мурод, Ғ.Ҳотам қиссалари мисолида атрофлича ва жиддий ўрганилган⁴. 80-йилларда яратилган ўзбек қиссачилиги бўйича ёзилган диссертацияларнинг умумий илмий савияси 60-70-йилларда

¹ Расулов А. Характер молодежи в современных узбекских советских повестях: дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1966.

² Аброров А. Ўзбек совет повестининг таркиб топиши ва тараққиёти: Филол. фан. д-ри ...дис. – Тошкент: 1975.

³ Холлиев Н. Ижтимоий проблема ва бадий образ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 24.

⁴ Рашидов А. Проблема духовно-нравственного становления героя в узбекской повести о рабочем классе: дисс. канд. филол. наук. – Ташкент: 1981; Захидов С. Жанровые и стиливые особенности советской узбекской повести (60-80 г): дис. канд. филол. наук. – Ташкент: 1982; Тагматов К. Нравственный мир героя и художественные искания в узбекский повести (1960-1970 гг): дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981; Тенглашев М. Особенности конфликта в узбекских повестях 80-х годов: дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989; Ташпулатов Г. Нравственные искания в современный узбекский повести (М.М.Дуст, Тагай Мурод, Г.Хатам): дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент: 1993.

бажарилган тадқиқотлардан анча устунлик касб этади. Бунинг битта сабаби бу давр адабиётида янгича бадиий-услубий изланишлар, шўро мафкураси исканжасидан холи бўлган чинакам қиссалар яратилгани билан белгиланади. Бу даврда Ў.Умарбеков, У.Назаров, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, Э.Аъзам, Х.Султон, М.Муҳаммад Дўст, Ғ.Ҳотам каби маҳоратли қиссанавислар авлоди ўзбек прозасини янгича ижодий услубий изланишлари билан янгилади.

Адабиётшунос А.Улуғовнинг номзодлик диссертациясида ўзбек қиссачилигининг ўрганилиши, адабий танқидчиликда қиссалар интерпретацияси масаласи ўрганилган¹. Олим нафақат ўзбек адабиётшунослигида қисса жанрининг ўрганилишини, балки кейинги тадқиқотларида қиссанавислар ижодини ҳам талқин ва тадқиқ этди. Муаллиф мазкур монографиясида ўзбек қиссачилигида замонавийлик ва ҳаққонийлик, бадиий маҳорат масалаларини изчил ўрганган.

Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида ҳам ўзбек қиссачилигини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари жадал ривожланди. Бинобарин, К.Кўбаев, Ю.Каримова, М.Рустамова, А.Холмуродов, М.Бобохонов, М.Шералиева, Д.Холдорев, Ғ.Раджапова каби ўнлаб тадқиқотчилар бу соҳада монографик ишлар ёзишди. Шу муаллифлар орасидан баъзи бирларига алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз биламиз. Н.Раҳимжонов, Қ.Кўбаев ҳаммуаллифликда яратган “Тарихий қиссалар ҳақиқат излайди” монографиясида М.Осим, О.Ёқубов, Я.Илёсов, З.Аълам, Х.Султон, А.Ибодинов, Ш.Исахонова, Исфандиёр, М.Тошпўлатовларнинг ўзбек халқи тарихида ном қолдирган буюк тарихий шахслар ҳаётига бағишланган қиссалари таҳлилига бағишланган. Тадқиқотчи Қ.Кўбаев ўзининг ўзбек қиссалигида алоҳида йўналиш сифатида шаклланган тарихий қиссалар ва бу жанрда ижод қилган ўнлаб қиссанависларнинг шу мавзудаги асарларига хос тарихий ҳақиқат ва ёзувчининг бадиий маҳорати

¹ Улугов А. Основные тенденции развития современной узбекской повести в интерпретации литературной критике: Дис. канд. филол. наук. – Ташкент: 1988.

масаласини ўрганади¹. Хусусан, тарихий қиссаларни жиддий ўрганган олимларнинг қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ: “Тарихий қиссалар ўз хусусияти ва табиатига кўра прозанинг бошқа жанрларига караганда анча мураккаб ҳисобланади. У ҳикоя, эссе, роман жанрларининг етакчи хусусиятларини ўз табиатига сингдирган ҳолда янги фазилатлар касб этиб бормоқда. Тарихий қиссалар аксар ҳолларда синкретик жанр, дейилганда ана шу белгиларнинг уйғунликда зоҳир бўлиши назарда тутилади. Адабиётшунослик илмида унинг устувор хусусиятларини, жанр табиатини белгилашдаги қийинчиликлар мураккаблиги ана шу омиллар билан изоҳланади”¹. Мавзу ва ғоявий жиҳатдан қаралганда, 90 йиллик ўзбек замонавий қиссачилигини қуйидагича туркумлаштириш мумкин:

1. Сатирик қиссалар (А.Қодирий “Калвак Махзум”, С.Айний “Судхўрнинг ўлими” қиссаси ва бошқалар);
2. Автобиографик қиссалар (А.Қаҳҳор “Ўтмишдан эртаклар”, Ойбек “Болалик”, Ғ.Ғулом “Шум бола” ва бошқалар);
3. Маиший ва маънавий-ахлоқий қиссалар (С.Айний “Одина”, “Эски мактаб”, А.Қаҳҳор “Муҳаббат”, П.Қодиров “Эрк”, “Қадрим”, Ў.Ҳошимов “Дунёнинг ишлари”, “Баҳор қайтмайди”, Ш.Холмирзаев “Букри тол” ва ҳ.зо.);
4. Тарихий қиссалар (М.Осим “Жайхун устидаги булутлар”, “Темур Малик”, “Искандар ва Спитамен”, Ш.Исахонова “Интиқом”, Исфандиёр “Қасамёд” ва ҳ.зо.);
5. Детектив қиссалар (Т.Малик “Шайтанат” туркумидаги асарлар);
6. Фантастик қиссалар (Ҳ.Шайхов қиссалари);
7. Ижтимоий давр ғояларини ташувчи қиссалар (А.Қодирий “Обид Кетмон”, А.Қаҳҳор “Синчалак”, Ш.Ғуломов “Тоза ҳаво”);
8. Эссе-мактуб қисса (Ў.Умарбеков “Қизимга мактублар”).

¹ Кўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006. Раҳимжонов Н., Кўбаев Қ. Тарихий қиссалар ҳақиқат излайди – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” нашриёти. – 2005. – Б. 188.

Бундан ташқари, ўзбек адабиётшунослигида сўнгги йилларда қиссанавислар ижодини алоҳида ажратиб олиб ўрганиш ҳолати ҳам кузатилади. Жумладан, бу ўринда Ю.Каримовнинг номзодлик, З.Сувановнинг филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини кўрсатиш мумкин². Тадқиқотчи мазкур илмий монографиясида ўзбек қиссачилиги тараққиётига катта ҳисса қўшган П.Қодировнинг қатор қиссаларида илгари сурилган маънавий-ахлоқий муаммоларни ўрганади.

Адабиётшунос А.Холмуродовнинг “Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари” мавзусидаги докторлик ишида XX аср охирида яратилган ўзбек қиссаларидаги услубий ўзгаришлар тадқиқ этилади. Тадқиқотчи мазкур диссертациясида қисса жанрининг тарихий илдизлари, жанрнинг назарий табиати, трансформацияси, қиссада композиция ва эпик тасвир, қиссанавис образи, замонавий қиссачиликда давр ва психологик таҳлилнинг ўзига хослиги, тарихий қиссада образ яратиш муаммоси, тарихий қисса спецификаси, тарихий қиссада реал шахс ва бадий тўқима, янги бадий тафаккур ва тарихий образ яратиш муаммоларини ўрганади. А.Холмуродов мазкур тадқиқотида ўтган асрнинг сўнгги йигирма беш йил ичида яратилган қиссаларни жамлаб, муайян муаммолар юзасидан аналитик таҳлилий кузатишлар асносида қисса жанрининг назарий табиати ва генезиси ҳақида ижобий мулоҳазалар юритишга муваффақ бўлган.

М.Рустамовнинг “Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари” номли номзодлик диссертациясида янги қаҳрамон, шахс фожеаси талқини, ноанъанавий услубий шакллар кузатилган³. Тадқиқот иши ҳажман жуда катта материални ўз ичига олгани билан аҳамиятли.

¹ Раҳимжонов Н., Кўбаев Қ. Тарихий қиссалар ҳақиқат излайди – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ҳузуридаги “Адолат” нашриёти. – 2005. – Б. 177.

² Каримова Ю. Пиримкул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадий талқини: Филол.фанлари номзоди ...дис. - Тошкент: 2005. Суванов З. Тоғай Мурод насрида образлар поэтикаси: Филол. фан. б-ча. ф-фа. д-ри. ...дис. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 53.

³ Рустамова М. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол. фан. номзод. ...дис. – Тошкент: 2005. – Б. 134.

Истиклол даврида яратилган “Оромкурси”, “Куза...”, “Нигоҳ”, “Паноҳ”, “Сўроқ”, “Ҳижроним мингдур менинг”, “Чаёнгул” (Х.Дўстмуҳаммад), “Шўродан қолган одамлар”, “Бир кунлик меҳмон”, “Эски арава”, “Шоҳона совға”, “Муюлишдаги уй”, “Кунботардаги боғ” (Ш.Бўтаев), “Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб” (Н.Эшонқул), “Ёлғизлик” (У.Ҳамдам), “Шоирнинг тўйи”, “Чапақлар ва чалпақлар мамлақати”, “Забаржад”, “Фаришта” (Э.Аъзам), “Аскартоғ томонларда”, “Ҳали ҳаёт бор” (А.Аъзам) каби қатор қиссаларнинг баъзилари кўпчилик тадқиқотчиларнинг диссертацион ишларида тадқиқот объекти вазифасини ўтаган.

Тадқиқотчи Д.Холдоров “Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси” фалсафа доктори (PhD) диссертациясида бугунги ўзбек қиссачилигига янгича услубий изланишлар ва янгича образлар, топилма сюжетлар олиб кирган икки қиссанавис Ш.Бўтаев ва Н.Эшонқул қиссаларини тадқиқот объекти сифатида танлайди. Масалан, тадқиқотчи Ш.Бўтаевнинг “Шўродан қолган одамлар”, “Эски арава”, “Муюлишдаги уй”, “Шамол ўйини”, “Бир кунлик меҳмон”, “Шоҳона совға”; Н.Эшонқулнинг “Тун панжаралари”, “Қора китоб”, “Момоқўшиқ”, “Уруш одамлари” қиссалари мисолида бадиий услуб муаммосини кун тартибига қўяди ва илмий таҳлиллари орқали ечим топишга ҳаракат қилади. Д.Холдоровнинг қуйидаги фикрига эътибор қаратамиз: “Изланишларимиз натижаларига кўра ўзбек қиссасининг бугунги ҳолати, асосан, унинг услубий ўзига хослиги тўрт асосий омилдан келиб чиқади. Булар: а) фольклор таъсиридаги қиссалар; б) ёзма мумтоз қиссачилик; в) шўро қиссачилиги (рус повести); г) жаҳон реалистик ва модерн қиссалари бўлиб, айти омиллар адабий жараённинг турли даврларида гоҳ фаол, гоҳ сустроқ вазифа бажаргани кузатилади”¹. Д.Холдоров замонавий ўзбек қиссачилигига фольклор анъаналарининг,

¹ Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул асарлари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа док. (PhD). ...дис. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 11.

мумтоз қиссачилик, рус қиссачилиги, жаҳон қиссачилигининг таъсирини илмий асослар орқали кузатган.

Бундан ташқари, тадқиқотчи Ф.Раджапова “Истиқлол даври ўзбек қиссаларида услуб ва поэтик тил” фалсафа доктори (PhD) диссертациясида қисса жанридаги услуб, тадрижийлик, ички турлар, янгиланаётган услубда руҳият талқини тамойиллари, қиссалар тилининг бадиий-эстетик ва услубий вазибалари каби масалаларни таҳлил қилган¹. Масалан, тадқиқотчи ҳозирги ўзбек қиссачилигини қуйидагича таснифлаган: “Ҳозирги қиссачиликдаги эврилишларда жанр ва услуб муносабати салмоқли ўрин тутди. Унда анъанавий ва замонавий услуб, публицистик талқин, психологик таҳлил, ижодий ўзига хослик каби тамойилларни кузатиш асосида алоҳида шахсни руҳий-маънавий ракурсда тафтиш этиш кенгаймоқда. Шунингдек, реализм имкониятлари қисса ва услуб таркибида янги хусусиятлар ва кўринишларни вужудга келтирмоқда. Бу жиҳатдан қиссанинг қуйидаги ички турлари мавжуд: 1) драматик қисса; 2) монолог-психологик қисса; 3) ҳангома қисса; 4) эссе қисса; 5) саргузашт-детектив қисса; 6) мактуб қисса; 7) лирик қисса; 8) киноқисса”². Бу ўринда жанрлар ўз ички ўзгаришларга кўра турланиб-тусланиб кетганлигига сабаб сифатида адабиётшунос Д.Қуроновиқнинг фикрларини келтириш жоиз. “Эпик жанрларнинг кино таъсирида шаклланган модификациялари – киноэпюд, киноҳикоя, киноқисса, кинороман қабилар ҳам адабиёт мулкида фуқаролик олишга ҳақли”¹. Ҳақиқатан ҳам эпик тур ва жанрларнинг синкретизми, бошқа санъатларнинг аралашуви натижасида, жанрнинг янги-янги турлари вужудга келди. Жумладан, Э.Аъзамнинг “Забаржад”, “Фаришта”, “Пақананинг ошиқ кўнгли” киноқиссалари яратилди. Тўғри, бу қиссалар кино қилиниши учун сценарий тарзида яратилган. Уларни бадиий асар сифатида ўқиш мумкин. Олимлар ўртасида шу типдаги қиссаларни адабий қисса сифатида ўрганиш керак эмас, деган

¹ Раджапова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссаларида услуб ва поэтик тил: фил. Филол. б-ча. ф-фа. д-ри. (PhD) ... дис. автореф. – Тошкент: 2018. – Б. 11.

² Раджапова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссаларида услуб ва поэтик тил: Филол. фан. б-ча. ф-фа. д-ри. (PhD) ... дис. автореф. – Тошкент: 2018. – Б. 11.

баҳсли фикрлари ҳам пайдо бўлди. Бугунги ўзбек адабиётшунослигида киноқисса, киноэтиюд, кинороман, киноҳикоялар ҳам ўрганилиши кун тартибидаги масалалардандир.

Тадқиқотчи М.Шералиева “Ҳозирги ўзбек насрида киноя” монографиясида Э.Аъзам, А.Аъзам, М.Муҳаммад Дўст қиссаларини таҳлил объекти сифатида олади². Жумладан, тадқиқотчи М.Муҳаммад Дўстнинг “Галатепага қайтиш ёхуд саодатманд Ғайбаров ривояти”, “Истефоъ”; Э.Аъзамнинг “Жавоб”; А.Аъзамнинг “Асқартоғ томонларда” қиссаларини қўйилган муаммо яъни “киноявий бадиий модус” юзасидан таҳлил этиб беради. Олима шундай ёзади: “...Эркин Аъзам асарларида лиризм ва киноя, Мурод Муҳаммад Дўстда идиллия ва киноя ёки элегизм ва киноя, Аҳмад Аъзамда эса романтик нормативлик ва киноянинг ўзаро ёнма-ён қўйилишини кузатиш мумкин. Бу ҳодиса, албатта, ёзувчиларнинг воқеликдаги ижтимоий-психологик типларга муносабати ўзгариши натижаси эди.

Биламизки, қисса жанри жамиятдаги ўзгаришларни, янги ижтимоий характерларни акс эттириш учун қулай, оператив жанр ҳисобланади³. Умуман олганда, ёш олиманинг илмий кузатишларида масалага, бадиий асар таҳлиliga нисбатан тамомила янгича қараш, янгича назариялар асосида ёндашув сезилади. Ўзбек адабиётшунослигида мана шундай юқори савиядаги илмий ишлар бажарилса, янги тамойиллар, муносабатлар ривожланади. Шунингдек, яна бир ёш тадқиқотчи О.Шофиев Эркин Аъзам насри бадиияти (киноя ва образ)” номли монографик тадқиқотида адибнинг “Жавоб”, “Отойининг туғилган йили”, “Гули - гули”, “Байрамдан бошқа кунлар”, “Забаржад”, “Шоирнинг тўйи”, “Пакананинг ошиқ кўнгли” каби қиссаларини таҳлил қилган⁴. Муаллиф ўз тадқиқотида Э.Аъзам бадиий маҳоратини очиб бериш учун, адибнинг роман, қиссалари, ҳикояларини киноявий услуб ва

¹ Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – Б. 375.

² Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. (Ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни) – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 224.

³ Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. (Ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни) – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 84-85.

⁴ Шофиев О. Эркин Аъзам насри бадиияти (киноя ва образ). – Тошкент: Қақнус медиа, 2019. – Б. 172.

киноявий образ масаласи юзасидан рус-европа адабиётшунослигида яратилган сўнгги йиллардаги илғор илмий-назарий қарашлар асосида ёритиб беришга интилади. Айтиш мумкин, тадқиқотчи ўз олдида қўйган мақсадига эришган. Масалан, О.Шофиев монографик тадқиқотида Ю.Борев, А.Б.Есин, В.М.Пивоев, В.О.Пигулевский, В.И.Тюпаларнинг эстетика, адабиётшунослик, танқидчилик йўналишларида яратилган назарий китоблар, қўлланмалар, рисоалардан унумли фойдаланиб, Эркин Аъзам насрига хос киноявий бадиий модусни таҳлил этиб беришга уринади. Албатта, бу уринишлар ниҳоятда ижобий характерга эга.

Тадқиқотчи Ф.Бурханованинг “Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм. (Назар Эшонқул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида)” номли филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида “Уруш одамлари”, “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари” (Н.Эшонқул), “Ёлғизлик” (У.Ҳамдам) қиссаларини таҳлил этади. Тадқиқотчи асарларнинг яратилиш тарихини, ёзувчилар ижодида учрайдиган аёллар образининг реал ҳаётий асосларини адибларнинг туғилиб ўсган юрти, оилавий ва адабий муҳити билан ҳамоҳангликда ўрганиб, илмий хулосаларга келган. Масалан, Ф.Бурханова шундай ёзади: “Уруш одамлари” қиссасида Терсота қишлоғида яшовчи Бийди момо, “Шамолни тутиб бўлмайдими” қиссасида эса Байна момо тимсолида намоён бўладиган қаҳрамондир. Бу ҳар икки образга хос муштарак жиҳатлар талайгина. Аввало, момо тимсолларига хос умумий хусусият образларнинг характер қирраларидаги уйғунликда намоён бўлади. Ёзувчи нима сабабдан момо образи ва Терсота қишлоғига қайта-қайта мурожаат қиляпти, нега ўзининг дардларини шу образлар моҳиятига сингдириб, гўё улар билан нафас олаётгандек тасвирляпти. Терсота қишлоғи ёзувчи ўйлаб топган ёки бўлмаса халқ оғзаки намуналаридан олган бирор жой номими ёхуд реал ҳудуд билан боғлиқми? Бийди момо ким, каби қатор саволларга жавоб излаб ёзувчи ижодий лабораториясига чуқурроқ кириб борганимизда, бевосита ижодкорнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган

кўпгина жиҳатлар ойдинлашди¹. Тадқиқотчи ёзувчи қиссаларидаги момолар образи ва Терсота ва терсоталиклар образининг реал асосларини ёзувчининг биографияси билан боғлиқликда ўрганишга интилиши кишини қувонтиради. Аммо ёш тадқиқотчи кичик бир хатоликка йўл қўйган. “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикоясини “қисса” деб боради. Ф.Бурханова ўз илмий кузатишларида давом этиб ёзади: “Терсота қишлоғи аслида, ёзувчи туғилиб-ўсган, болалигининг дастлабки даврлари ўтган қишлоқнинг номи. Момо образи эса адибнинг бувиси Пиримкул қизи Масил момонинг прототипидир. Масил момо ҳам худди ҳикояларида тасвирланганидек йигирма ёшида эридан айрилиб, иккита фарзанди билан бева қолади ва бошқа турмуш курмай ҳаётнинг бутун машаққатларига ёлғиз ўзи дош беради. Ёзувчи болалигида ўзи кўрган-билган ҳаётий хотиралар, дилига чўкиб қолган армонлар кейинчалик қайта уйғониб ўз асарлари моҳиятига сингиб кетган”¹.

Умуман олганда, ҳозирги ўзбек қиссаларини ўрганиш бўйича яратилган диссертация ва монографиялар мавзу ва кўлами жиҳатдан кенг ва ранг-баранг. Шу билан бирга, такрорий ўрганишлар ҳам кузатилади. М.Шералиева таъкидлаганидек, қисса жанри ҳикоя жанри сингари “оператив” жанрлардан саналади. Ўзбек адабиётида ҳар йили ўртача ҳисобда 15-20 та қисса яратилади. Биз буни Ёзувчилар уюшмасининг йиллик ҳисоботларидан ҳам билишимиз мумкин. Аммо чинакам санъат намунаси бўлиб қоладиган асар 5-10 йилликда, 20-30-йилда бир-иккита яратилса керак. XX аср ўзбек қиссачилиги тарихида С.Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими”, А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”, Ойбекнинг “Болалик”, Ғ.Ғуломнинг “Шум бола”, Ў.Умарбековнинг “Қизимга мактублар”, Ш.Холмирзаевнинг “Ўн саккизга кирмаган ким бор”, “От йили”, П.Қодировнинг “Эрк”, О.Ёқубовнинг “Муқаддас”, Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, “Баҳор қайтмайди” каби ўнлаб қиссаларни санаш мумкин. Бу қиссалар ўзбек адабий ҳаётида жуда

¹ Бурханова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонкул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида): Филол. фан. 6-ча. ф-фа. д-ри. (PhD)...дисс. автореф. – Тошкент: 2019. – Б. 17.

катта воқеага айланган. Уларнинг баъзи бирлари экранлаштирилиб, халқимизга тақдим этилган.

Адабиётшунос М.Қўчқорованинг “Ўтмишдан эртаклар” тадқиқи” монографиясида А.Қаҳҳорнинг автобиографик асари орқали бутун ижодига ҳикояларида яратилган образлар ва воқеаларнинг реал заминини, адиб таржимаи ҳоли билан боғлаб, образлар ва сюжетларнинг заминини қариндош-уруғлари, ота-онаси, у ўсган XX аср бошидаги Қўқон муҳитидан излайди. Тадқиқотчи адибнинг уй-музейида сақланаётган архив ҳужжатлари асосида ва автобиографик қиссаси орқали адибнинг бутун ижодига ёйилиб кетган таржимаи ҳоли, кўрган-кечирганларининг бадиий ҳақиқатлар тарзида китобхонга тухфа этилишини психобиографик, биографик, структурал таҳлил методлари орқали синовдан ўтказди¹. Айтиш мумкинки, олима жуда яхши натижаларга эришган.

Қисса жанрининг янги намуналари С.Айний, А.Қаҳҳор, Ойбек, А.Мухтор, П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, Ў.Умарбеков, Ш.Холмирзаевлардан сўнг ҳам яратилди. Хусусан, 70-80-йиллар авлоди бўлган Э.Аъзам, А.Аъзам, Х.Султон, М.Муҳаммад Дўст, Х.Дўстмуҳаммад, Ш.Бўтаев, Н.Эшонқул, Ш.Ҳамро, А.Йўлдош, С.Вафо, Н.Рауфхон каби қиссанавислар ҳам гўзал асарлар яратишга муваффақ бўлишди. Истиклол даври ўзбек қиссачилигида “Ёлғизлик” (У.Ҳамдам), “Тийрамоҳ” (Г.Эрназарова) сингари эссе-қиссалар пайдо бўлди. Бу қиссалар учун умумий муштараклик бадиий асарнинг кундалик шаклида яратилишидир. Қолаверса, ҳар икки қисса қаҳрамонларнинг ички-монологи асосига қурилган. Уларда ҳиссий кечинма очиқ-ошкора ёзилиши жиҳатидан анъанавий реалистик қиссалардан мутлақо фарқ қилади. Шунинг учун бу типдаги қиссаларни ноанъанавий модерн қиссалар сифатида ўрганиш керак бўлади. Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним мингдур менинг”, “Мен – сенси, Сен – менсиз” қиссалари мактуб-қиссага мисол бўлади. Адиб бу қиссаларда Ф.Достоевскийнинг “Камбағаллар”

¹ Бурханова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонқул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида):): Филол. фан. б-ча. ф-фа. д-ри. (PhD)...дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б 18.

асаридаги бадий услубий изланишларга эргашади, қайсидир маънода ўзбек аёлининг мискин, мушфиқ қиёфасини очиб беради.

Ҳозирги адабий жараёнда ўткир қалами билан кўзга ташланаётган Баҳодир Қобулнинг “Энайўл”, “Энашамол”, “Отачирок” каби катор қиссалари ҳам ўзбек қиссачилигининг янгилинишига юз бурган қиёфасини кўрсатади. Бу янгилиниш Б.Қобулнинг бадий-услубида, табиий халқона тилни жуда ўрнида қўллай олишида, ўзбекона образларнинг маҳорат билан яратилишида кўринади. Хусусан, адибнинг ўзбек онахони, ўзбекнинг қайвони кампири образини мукамал равишда яратган “Энашамол” қиссаси фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Шунингдек, ҳозирги ўзбек қиссанависларининг етакчиларидан бири Ш.Бўтаевнинг ўнлаб қиссалари ҳам Истиқлол даври қиссачилигининг янгилинишларини ўзида намоён этган. Прозанинг турли жанрларида сермахсул ижод қилаётган адибнинг ҳар бир қиссаси алоҳида воқеадир. Бугунги ўзбек қиссачилиги турли кино санъати ва бошқа жанрларнинг (эссе, роман, ҳикоя, новелла, мактуб) таъсири натижасида унинг ички турлари (киноқисса, қиссаэтнод, қиссановелла, қиссаҳикоя) пайдо бўлди. Баъзан қиссаларда роман жанрига хос унсурлар, баъзан эса новелла, ҳикоя жанрига хос хусусиятлар кўриниш берди. Айти пайтда қисса жанри ҳам бошқа жанрларга ўзининг ижобий хусусиятларини юқтирмоқда. Масалан, Ш.Холмирзаевнинг “Ўзбекбобо”, “Кузда баҳор ҳавоси” ҳикоялари қисса характерида яратилган. Аммо уларни муаллиф “ҳикоя” деб эълон қилган. Бу албатта, тўғри. Умуман олганда, жанрлар синкретизми кузатилмоқда. Нима учун юқоридаги қиссалар ўзбек миллий адабиёти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллади? Нега улар билан баравар равишда яратилган бошқа қиссалар халқ хотирасидан ҳам, адабиёт тарихидан ҳам буткул ўчиб кетди? Мана шундай ҳақли саволлар пайдо бўлади. Жавоб эса битта. Қиссаларнинг адабиёт тарихи ва халқ хотирасида мангу қолишига сабаб

¹ Қўчқорова М. “Ўтмишдан эртақлар” тадқиқи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 146.

ёзувчининг бадий маҳорати туфайли ҳаётий воқеаларнинг аниқ, самимий, ҳаққоний тарзда ўзбекона тилда ёзилгани билан чамбарчас боғлиқдир.

1.2. Хорижда ва миллий адабиётшуносликда аёл образининг ўрганилиши

Аёллар образи кириб бормаган санъат соҳасининг ўзи бўлмаса керак, назаримизда. Бадий адабиёт, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, миниатюра, рақс, театр, кино ва ҳозир эсимизга келмаётган қанчадан-қанча санъат турларининг барчасида Аёл образи марказий ўринда туради. Ҳатто Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони карим”да аёлларга бағишланган энг катта суралардан бирининг номи “Нисо” деб аталади. Мазкур сура аёлларга зулм ўтказмаслик, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун нозил бўлган. “Нисо” сураси оятларида “Етим қиз тақдири”, “Аёлларнинг ташқи кўринишини сохта ўзгартириш гуноҳлиги”, “муаллақ Аёл”, “Аёл ва Эркак кишининг оиладаги ўрни” каби кўпдан-кўп масалаларга оидлик киритилганига гувоҳ бўламиз. Унда икки жинснинг оиладаги вазифалари аниқ ва равшан ёритиб берилган.

Илмий кузатишлар натижасида, қардош халқлар, рус ҳамда Шарқ халқлари адабиётшунослигида олиб борилган тадқиқотларда мавзуга дахлдор анчагина ишлар қилинганига амин бўлдик. Хусусан, мавжуд илмий материалларнинг мазмун-мундарижаси шуни кўрсатмоқдаки, Аёл образининг санъат ва адабиётдаги бадий талқини, Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни масаласи адабиётшунослик, психология, фалсафа, тарих, сиёсатшунослик, санъатшунослик каби турфа фанларнинг ҳам ўрганиш объекти бўлганини кўриш мумкин. Жумладан, араб тадқиқотчиси А.А.Халаф “Араб санъатида Аёллар образи” номли мақоласида шундай ёзади: “Шарқ санъатида аёл образи марказий ўринни эгаллайди. Аммо бу образ кўп маъноларга эга бўлиб, турлича талқин қилинади. Бир томондан, у аёлни маънавий юксак даражада бўлса-да “нарса” сифатида, аммо дунёвий

севгининг тимсоли сифатида тасвирлайди. Иккинчи томондан, аёлга нисбатан дунёвий севги Аллоҳга муҳаббат рамзини ифодалайди. Бу иккинчи хусусиятда аёл тасвири айниқса шеърят ва тасвирий санъат синтезида кенг қўлланилган”¹. Тадқиқотчи Шарқ мусулмон адабиётида машҳур бўлган мумтоз шоирлар Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, шунингдек, шарқ аёлларининг гўзаллигини таърифлаган Гёте, Байрон шеърятини қисқа таҳлил қилади. Шунингдек, Шарқ мифологияси ва фольклорида Аёл образи сўзга чечан, ақлли, удабурон, гўзал суҳбатдош, эртақчи ва маталчи Шаҳризода тимсолида яратилганини қайд этади: “Мукамал аёл сиймосига бенуксон зукко нотиклик каби сифат ҳам қўшилади. Шарқ мифологияси, тарихи ва адабиётдан биз кўплаб ажойиб ҳикоячи, зукко ҳамсуҳбатларни биламиз ва улардан асосийси –Шаҳризодадир.

Шарқ назмида аёл сиймоси рамзий хусусиятга эга бўлса-да, жаҳон адабиётини, мусиқасини, рассомчилик ва назмни ёрқин аёллик характери билан бойитди, аёл гўзаллиги учун ойюзли, оҳукўзли, ширинсўз, сарвқомат сингари эпитетлар яратилиб, доим вазмин европаликларнинг эътиборини тортди...”² Тадқиқотчи А.А.Халаф Шарқ мусулмон санъатида Аёл образини суратда акслантириш тақиқлангани, XIX асрга келибгина, Аёллар суратини чизиш бошланганини араб рассомлари ижоди мисолида қисқа таҳлил қилади.

А.А.Халаф ишларига мазмун жиҳатдан яқин тадқиқотлардан бири К.П.Карагоданинг маданият тарихи ва назарияси йўналишида ёзилган диссертациясини кўрсатиш мумкин. Мазкур диссертация “Янги замон санъатида Аёллар образининг ижтимоий-маданий шарти” деб номланади. Унда тадқиқотчи янги замон адабиёти ва санъатида Аёлларнинг ўрнини икки типга бўлиб ўрганади: “Янги” ва анъанавий Аёл образидир. Хусусан, олим шундай ёзади: “...Янги давр санъатида аёл типологиясини иккига, яъни “янги” ва анъанавий аёл образларига ажратиш мумкин. “Янги” – жамиятда

¹ Халаф А.А. Образ женщины в Арабском искусстве. // Вестник ВГУ. Серия филология и журналистика. 2012. № 1. – С. 118.

² Халаф А.А. Образ женщины в Арабском искусстве. // Вестник ВГУ. Серия филология и журналистика. 2012. № 1. – С. 119.

юз бераётган ижтимоий-маданий ўзгаришларни акс эттиради ва шахснинг муносабати қандай ўзгараётганлигини кўрсатади. Илгари вужудга келган ва янги замон санъатига уйғун равишда кирган образлар анъанавий ҳисобланади.

“Янги” аёл образлари: янги давр жамиятида она ва бола статусини ўзгартиради, бадий санъатда уни марказий ўринга қўяди. Маърифатпарварлик даврида Европа аслзодалари, хусусан аёллар учун ҳам фан билан шуғулланиш урф бўлди. Аёллар илмий музокараларда иштирок этиш ва кўргазмалар илмий тажрибалар ўтказиш, ўша замоннинг таниқли уламолари билан ёзишмалар олиб бориш, илмий асарларни таржима қилиш учун салонлар ташкил қилишади. Янги замонда аёл ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчисига айланади.

Анъанавий аёл образлари: аёл ўзини никоҳ орқали намоён қилади, викториан даври ва ўша давр рассомлари жамият томонидан ўрнатилган, оилани бузиш каби тартиблардан чиққан аёлларга ўлим жазоси белгиланишини кўрсатиб ўтадилар”¹. Кузатилганидек, рус олимлари ХХ аср ижтимоий ҳаётида Аёлларнинг жамиятдаги ўрни, роли ўсиб, Аёл образининг санъат ва адабиётдаги вазифасини турли хилга бўлиб ўрганган. Хусусан, бу ўринда яна рус адабиётшуноси А.В.Сапанинг “В.Г.Распутин ижодида Аёллар образи” монографик тадқиқотини эслаш ўринли. Олим рус ёзувчиси В.Г.Распутин насрида “Кампирлар” образи энг кўп учрашини қайд этади, шунингдек, рус адабиётида яратилган энг гўзал Аёллар образини таҳлил қилади. А.В.Сапа рус адабиётида яратилган аёллар образини 3 типга бўлиб ўрганган. Булар: 1) “Оддий” аёллар; 2) «Эҳтиросли» аёллар; 3) «Иккиланган аёллар»². Ҳақиқатан, мазкур тадқиқот юқоридаги каби асосли илмий-назарий таснифи ва ўзининг оригиналлиги ҳамда фавқулодда таҳлилий кузатишлари билан ўқувчини ўзига тортади.

¹ Карагода А.П. Социокультурная обусловленность женских образов в искусстве нового времени: автореф. Дис. ... канд. искусствоведения. – Краснодар, 2019. – С. 19-20.

² <http://maxima-library.org/mob/b/385028?format=read>

Н.Л. Миркушинанинг “XIX аср охири ва XX аср бошларида рус маданий анъаналари ва диний фалсафасида Аёллар образи” мавзuidaги маданият тарихи ва назарияси йўналишида ёзилган диссертацион иши ҳам А.Карагоданинг ишига ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан яқин. Олима Аёл образига турли хил аспектдан ёндашилиши мумкинлиги, бу образнинг жуда қадимийлигини таъкидлаб шундай ёзади: “Маданиятнинг энг қадимгиларидан бўлган аёл образини тушуниш муаммоси матриархия ва патриархия каби ибтидоий даврларга бориб тақалади. Турли халқларнинг мифологик дунёқарашида аёл образи рамзий ва маъновий тўлдирилди, эпос, фольклор, маданият ва кундалик ҳаётда акс эттирилди. Аёл образини назарий тушуниш фалсафий рефлексиянинг пайдо бўлиши, Сократ ва унинг ўз-ўзини англаш муаммоси ҳамда антропологик муаммоларнинг туғилишидан бошлаб пайдо бўлди”¹.

Юқорида тилга олинган диссертация ишлари маданият тарихи, назарияси ва санъатшунослик фанлари йўналишида қилинган. Бевосита, адабиётда, хусусан, прозада Аёл образининг ишланиши масаласига доир К.Батманова, Е.Березкова, Пак Чжин Хван, Гавҳар Шарафзода, Л.Лукьянова, Н.Воробьева, Норузи Махназ, Ю.Афанасьева ва бошқаларнинг диссертацияларини кўрсатиш мумкин. Шулардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз. Жумладан, Гавҳар Шарафзоданинг “XI-XII асрлар форс-тожик насрий адабиёти ва халқ достончилигида Аёл образи эволюцияси” номли диссертацион ишида энг қадимий оғзаки адабиёт намуналари “Калила ва Димна”, “Панчатантра”, “Минг бир кеча”, шунингдек, “Қобуснома”, “Самак ва айёр”, “Меҳр ва Моҳ”, “Шоҳнома”, “Рустамнома”, “Қиссас ул анбиё”, каби қатор асарлар таҳлил этилган². Шунингдек, Н.Махназнинг “Замонавий рус-форс насрида Аёллар образи” номли қиёсий адабиётшунослик йўналишида қилинган диссертациясида рус-форс насрида Аёллар образининг

¹ Миркушина Н.Л. Образ женщины в русской религиозной философии и культурной традиции конца XIX – начало XX века: автореф. канд. философ. дис... – Астрахань, 2014. – С. 4.

² <http://cheloveknauka.com/evolyutsiya-obraza-zhenschiny-v-prozaicheskikh-proizvedeniyah-i-narodnyh-romanah-persidsko-tadzhikskoy-literatury-xi-xvii-#ixzz6Iu46cxTL>

типологик (энг қадимги даврдан XX аср бошларигача) нуқталари, замонавий Эрон ва Россия ёзувчилари асарларидаги аёллар образининг компаративистик таҳлили ўрганилган¹. Энг қизиғи, тадқиқотчи Эрон ва Россия замонавий прозасида Аёллар насрининг феномен сифатида шаклланиганини кўрсатиб берган. Бу масала махсус битта фаслда тадқиқ этилган.

Рус олими Ю.Афанасьеванинг “М.Жукова насри: XIX асрнинг иккинчи учинчи ярмида рус адабиётида аёл олами ва дунёкараши” диссертацион ишида сюжет поэтикаси, М.Жукова ижодида Аёл циклидаги қиссалар, сюжет ситуацияси ва коллизия, сюжет ва коллизияни ўзгартирувчи мотивлар (музыка мотиви, телбалик мотиви, суикасд мотиви), мактуб – аёл ички диалогизми каби ниҳоятда қизиқарли масалалар жиддий ва атрофлича ўрганилган². Н. Воробьеванинг диссертацион ишида эса 1980-2000 йиллардаги Аёллар насри: динамика, проблематика, поэтика масалалари махсус тадқиқ этилган³. Олима шундай ёзади: “Мазкур иш аёл насри муаммоларига бағишланади. Аниқ илмий таърифдан узоқ бўлган ушбу тоифа адабиётда ва танқидда 1980-1990 йилларнинг бошларида пайдо бўлган. “Аёл ҳақидаги ёш наср”, “аёл ҳақидаги янги наср” сўз бирикмалари аёл муаллифлар томонидан ёзилган адабий тўпламларнинг сарлавҳасида қатъият билан қўлланила бошланди: «Чистенькая жизнь: молодая женская проза» (1990), «Не помнящая зла: новая женская проза» (1990), «Новые амазонки» (1991). Шу вақтда аёл насри ҳақида танқидий фикрлар ҳам билдирилди: «Существует ли «женская проза»?» [Дарк 1991: 257]; «впервые мы говорим о женской прозе, осознающей себя таковой» [Гессен 1991: 11]; «Судя по всему, у нас появилась женская проза» [Абашева 1992: 9]; «понятие женская проза утвердилось» [Павлов 1996: 106].

¹ Норузи Махназ. Женские образы в современной русской и персидской прозе: автореф. дис... канд. филол. наук. – РФ. 2011.

² Афанасьева Ю. Проза М.С. Жуковой: женский мир и женское мировидение в русской литературе второй трети XIX века. автореф. дис. ... канд. филол. наук. – РФ. 2006.

³ Воробьева Н.В. Женская проза 1980-2000 годов: динамика, проблематика и поэтика: автореф. дис... канд. филол. наука. – РФ. 2006.

Албатта, аёллар илгари ҳам ижод қилишган, аммо уларнинг бадиий асарлари ўзгача таърифларга сазовор бўлган. Масалан, XIX аср бошларидаги Москвада чоп этиладиган («Журнал для милых» (1804), «Московский Меркурий» (1805), «Аглая» (1808), «Кабинет Аспазии» (1815), «Дамский журнал» (1832)) журналларда фақат ўз давр руҳида модификацияланган “соҳибжамол рус аёли”, “рус Сафоси” сифатида “аёл-ёзувчи”, “аёл-шоира” каби тушунчаларни учратиш мумкин. XIX асрнинг 40-йилларида рус танқидчилигида “аёл адабиёти”, “аёл ижоди”, “аёл эстетикаси” (В. Боткин, Н. Билевич, В. Белинский, О. Сенковский, Н. Веревкин) каби тушунчалар ишлатила бошланди. Ушбу таърифлар аёл ижодкорлигини адабиётнинг ўзидан ажратиб туради. Шу маънода В.Г.Белинскийнинг фикр юритиши характерлидир: М.Жукованинг “ажойиб қиссалари”, санъатга эмас, балки французча *bell-lettres* деб аталадиган бадиий адабиётга тааллуқлидир” [Белинский 1978d: 369]. XX аср бошида “аёл қиссаси” деган тушунча пайдо бўлади¹. Умуман олганда, рус адабиётшунослигида қилинган тадқиқотлар ниҳоятда қизиқарли тарзда ишланган. Афсуски, ўзбек адабиётшунослигида бу қадар тизимли ва изчил монографик тадқиқотлар яратилмаган. Ўзбек адабиётшунослигида Аёллар прозасини алоҳида монографик тадқиқот сифатида ишлаш мумкин. Хусусан, ҳозирги ўзбек насрида фаол бўлган Саломат Вафо, Зулфия Қуролбой қизи, Шаҳодат Исахонова, Ж.Эргашева каби ўнлаб аёллар ижодини талқин ва тадқиқ этиш мумкин.

Л.Луқьянованинг “А.П.Чехов ҳикояларида Аёл характери: “аёл жумбоғи” бўйича дискуссия” диссертацион ишида адиб ҳикояларида (80-йиллардаги) Аёллар образини яратишдаги гуманистик талқин, XIX аср Россия ижтимоий ва адабий ҳаётида “Аёллар масаласи”, 90-йиллар Чехов ҳикояларида ғоявий-эстетик муаммолар эволюцияси каби қатор муаммолар ўрганилган¹. Рус олимлари Чехов асарларидаги Аёллар образини жуда кўп тадқиқ қилишган. Масалан, бу ўринда Пак Чжин Хваннинг “Чехов насрида

¹ Воробьева Н.В. Женская проза 1980-2000 годов: динамика, проблематика и поэтика: автореф. дис ... канд.филол. наука. – РФ. 2006. – С. 4.

аёллар образи” диссертацияси мисол бўлади. Тадқиқотчи мазкур монографик ишида Чеховнинг илк ижодий босқичида (1880-1887 йиллар қисса ва ҳикояларида) Аёл образини яратиш усуллари; иккинчи босқичдаги Аёллар образи трансформацияси; 1895-1904 йилларда Чехов насрида Аёллар образи эволюцияси деб номланган бобларда ўрганган².

Бундан ташқари, тарих фани йўналишидаги ишларда ҳам Аёлларнинг XXI аср ижтимоий ҳаётдаги ўрни, гендер тенглик каби кўпдан-кўп сиёсий-тарихий муаммолар ҳам тадқиқ қилинган³. Олима Е.А.Шабатура ушбу диссертациясида жуда қизиқарли кузатишлар қилишга эришган. Жумладан, “Янги Аёл” образининг шаклланишида давлат партиясининг сиёсий қарорлари, Янги жамятда Аёлнинг ўрни, Ялпи совет маданиятида (1917-1927 йиллар) “Янги Аёл” образининг трансляция шакллари ва усуллари тадқиқ этилади. Тадқиқотчи “Янги Аёл образи”нинг адабиётда ҳам акс этганини таъкидлаб шундай ёзади: “Аёлларнинг хулқ-атвори моделларини кўллаб-қувватлайдиган ғоялар публицистика сингари бадиий адабиёт матнлари ҳам бўлиб қолади. Партиянинг ушбу ташвиқотга бўлган катта эътиборини “Ишчи ва деҳқон аёллари кутубхоналари” («Библиотечки работницы и крестьянки») нинг турли хил адабиётларни: давлат ва сиёсий арбобларнинг мақолалари ва нутқлари, рабселькорларнинг ҳикоялари, шеърлар тўпламлари кўринишидаги ташвиқот материаллари, судлари ва спектаклларни ўз ичига олган улкан тиражлари гувоҳлик беради. Бундан ташқари, партия мафкурачилари киносанъатининг аҳамиятини ташвиқот ишининг манбаи сифатида тан олишди. Баён этишнинг анъанавий турлари - эртак, қисса, шеър, қўшиқ ва афсоналар тақдимотнинг асосий талабига айланди. Мафкуранинг анъанавий тан олинган шакллари яратишга интилиши анъанавий аёл мавзулари ва сюжетларидан янги аёл тақдирининг адабий тавсифларида фойдаланишда кузатилади. “Янги аёл” га бағишланган

¹ <http://cheloveknauka.com/>

² Пак Чжин Хван. Женские образы в прозе Чехова: автореф. канд. филол. наук дисс. ... РФ. 2005.

³ Шабатура Е.А. Образ “Новый женщины” советской культуре 1917-1929 годов: автореф. канд. истории наук. дисс. ... Омск, 2006.

адабиётда севги линияси синфийлик билан аралаштирилган, севги можароси, одатда, синфий қаршилик билан боғлиқ”¹ .

Тожикистонлик тадқиқотчи Г.Х.Мухаббатованинг номзодлик иши ҳам кўп жихатдан Шабатуранинг илмий тадқиқот ишига яқин. Бу диссертация ҳам тарихий аспектда бўлиб, унда “Тожикистон Республикасида маданий ўзгаришларда аёлларнинг ҳиссаси” муаммоси ўрганилган². Унда олима тараққиёт ва ташкилотчиликда аёлнинг роли, маданий ва маърифий ҳаракатларда аёлнинг ҳиссаси, санъат тараққиётида аёлнинг иштироки масалаларини тожик аёлларининг фаолияти мисолида тадқиқ этган. Янгича экспериментал сўровномалар асосида россиялик Аёллар билан америкалик Аёллар таққосланиб, муайян хулосалар чиқарилган янги йўналишдаги психологик тадқиқотлар ҳам яратилган³.

Энди бевосита ўзбек адабиётшунослигида қилинган ишларга тўхталадиган бўлсак, Аёллар образи махсус ишланган Х.Лутфуллаеванинг диссертациясида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ҳамда Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романларидаги Аёллар образи ва ёзувчининг эстетик идеали масаласи ўрганилган⁴. Унда олима “Кумуш” ва “Зеби” образларини ёзувчининг эстетик идеали сифатида яратилганини икки бобда ўрганади. Бинобарин, тадқиқотчи Х.Лутфуллаева ёзади: “Инсониятнинг тамал тоши асосини ташкил қилувчи аёл ва унинг образи ҳамда эстетик идеал муаммоларини тадқиқотимиз учун мавзу қилиб олар эканмиз, унинг муҳимлиги айниқса, ҳозирги ҳаётимиз учун долзарблик касб этади. Чунки, аёл ер юзидаги жамики инсониятни туғиб, вояга етказган, башариятнинг давомийлигини таъмин этувчи зотдир”⁵. Дарҳақиқат, аёлларсиз башарият

¹ Шабатура Е.А. Образ “Новый женщины” советской культуре 1917-1929 годов: автореф канд. истории наук дисс... Омск, 2006.

² Мухаббатова Г.Х. Вклад женщин в проведение культурных преобразований в Республике Таджикистан: автореф. дис. канд. истории. Наук. – Душанбе, 2004.

³ Митина О.В., Петренко В.Ф. Кросскультурное исследование стереотипов женского поведения (в России и США). <http://cheloveknauka.com/>

⁴ Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи: (“Ўткан кунлар” ва “Кеча ва кундуз” романлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 1994. – Б. 141.

⁵ Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи: (“Ўткан кунлар” ва “Кеча ва кундуз” романлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 1994. – Б. 3.

давомийлиги ҳам, адабиёт ва санъат ҳам бўлиши мумкин эмас. Тадқиқотчининг фикр-мулоҳазаларига яқин фикрни адабиётшунос З.Исомиддинов “Икки аёл” мақоласида алоҳида таъкидлаган: “Инсоншунослик бўлмиш адабиёт биринчи навбатда аёлшунослик, яъни аёлни ўрганиш, инкишоф этиш илмидир. Кузатсак, энг қадимги асарлар ҳам аёлга бағишланган, улар конфликтини аёл ва унга алоқадор нарсалар ташкил этади. Ҳатто айтиш мумкинки, адабиёт тараққиёти аёл мавзуининг бадиий тадқиқи, унинг теранлаша бориши билан чамбарчас боғлиқ”¹. Олима диссертациясида ўзбек аёлининг миллий қиёфасини яратишда Абдулла Қодирий маҳорат билан асарлар ёзганини алоҳида таъкидлайди: “Аёл, қизларимиз қиёфасини бадиий адабиётга жонли ва ишонарли қилиб кўчириш юмушини Абдулла Қодирий санъаткорона маҳорат билан уддалаган. Аёл-қизларни ўрни ва қадрини жой-жойига қўйиб яратиш Абдулла Қодирийдек ёзувчиларгагина хос фазилатдир. Чунки, ижодкор чин инсонга қанчалар эҳтиром билан қараса, аёл, қизлар тасвирига ўша муносабат билан ёндашади. Ҳар бир исм, ҳар бир зотнинг бу асарда ўз ўрни, инсонлик кадр-қиммати, ўзига юклатилган вазифаси бор”². Олима Чўлпон ва Қодирийнинг Зеби ва Кумуш образини яратишдаги айрича бадиий услубини шундай кўрсатади: “Ўткан кунлар”да Кумуш ҳеч кимга ўхшатилмайдди, қиёсланмайдди. Ёзувчи гапни бевосита Кумушдан, ундаги муҳаббатнинг туғилишидан бошлайди. Чўлпон эса, асарини эндигина етилиб, муҳаббат ёшига етган Зебининг кайфиятини, ҳолатини баҳорга қиёслаш билан бошлайди”³ деб, ушбу классик носирларнинг маҳоратини асослар билан кўрсатади.

Н.Мухаммедованинг “Маргарэт Дрэббл асарларида Аёл образи ва унинг ижтимоий-эстетик талқини” филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий иши Европа, Америка, Австралия тили ва адабиёти йўналишида

¹ Исомиддинов З. Икки аёл. // Тафаккур. -2007. –Тошкент. 4-сон. – Б. 47.

²Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи: (“Ўткан кунлар” ва “Кеча ва кундуз” романлари асосида) Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 1994. – Б. 46-47.

³ Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи: (“Ўткан кунлар” ва “Кеча ва кундуз” романлари асосида). Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 1994. – Б. 76.

яратилган¹. Ёш тадқиқотчи шундай ёзади: “Дунё адабиётида XX асрнинг II ярмида яратилган асарларда аёл образига алоҳида эътибор қаратилган. Аёл сиймосини асарнинг биринчи сатҳида тасвирлаш, унинг шахс сифатида ижтимоий мақомини очиб бериш муаммоси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмади. Замонавий инглиз ёзувчиси Маргарэт Дрэббл прозасида аёл култи ва унинг миллий колорити етакчи ўринни эгаллайди”². Хуллас, тадқиқотчи Н.Мухаммедова Маргарэт Дрэббл ижодининг инглиз адабиётидаги ўрни ва аҳамияти, адиба ижодининг шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар, адабий контекст, мавзу ва ғоя бирлиги, аёл образининг ижтимоий-руҳий талқини, аёл образи мавзу ва ғоянинг ифодаси сифатида, аёллар образининг бадиий талқини, аёл образининг ўзига хослиги “Қизил либосли қиролича” асарида Шарқ аёл образини тадқиқ этади. Ёш тадқиқотчининг масалага тамомила янгича қараши ва таҳлиллари мавжуд.

Ўзбек адабиётшунослигида Аёл образини ва унинг инжа руҳиятини ўрганиш йирик адабиётшуносларимиз И.Султон, А.Алимухамедов, М.Қўшжонов, У.Норматов, П.Шермухамедовларнинг мақола ва китобларида у ёки бу даражада ўрганилган³.

Шунингдек, адабиётшунос ва таржимон Озод Шарафиддинов йирик адиб Абдулла Қаҳҳор ижодида ўзбек аёлининг тақдири мавзусига дахлдор асарларни жамлаб, таҳлил этади. Олим Абдулла Қаҳҳор ижодида ўзбек аёлининг бадиий биографиясини ишлаб чиқади. О. Шарафиддинов ўзбек аёлининг ночор ҳаётини акс эттирган “Бемор”, “Анор”, “Даҳшат” ҳикояларидаги аёллар образини таҳлил этар экан, Унсинни эрксевар, довюрак аёл сифатида таърифлайди. Айниқса, шу фикрлар орасида олимнинг куйидаги мулоҳазалари таҳсинга лойиқ: “Ҳикояда Унсинни ҳалок қилган нарса кўркув, ваҳима, гўристон даҳшати эмас, Додҳо эканлигига, додҳолар

¹ Мухаммедова Н. Маргарэт Дрэббл асарларида Аёл образи ва унинг ижтимоий-эстетик талқини: Филол. фан. б-ча ф-фа д-ри. дисс. ... автореф. – Тошкент: 2019. – Б. 50.

² Мухаммедова Н. Маргарэт Дрэббл асарларида Аёл образи ва унинг ижтимоий-эстетик талқини: Филол. фан. б-ча ф-фа д-ри. дисс. ... автореф. – Тошкент: 2019. – Б. 5.

³ Алимухамедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир. // Шарқ юлдузи., -1947, - № 2-3. - Б. 115-137; Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. - Тошкент: 1962; шу муаллиф. Қодирийнинг тасвирлаш санъати. – Тошкент: 1966; Қўшжонов М., Норматов У. Маҳорат сирлари. – Тошкент: 1968.

дунёси эканига ишора бор. Унсиннинг жасорати беиз қолмайди, у Додхо хонадонининг томирига болта уради, тилсиз кундошларининг қалбида сўниб қолган одамийлик ҳисларини ўт олдиради. Нодирмоҳбегимнинг бу даргоҳдан кетиши додхолар дунёсининг чириклигига ишора”¹. Тадқиқотда аёлнинг мардлиги, тантилиги ва соҳир қалб эгаси эканини бадиий таҳлиллар билан очиқлайди.

БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1. Замоनावий ўзбек қиссачилигини ўрганиш ишлари шўро даври адабиётшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Ўзбек адабиётида қисса жанри бир қанча миллий ҳамда ички ва ташқи омиллар ҳисобига шаклланди. Ўзбек қиссачилиги, аввало, ўзбек халқ ижодидаги диний мазмундаги, яъни пайғамбарлар, ишқ-муҳаббат ҳақида яратилган оғзаки қиссахонлик таъсирида ва замоनावий ёзма қиссачиликнинг мумтоз адабиёт вакиллари: Рабғузий, Мажлисийнинг қиссачилик тажрибалари таъсирида муайян даражада такомиллашди. Шунингдек, ўзбек қиссачилиги шўро даврида рус ва бошқа қардош халқлар повестлари таъсирида ҳам ўзига хос қиёфа касб этди. Шу билан бирга жаҳон адабиётида машҳур адибларнинг қиссачиликдаги ноанъанавий ижодий тажрибалари ҳам ҳозирги ўзбек қиссачилигининг ривожланиши ва ўзига хос тенденцияларини исботлади.

2. Ҳозирги ўзбек қиссалари жанр ва бадиий-услуб жиҳатдан ниҳоятда турфа хил эди. Бунда анъанавий реалистик қиссалар ва ноанъанавий модерн қиссалар вужудга келди. Қисса жанри табиатида жанрлар синкретизми юз берди, масалан, киноқисса, ҳикояқисса, новеллақисса, қиссаэтнод, мактубқисса, эссе-қиссалар пайдо бўлди. Аёллар образи нафақат ўзбек адабиётшунослиги аренасида, балки, дунё адабиётшунослиги ва санъатшунослик ҳамда бошқа кўплаб соҳаларда муҳим муаммо сифатида ўрганилиши далилланди.

¹ Шарафиддинов О. Адабий Этюдлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – Б. 65.

3. Аёл дунёни тебратувчи, наслни яратувчи, гўзаллик, ақл ва донишмандлик тимсоли сифатида қадим замонлардан бери ўрганиб келинади. Ҳозирги ўзбек қиссачилигидаги аёллар мавзуси билан боғлиқ жараёнлар аслида халқ ижоди, қолаверса, самовий китоб “Қуръони карим” каби диний манбалар билан боғланади, Аёллар ҳақидаги махсус оят ва суралар фикримиз исботидир. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида яратилган Аёллар образи ва унинг инжа руҳиятини тадқиқ этиш ва ўзбек аёлининг турфа қиёфалари турли даврларда турлича тасвирланди. Масалан, эзилган, ҳақ-ҳуқуқсиз аёллар, мафкуралашган жамоатчи аёл, зиёли, эркин фикрли аёл қиёфалари юз йилдан зиёд ўзбек қиссачилиги тараққиётида намоён бўлди. Ҳозирги ўзбек қиссачилигининг етук вакиллари Э.Аъзам, А.Аъзам, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, Шойим Бўтаев, Баҳодир Қобул асарларида аёл образи ва унинг дардчил, изтиробли қалби бадиий талқин қилинди.

II БОБ. ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИДА АЁЛЛАР РУҲИЯТИНИ ИФОДАЛАШДАГИ ЁРДАМЧИ БАДИИЙ ВОСИТАЛАР

2.1. Пейзаж тасвирий воситаси

Адабиётшуносликда табиат тасвири ва психологизм муаммосини ўрганиш доимо долзарб мавзулардандир. Зеро “ёзувчи ўз ғоявий ниятини фақат қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари орқали эмас, балки уларни ўраб турган табиат манзараларини тасвирлаш орқали ҳам амалга оширади. Пейзаж тасвири орқали ўқувчига таъсир этишни, ундаги гўзаллик туйғуларини тарбиялашни ҳам кўзда тутди”¹. Қолаверса, пейзаж тасвирига бадиий-ғоявий жиҳатдан ёндашилганда асар қаҳрамонлари билан пейзаж тасвири ўртасида ажратиб бўлмас диалектик алоқа мавжудлигини олимларимиз, тадқиқотчиларимиз мумтоз ва замонавий бадиий асарлар тадқиқи мисолида кузатишган². “Адабиётшунослик луғати”да пейзаж таърифи қуйидагича ифодаланган: “Адабий асарда яратилувчи воқеликнинг муҳим компоненти, воқеалар кечувчи очик макон (ёпиқ макон - интерьер) тасвири”¹. Дарҳақиқат, адабиётшунос олимлар И.Султон, Б.Саримсоқов, Т.Бобоев Ҳ.Умуров, Й.Солижонов, Д.Қуроновлар таъкидлаганидек, пейзаж, аввало, бадиий асарда тасвирланган табиат тасвири, аммо пейзаж назарий адабиётларда кўрсатилганидек, фақатгина замон ва макон тасвиридангина иборат эмас.

Пейзаж муаммосини махсус монографик планда тадқиқ қилган М.Султонова мазкур воситанинг бадиий асардаги ўрни масаласи ҳақида шундай мулоҳаза юритган: “ёзувчи ўз ғоявий ниятини фақат қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари орқали эмас, балки уларни ўраб турган табиат манзараларини тасвирлаш орқали амалга оширади. Пейзаж тасвири орқали ўқувчига таъсир этишни, ундаги гўзаллик туйғуларини тарбиялашни

¹ Султонова М. Пейзаж санъати. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 9.

² Набиев Ф. Пейзаж ва маънавий санъатлар. Адабий мерос, 1977; Малехова А.Н. Заметки о поэтике пейзажа в поэме “Лисон-ат-тайр”, Вестник Ленинградского университета, 1977. № 2, Султонова М. Пейзаж санъати. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 88.

хам кўзда тутди”². Кузатганимиздек, олима пейзаж тасвирининг қаҳрамон хатти-ҳаракатлари билан уйғун келишидан ташқари, китобхон қалбига таъсир ўтказувчи тарбиявий, маърифий ва эстетик вазифасини ҳам таъкидлаб ўтади.

Адабиётшунос М.Қўчқорова ҳам М.Султонова каби пейзаж воситасининг қаҳрамон руҳияти билан мос равишда акс эттирилишини қайд этиб, пейзаж – ички кечинмаларни янада бўрттириб тасвирловчи восита эканлигини “Озодлик” ва “Фиеста” асарларида рамз ва пейзаж” мақоласида ўрганар экан, шундай фикр юритади: “Бинобарин, асардаги ҳар бир пейзаж тасвири, фасллар, унга хос турли ҳолатлар, мавсумий ўзгаришлар, қаҳрамон ҳолати, кайфияти, кечинмалари ва ҳиссиётларига монанд ифодаланadi. Шунингдек, табиат манзаралари ва лавҳалари қаҳрамон ички кечинмаларини янада жонлантириб, кучайтириб ифода этувчи восита ҳамдир”³. Эссе жанрини монографик планда тадқиқ этган тадқиқотчи пейзаж тасвирининг эсселарда ҳам муҳим бадиий тасвир воситаси эканлигини Ш.Холмирзаевнинг шоир дўсти Абдулла Ориповга бағишланган “Йўлларимиз айро тушди, аммо...” эссеси таҳлилида (куз фаслининг эсседа рамзий пейзаж воситаси эканлигини) ҳам жиддий кузатган⁴. Мазкур ишлар кичик мақолалар доирасида кечади. Аммо ўзбек адабиётшунослигида пейзаж муаммосини яхлит илмий йўналишда ўрганган М.Султоновадан ташқари, Ф.Набиев, Ф.Н.Малехова, Н.Йўлдошев ишларини ҳам санашимиз мумкин⁵.

Биз таҳлил объекти сифатида ўрганаётган Х.Дўстмуҳаммад, С.Ўнар, Н.Эшонқул, А.Йўлдош қаламига мансуб асарларда табиат манзаралари ва жой тасвирлари, уларнинг қаҳрамон руҳий кечинмалари билан узвий равишда боғлиқлиги ҳар бир ижодкорда оригинал ва индивидуал тарзда ёндашилганини кузатишимиз мумкин.

¹ Куронов Д., Мамажонов З., ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. Тошкент: Akademnashr, 2010, – Б. 220.

² Султонова М. Пейзаж санъати. –Тошкент: Фан, 1983. – Б. 9.

³ Қўчқорова М. “Озодлик ва “Фиеста” асарларида рамз ва пейзаж”. // Ёшлик. – Тошкент. 2010.7-сон. – Б. 47 б.

⁴ Қўчқорова М. Руҳиятга мутаносиблик. // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент. 2006. 2-сон. – Б. 39-42.

⁵ Малехова А.Н. Заметки о поэтике пейзажа в поэме “Лисонут-тайр, Вестник Ленинградского университета, 1977, № 2; Набиев Ф. Пейзаж ва маънавий санъатлар. Адабий мерос, 1977.

Н.Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссаси дастлабки сатрларданок батафсил жой ва мавсум тасвири билан бошланади: “Бутун бригада сўнгги уч кун хашарчиларга жой ҳозирлаш билан овора бўлди: ҳар қалай, маданият ходимлари, яна бирор кори ҳол юз бермасин, бизни маданиятсиз, деб кетишмасин деган истиҳола билан шийпонни обдон оқлашди, ёғоч карт ўрнига симтўшаклар ўрнатишди, шийпон олдидаги ўт-ўланларни ўриб олишди, дарахтларни буташди, кип-қизил матога нима учун зарурлигини ўзлари ҳам тушунмай: “Хуш келибсиз, хашарчилар”, “Оқ олтиннинг бир мисқоли ҳам ерда қолмасин” деб ёзилган шиорлар илиб қўйишди. Қудуқларни тозалашди, атрофини қора қоғоз билан ўрашиб, кичкина омборхона қуришди – ҳамма ишни қунт билан берилиб бажаришди: чунки юқоридан бу йил шийпонга маданият вазирлигининг ходимлари келиши мумкинлиги ва шунга яраша тайёргарлик кўриш кераклиги ҳақида жуда эҳтиёткорона хабар келган эди. Сунбула ойининг энди икки ҳафтаси ўтганига қарамай, хашарчилар бу йил эрта кела бошлаганди”¹. Мазкур парчада қузатганимиздек, ёзувчи пахта йиғим терими давридаги шийпон тасвири, хашарчиларнинг келиши муносабати билан шийпондаги тозалаш ишлари, лозинглар тасвири, кичкина омборхона қурилиши ҳақида батафсил тасвирлар берадики, бу ўқувчига макон ва замон ҳақида, асарда ҳикоя этилмоқчи бўлган тақдирлар ва воқеаларга экспозиция вазифасини ўтаган. “Пейзаж нафақат табиатни (агар бу сўз остида бирламчи табиат тушунилса) балки у билан бирга инсон томонидан яратилган нарсалар тасвирини ҳам кўзда тутди. Шу маънода, масалан, бирон-бир хиёбон ёки шаҳар кўчасининг тасвири ҳам пейзаж ҳолбуки, улар табиат тасвири эмас, жой тасвиридир. Ёзувчи пейзажни воқеалар ривожини тўхтатиб қўйганча муфассал тасвирлаши (статик пейзаж) ёки унга тааллуқли деталларни воқеалар давомида бериб бориши (динамик пейзаж) мумкин. Асарда пейзаж бажарувчи бирламчи функция воқеалар кечаётган жой ва вақт ҳақида

¹ Эшонқул Н. Момоқўшиқ. // Ялпиз хиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 113.

тасаввур беришдир. Бирок, пейзажнинг асардаги функциялари бу билан чекланмайди, у полифункционаллик хусусиятига эга. Жумладан, пейзаж қаҳрамон руҳиятини очиш воситаси сифатида кенг қўлланади”¹. Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссасида динамик пейзаж тасвири етакчилик қилади. Қолаверса, луғатда эътироф этилганидек, нафақат табиат манзаралари, жой тасвирлари бўлишидан ташқари, қаҳрамон руҳиятини янада ёрқин очиб берувчи муҳим восита, шунингдек, қаҳрамоннинг ҳам ташқи, ҳам ички портретини табиат лавҳалари, ҳайвонат, тоғ-тош, тиниқ ва зилол сув, осмон жисмларига ўхшатиш орқали ҳам тасвирда янада оригиналликка эришилади. Шунингдек, Н.Эшонқул киноматографик тасвир услубидан ҳам кенг фойдаланган. Яъни турфа хил ҳиссиётларни, хатти-ҳаракатларни оператор сингари битта кадрда аниқ ва тиниқ чизади: “Ниҳоят жума куни пешиндан кейин бўлимга қарашли далаларга олиб келадиган ягона тупроқ йўлда пешоналарига байроқ қадалган тошбақага ўхшаш уч-автобус кўринди: муъолишдаги йўлдан то шийпонга келгунча автобуслар уч-тўрт марта тантанали биғиллаб қўйди; бирпасда ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетди – савхоз марказидан самовор ва қозон ташлаб кетишди: ҳашардан кўра кўриқка келишгандай жуда ясан-тусан қилиб олган ҳашарчилар автобус тўхташи билан атрофга ёйилган чанг-чунгини куҳ-куҳлаб ўзларини шийпонга уришди – улар юзга яқин ёш-яланглар ва турли ёшдаги аёлу эркаклар эди – улар гўё ўзлари билан бу сокин чўл қўйнига шаҳарнинг сершовқин ва бетартиб ҳаётини ҳам бирга олиб келгандай эдилар – шийпон тевараги ингичка, йўғон, ширали, ширасиз, нозли, ишвадор, хирилдоқ, совуқ, хирирлаган, чариллаган, йиғламсираган, кулинқираган, босинқираган, ҳадиксираган, чўчинқираган турли овозларга тўлди”. Юқорида айтиб ўтганимиздек, адиб мазкур парча сўнгида турли овозлар тасвирини уюшиқ бўлак сифатида (ингичка, йўғон, ширасиз, нозли, ишвадор, хирилдоқ, совуқ, хирирлаган, чариллаган, йиғламсираган, кулинқираган, босинқираган,

¹ Куронов Д., Мамажонов. З., ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akadernashr, 2010. – Б. 220

хадиксираган, чўчинқираган) келтирар экан, тасвирда яхлит бадий бутунликка эришган.

Қисса экспозициясида шийпон, шийпондаги тозалаш ишлари, хашарчилар тасвири, хашарчиларга қизиксиниб қараётган маҳаллий аҳоли, ёш болалар, каттароқ ёшли ўсмирлар, аёллар тасвиридан сўнг асарнинг марказий қаҳрамони драматург Шамси Салоҳ, иқтидорли ёш ёзувчи, хуллас маданият ходимларига таъриф ва тавсиф берилади. Асар марказида аёл образи – Муаззамнинг руҳияти, унинг тиниқ ва сокин овози, қадим анъаналарни давом эттириб, сигир соғиш маҳалида куйлайдиган чурияси, яъни момолар кўшиғи, унинг она юрти, пахта даласи деб тиним билмай заҳмат чекадиган турмуш ўртоғи, оилани ҳар қандай машҳурликдан, хою-ҳавасдан устун қўя олган ўзбек аёлининг изтиробли ва айни пайтда бахтга тўлиқ ҳаёти ҳикоя этилади. Шамси Салоҳ Муаззамдаги мусиқага бўлган қобилиятни сезиб, қолаверса, ўзининг эгри-бугри ҳислари таъсирида унга ўзгача ҳаёт ваъда этиб, Муаззамни шаҳарга олиб кетмоқчи бўлади. Шундай талантни бўғиб ўтиргани учун ҳатто унинг вафодор ва меҳнаткаш турмуш ўртоғини феодалликда айблайди.

Муаззам айтган кўшиқ муаллиф баёнида қуйидагича пейзаж тасвири билан боғлиқ равишда бадий ифодаланади: “Мана баҳор келаяпти. Чечаклар бош кўтараяпти, қизғалдоқлар қир-адирлар узра қийқириб, чопиб юришибди, ана, қамиш чайладан болакай югуриб чиқди, у онасининг пўписасига қарамай, ёмғир савалаб ўтган майсаларга қикир-қикир кулганча ағнаяпти, унинг кулгисидан уйғониб кетган дунё пориллаб очилаётган ғунчаларнинг кўзлари орқали теварак-атрофга разм солаяпти, дунё ғафлатдан уйғонаяпти... боғларда ишонч, хавотир, орзу дарахтлари гуллаяпти... Бу ўлкага яна муҳаббат кўшиғи қайтди...”¹. Бизнингча, Н.Эшонқулнинг “Момоқўшиқ”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб” қиссаларида патетик тасвир, романтик-лирик ҳиссиёт етакчилик қилади. Қолаверса, муаллиф кўп ўринларда китобхонга қарата ҳиссий-таъсирчан ички монолог ўқийди. Хусусан,

юқорида биз таҳлилга тортаётган “Момоқўшиқ” асарида ҳам худди шу ҳолат кузатилади. Деярли, бир ярим, икки саҳифалик ички монологлар учрайди. Энг муҳими, муаллиф аёл руҳиятини кашф этишда ёки бошқа қаҳрамонлар руҳиятига чуқур киришда пейзаж тасвиридан унумли фойдаланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Н.Эшонкул Муаззам ижро этган қўшиқнинг сирли-сехрли кучини, маъвосини табиатнинг эрка келинчак фасли баҳорга менгзайди. Кўкламда теварак-атрофда уйғониш, қайта тирилиш жараёни кечади. Чечаклар бош кўтаради, қир-адирларда лолақизғалдоқлар очилиб, нашъу намо этади. Худди шу табиатдаги гўзал, тозарган, тирилувчан, уйғонувчан ҳолатлар Муаззам куйлаган қадим момоқўшиқда мужассам эди. Мазкур қўшиқ асар матнида жуда кўплаб сифатлашлар билан баён этилади, чунончи: “Бу ота-боболардан мерос қолган, қувғин қилинган, қатл этилган, ёқиб юборилган, лекин охир-оқибатда зулмлардан, қатллардан яна қайта тирилаверган, яна ҳам гўзаллашган, улуғлашган, замонлар силсиласида осмону фалақдан ёғилган инъом каби яна пайдо бўлаверган ва маданий дунёнинг мафкураси билан захарлаб ташланган тўртта санъат одамининг қитиғига тегиш учун уларни босиб, янчиб ўтиб, йироқ-йироқларга оқиб бораётган кечки шафақ кўйнида янада кўпроқ товланаётган гўзал қўшиқ”². Кузатаётганимиздек, шаҳардан пахта йиғимига келган тўртта санъат одами билан соф табиат кўйнида яшаётган қишлоқ аёли Муаззам бир-бирига қарама-қарши кўйилади. Қўшиққа хос табиийлик, софлик аёл руҳиятига ҳам хос эди. Бехосдан қўшиқни эшитиб қолган тўртта ҳамроҳ гўёки, ҳозиргина олдиларидан “қизғиш қанотли тулпорлар учиб ўтгандек” ҳиссиётни туйишади. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, қаҳрамонлар руҳиятида хаёлий образлар тасвири орқали (қизғиш қанотли, учар от) бадиий тасвирда муваффақиятга эришилган.

Шамси Салоҳ бора-бора Муаззамни бахтсиз, нотавон, ёввойи дунёда яшаётган фариштага ўхшатади. Унинг ички монологиди Муаззамнинг тоза,

¹ Эшонкул Н. Момоқўшиқ. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 122.

² Эшонкул Н. Момоқўшиқ. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 121.

пок қалби шундай тасвирланади: “...Мовий осмонни нозлана-нозлана кезиб юрган ул кўк ҳилоли билан дарахтлар орасида қисиниб-қимтиниб, юзида ҳаё ва андак хуркаклик бўртиб турган, ёноқлари яловдай ҳилпираётган бу аёлнинг қандай фарқи бор? Фарқи шуки, ул ҳилол осмонлик, буниси эса ерлик. Унисининг минг йиллардан бери ердан нимадир излай-излай юзлари заъфарон бўлиб қолган. Буниси эса оқшомни заррин нурлар билан безаган ул кўклик мусаввирага ҳасади келгандай атиргул барги янглиғ қизарган, гўё бу оқшомни юзининг қизил шуъласи билан чўмилтириб, заррин ойни рашк ўтида адо қилмоқчидек. Заъфарон юзи эса яна ҳам сарғайтиб-сўлитмоқчидек... Йўқ, бу келинчак ҳилолдан кўра гулга кўпроқ монандроқ. У кимнингдир чорловини эшитган-у, бу чуркун дарахтлар орасида пориллаб очилган, - ундан атофга ғурур ва эрк шуълалари таралаяпти. Шунинг учун ҳам ҳилол унинг ёноғига хол бўлишни истагандек ётоғидан бош кўтарар-кўтармас чўлнинг асов шамоллари тараб қўйган бу зебо чехрага шайдо бўлиб тикилиб қолган. Йўқ, бу аёл ҳаммасидан ҳам дилбар бир шеърнинг гўзал сатрига ўхшайди – бу ерлардан қачонлардир қандайдир даҳо шоир ўтгану, уни мулку фалак билан боғлаб турадиган учқур хаёллари ва мўъжизалар яратувчи тилидан тупроғи жизғинак бўлиб ётган саҳрои-биёбонга бу гўзал сатр бир томчи кўзёш янглиғ сирғалиб тушиб қолган. Ой эса шу гўзал сатрни излаб юрган ул шоирнинг ёниқ хотирасидир”¹. Демак, парчада Шамси Салоҳ тили билан таърифланаётган Муаззам таърифида аввало шоирона, баландпарвоз, романтик услуб бўртиб турганлигини қайд этмоғимиз лозим. Иккинчидан, муаллиф Шамси Салоҳ образи, унинг нигоҳи орқали Муаззамни ойга ўхшатади. У осмондаги ойни “кўк ҳилоли”, Муаззамни эса “ер ҳилоли” дея таърифлайди. Ой ердан нимадир излай-излай юзлари сарғайган бўлса, ердаги ҳилол - Муаззам эса атиргулдек чиройи билан ойни ҳам уялтирган, ойдан ҳам кўра гулга ўшайди, йўқ бу аёл гўзал шеър сатрига ўхшайди ва ҳ.к. Кузатганимиздек, Шамси Салоҳнинг Муаззам таърифидаги ўхшатишларини

¹ Эшонқул Н. Момоқўшиқ. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 134.

табиатдаги, аниқроғи осмон жисми ойга, ва ер маликаси атиргулга қиёслаётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Ташбехларда муаллиф пейзаж унсурларидан жуда унумли фойдаланган. Пейзаж тасвири билан Шамси Салоҳнинг романтик кайфияти жуда уйғун ҳолда акс эттирилади. Чунончи, қўйидаги парчага эътибор қаратамиз: “У юлдузлари пирпираб турган салқин кечада узоқ кезди, тун ҳозиргина ўзини масъуд этган келинчак янглиғ сирлилиги ва фасоҳати билан унинг қалбини сирқиратар, оғритар, уни ҳислар қуюнига ташлар эди”. Шамси Салоҳнинг юрагини забт этган гўзаллик ва талант маъбудаси Муаззам унинг оромини ўғирлайди. Ҳатто у юлдузлар пирпираб турган салқин кечада ётиб, дам олишдан кўра Муаззам ҳақида хаёл суришни, ким биландир мунозара қилишни хоҳлайди. Келинчак сингари сирли ва фасоҳатли тун эса унинг қалбини янада сирқиратади. Чунки, тунда инсон ёлғиз ўзи қолади. Ички ҳис-туйғулари билан юзма-юз қолади. Адибнинг кўпчилик қиссаларида тун – пейзаж деталига жуда кўп мурожаат қилинади. Зеро, бу ўринда тун образини – мажозий тимсол даражасига олиб чиққан “Тун панжаралари” қиссасини эслашнинг ўзи кифоя қилади. Чунончи: “Тун гуллари ҳам бир-бир очила бошлади. Афтидан тун ўзининг улуғворлиги ва гўзаллигини билса керак – мен мана шундай оқшомлари кимнидир интиқ бўлиб кутаман.

Тун шоҳона либосда аста-секин ҳамма нарсани ўз измига бўйсундурмоқда.

Тун хушбўй сиёхранг атиргулга ўхшайди. Бу гулни ким узиб кўк қўйнига қўйиб кетди экан, мен билмайман”¹. Кузатганимиздек, қисса қаҳрамони ижодкор шахс учун тун улуғвор ва гўзал моҳиятга эга. Аслида, бу тавсиф ёзувчининг дунёқараши ва бадиий тафаккурини намоён этиб турибди. Тун – тасвири қиссада поэтик тасвирларга жуда бой.

Юқоридаги фикримизга қайтадиган бўлсак, “Момоқўшиқ” қиссасида тун Шамси Салоҳ учун кўнглидаги яширин ҳисларни тўкиб-сочишга бошпана, иккинчидан ўз қалби билан юзма-юз туриб баҳслашишга гўёки бир

паноҳ вазифасини ўтайди. Демак, таҳлил этаётганимиздек, қиссада тун – қаҳрамон руҳиятини янада очик-ошкора тафтиш этиш учун бир восита бўлган. Яна бир мисолга мурожаат этамиз: “... Кўраяпсанми, ерни туртиб-туртиб майсалар бош кўтараяпти, куртаклар чириган пўстлокни ёриб ёриб чиқаяпти, ғунчалар очилаяпти – булар ҳаммаси бир лаҳзада бўлаяпти, чириган, сўлиган, пайҳон қилинган гуллар қайта барг ёзаяпти, боғ турли ифорларга бурканяпти, дарахтлар новда тугаяпти, ёмғир ўзига камалакдан либос тикаяпти – бари сени кўшиғингдан, сенинг илоҳий овозингдан, сен оҳангларни ёндирган оҳангсан, сен тун кўйнида ловвуллаб турган алангасан!..”² Кузатганимиздек, мазкур парчада аёл образи лирик-романтик услубда илоҳийлаштирилади, идеаллаштирилади, парча сўнггида аёл қопқора тунни ёритаётган алангага ўхшатилади. Умуман, рамзий маънода аёлнинг кишилиқ ҳаётидаги яшашга умид, илинж, ёруғлик берувчи кучқудрати ширали шеъринг бир услубда баён этилади. Қиссада Шамси Салоҳ нутқига хос кўп ўринларни ички-монологнинг “монолог-орзу” тури ташкил этади: “Ана сен дунёни кулгунг билан тўлдирмоқчидек, қикирлаб кулаяпсан, юзингдан жилваланиб-жилваланиб оҳанглар таралаяпти. Ана сен қизғалдоқлар ичида югуриб бораяпсан, эгнингда оқ ҳарир кўйлак, бошингда қизил дурра...йўқ... йўқ, бу дурра эмас, қизғалдоқнинг бир дона барги, эгнингдаги кечагина гуллаган ўрикнинг либоси... Ана сен биллур зиналардан юксакликка кўтарилаяпсан... оёқларинг остида бахтнинг, шон-шавкатнинг суяклари сочилиб ётибди – сен, ана, бу қадимий зулмат ва сокинликни овозинг билан тилиб бораяпсан – овозинг ёниб бораяпти, бу саҳрода ўз номини йўқотган ва номсиз нарсаларга ном бераяпти, исм бераяпти, адашган дунёни яна ўз ҳолига қайтараяпти... Сенга мусиқанинг кераги йўқ, сенинг овозингга юлдузлар куй басталай олади... Кўзларингни очиб юмишинг тун билан тонг алмашишига ўхшайди – киприкларинг тонгги юлдузлардек ярақлаб кетади – қани эди кўзларинг айвонида ухлаб ётган киприклардан

¹ Эшонқул Н. Момоқўшиқ. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 163-164.

² Эшонқул Н. Момоқўшиқ. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 137.

биттаси мен бўлсам... Йўқ, сенинг маконинг ер эмас, сен фалак қизисан... Сен ой курсисидан ерга шафқат билан боқаётган фариштасан, сен хурлик фариштасисан, сен орзунинг, хаёлнинг суратларини чизиб бериш учун бу дунёга келгансан...”¹. Демак, ёзувчи тасвирда лирик-романтик ўринларга кўп ўрин берган ҳолда ҳар бир хатбошида “...Ана” такрорий сўзини қўллаш орқали эмоционал бўёқдорликка эришади. Аёл фариштага, хурлик фариштасига ўхшатилади.

Мазкур монолог-орзудан сўнг муаллиф яна тун пейзаж тасвирига қайтади: “Ой кўк денгизда қип-яланғоч сузиб юрарди. У ташқарига гулхан ёкиб, ҳашарчилар қандайдир рок музыкага диконглашаётган шийпон томон борар экан, яқин кунларда бошланажак янги ҳикоя ҳақида ўйларди. У билан тун ҳам далалар узра қадам ташлаб юрар, сарпо кийиб олган қора пўстинда зарҳал зираклар ялтирарди”². Кўкда ой қип-яланғоч сузиб юрганидек, Шамси Салоҳ ҳам тун қўйнида яланғоч ҳис-туйғулари билан саросар кезарди. Шамси Салоҳнинг покизалик тимсоли бўлган - Муаззам ҳақидаги ўй-хаёллари у билан шийпон томон биргаликда одимлаётган қора тун каби хаёллари ҳам тунд, бадбин, мавҳум эди. Қаҳрамоннинг эгнига кийиб олган зарҳал зиракли пўстини ҳам унинг ҳою-ҳаваслари каби, машҳурликка ўч, кибрли, совуқ феъл-атворидан дарак бериб турибди. Зеро, бадиий адабиётда ялтироқ кийимлар доимо кибру ҳавонинг рамзий тимсоли бўлиб келган.

Қиссада Шамси Салоҳнинг Муаззам ҳақидаги хотиралари бевосита тун билан боғлиқ: “Машина яна ўнқир-чўнқир йўллардан шийпонга қайтди. У кейинчалик ўша тун қўйнида сариқ пардали дераза остида туриб қўшиқ эшитган лаҳзасини кўп қўмсаганди; бу хотира кейинчалик ҳам уни Муаззам қолиб кетган ўша тундаги олис манзилга тез-тез бошлаб келар эди”¹. Асарда жой тасвири, тун, сариқ пардали дераза, жозибали қўшиқ – буларнинг барчаси бирлашиб, Шамси Салоҳнинг Муаззам ҳақидаги хотираларини тирилтираверади.

¹ Ўша асар. – Б. 137.

² Эшонқул Н. Момоқўшиқ. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. –Б. 137-138.

Муаллиф Муаззамнинг рухий ҳолатини тасвирлашда пахта даласи тасвирдан ҳам унумли фойдаланиб, шундай сатрлар битади: “Муаззам ундан ҳам атрофдаги гўзаларнинг шитирларидан ҳам уялаётгандай ердан кўз узмас, дуррачаси четида чиқиб турган бир тутам сочи пешонасига тушганини ҳам сезмасди. О, қанчалар сулув эди бу аёл! – гўё бу ерларга ўзининг ташрифи малҳам эканлигини сезгандай қароқчилар талаб кетган манзил каби мунғайиб турган пахтазорда қишлоқ аёлининг қисматини ёпиниб, милкларига ёш қалққанча қуёшнинг ўзи ўтирарди”². Муаззамдаги кучли орномус тасвири жуда шоирона бир тарзда ифодаланган. Яъни адиб аёлнинг олдида турган Шамси Салоҳдан, қолаверса ҳатто гўзаларнинг шитирларидан ҳам уяляпти, дея таърифлар экан, “мунғайиб турган пахтазор қишлоқ аёлининг қисматини ёпиниб олган” – дея тасвирлайди. Ёзувчи пахтазорни - оппоқ, пок, иймонли ўзбек аёлининг софдиллигига менгзайди.

Н.Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссасида Муаззам ва Шамси Салоҳнинг ҳаётий аъмоллари бир-бирига қарама-қарши кўйилиб, аслида “бахт ва бахтсизлик нима?” – деган саволларга жавоб изланади. Адабиётшунос олима М.Мирқосимова “Ёзувчи Назар Эшонқул ижодига чизгилар” мақоласида: “Афсуски, чўкаётган тун, қизарган шафақ, чуралай айтиб, сигир соғаётган сулув аёл, дала узра югуриб юрган кузги шабада... Булар ҳаммаси нақадар уйғун, нақадар гўзал ва бетакрор эдики, Шамси Салоҳ буларнинг барига ёт, бегона одам эди. Шу боис Момоқўшиқ ҳам, бу манзара, атрофдаги табиий гўзаллик – бари уники эмас эди, унинг тасаввурига зид ўта жўн ва содда, айни чоғда гўзал эди! Шамси Салоҳ уни ҳайратга солган гўзаллик ана шу жўнлик, соддалик, самимийликка уйғун эканини идрок эта олмайди,”³ – деб ёзган ва образ руҳиятига ишора қилган. Дарҳақиқат, Н.Эшонқул “Момоқўшиқ” қиссасида куз фасли, пахта далалари ва теримчи қизлар тасвирини табиат тасвири билан уйғун ҳолда акс эттиради: “Куз тонги

¹ Ўша асар. – Б.148.

² Эшонқул Н. Момоқўшиқ. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 153-154.

³ Мирқосимова М. Ёзувчи Назар Эшонқул ижодига чизгилар. // Сўз изтироблари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2010. – Б. 51.

салқин ва хуш ҳаво бўлади; энди қуёшнинг тафти тонги қировларнигина эритишга зўрға етади; субҳи-содикданок бу ерларни ташлаб кетаётган қушларнинг сайроғи, қийқириқлари қулоққа чалинади; узоқ-узоқлардаги тоғларга лангар ташлаган аёз қўшинлари ҳали қуёш кезиб юрган чўлларга ва пахтазорларга тажовузкор назар ташлайди, сахар пайтлари эса кучи ва истехкомини билиб олмоқчи каби бу ерларга туманлар жосусона сирғалиб киради, қуёш чиқиши билан яна тоғлар орасига яширинади. Куз тонгида юрагингда пахтазор каби сирли ва хатарли нимадир уйғонади, лекин у туйғунинг сен ҳеч қачон топлмайсан, зотан, бу туйғунинг оти ҳам бўлмайди.

Мана бир ҳафтаки, хашарчилар далаларга иссиқроқ кийиниб чиқишади, шу сабабли нозик қоматли қизларнинг эғнидаги қишликлар уларни жуда кўпол қилиб кўрсатади. Шу нарсани ўзлари ҳам сезгандай иложи борича бежирим кийинишга ҳаракат қилишади, тушга яқинлашиб, пахтазор ичра яна гўзал қоматлар ўзларини сўниқ қуёш ҳувоғига кўз-кўз қила бошлайди; қуёш ҳам қоматларнинг қай бир еридан дир ўз аксини ахтараётгандек, уларга суқли кўзларини тикканча осмон кўшикида тўхтаб-тўхтаб кезиб юради”¹. Мазкур парчада адиб куз тасвирини поэтик нигоҳ билан бадиий акс эттиради: куз тонгининг салқинлигини – “тоғларга лангар ташлаган аёз қўшинлари”, “тажовузкор назар”, туман тушишини – “туманлар жосусона сирғалиб киради”, куз тонгидаги туйғу – “пахтазор каби сирли ва хатарли нимадир уйғотади”, сўниқ қуёш нурининг қизларга тушишини – “қуёш қоматларнинг қай бир еридан дир ўз аксини топаётгандек, суқли кўзини тикади”, қуёшнинг осмонда кезиниб юришини – “осмон кўшикида тўхтаб-тўхтаб кезиб юради” ва шу тарзда ифода этади. Бу тасвирлар эса қисса қаҳрамонлари руҳиятига хос рамзий маъноларни ифода қилади.

2.2. Мактуб ёзишма аёл ички диалогизми сифатида

Ҳозирги ўзбек насрининг забардаст ёзувчиларидан бири Хуршид Дўстмуҳаммад ҳар бир янги асаарида дунё адабиётининг энг машҳур

адиблари анъаналаридан озикланади ва уларни ўзбек адабиётига татбиқ этади. Албатта, адабиётга янги овоз, янги рух, янгича услуб олиб кириш бир овоздан олқишланади. Дино Буцатти, Фёдор Достоевский, Жеймс Жойс, Габриэль Маркес, Эдгар По каби бошқа машҳур адибларнинг ижодий анъаналари, бадиий услуби адиб насрида бўй кўрсатади. Чунончи, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг рус ёзувчиси Фёдор Достоевский асарларидан таъсирланиши унинг қатор қиссалари услубида яққол сезилади. Хусусан, бу ўринда адиб “Ҳижроним-мингдир менинг”, “Мен сенсиз, сен менсиз” қиссаларини эслаш жоиз. Муаллиф бу қиссалар бадиий композициясида Достоевскийнинг “Камбағаллар” асаридаги мактуб ёзишма ижодий услубини давом эттиради. Хуршид Дўстмуҳаммад Достоевский ҳақида “Ёлғизим-Сиз!” ҳикоясини ҳам яратган. Биз ёзувчига унинг ижодида марказий ўринда турувчи Аёллар образи ва аёллар қисматининг кенг ёритилиш сабабларини, ҳаётий асосларини, қолаверса, Федор Достоевский ижодининг таъсири Хуршид Дўстмуҳаммад бадиий изланишига нималар беролгани ҳақида сўраганимизда адиб шундай жавоб берди: “Фан ва турмуш”да ишлаганимда бир ошхонага навбатга тургандим. Қизлар ёнига бир қиз югуриб келди-да куюқ сўрашиб кетишди. Қизлар унга: “Қанақа одамлар экан, қанақа оила экан?” деб сўраганларида ўша қизнинг яқинда турмушга чиққанини билдим. Бу менга жуда таъсир қилди, қиз бола турмушга чиқиб қанақа оилага тушади, қандай инсонлар билан яшайди, қиз болани тақдирини қаранг. Қиз бола қанақа оилага келин бўлади, уни қандай тақдир кутяпти, ҳеч ким билмайди. Қисмат бу. Бунини “тақдир” дейишади. Реал ҳаётдаги менга таъсир қилган аёлларга бўлган муносабат шу тўлқинда шаклланган. Онам кўпинча мени бешта опамдан хабар олиш учун жўнатардилар. Қайтиб келганимда опам ҳолини онам кўзимга қараб билиб олардилар. Мана шулар секин-секин ҳаётий реаликка айланиб, образларга ўтган. Она, опалар образи. Образлардан китобларга ўтган, китоблардаги аёллар образидан таъсирланганман. Ўткир

¹ Эшонқул Н. Момоқўшиқ. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 152.

Ҳошимов, Саид Аҳмад асарлари, Достоевскийнинг “Камбағаллар” асари, айниқса, менга катта таъсир ўтказди. Мен бу асарни “Бечоралар” деб номлаган бўлардим. Менга асарнинг нимаси ёққан? Инсон инсонга шунчалик меҳрли бўлиши мумкинми? Йигитнинг фамилиясига эътибор қилайлик. Девушкин. Шунчалик аёлга меҳрибон, эътиборли бўладими, шунақа аёлни асрайдики, авайлайдики, “жоним, жонгинам, азизим” дейди. “Стул” демайди, “стулчик”, “комната”мас, “комнатка” дейди. Дунёни жажжигина, гўзалгина кўради. Бутун оламини Варвара Михайловна орқали тасаввур қилади. Бу асар Белинский, Некрасовни ҳайратга солган эди. Асар руҳиятидан таъсирланиб, қайта-қайта ўқиб юрган пайтимда Достоевскийнинг рафиқасига бир кунда икки-учталаб битган ёзишмаларини ўқиб қолдим. Ўша ёзишмаларда ҳам “Камбағаллар”нинг оҳанги сақланиб қолган. Бу гўзал асарда биронта малол келадиган сўз йўқ.

“Мен сенсиз, сен-менсиз” қиссасидаги образ аёл ҳам эмас, эркак ҳам эмас, юқорида таъкидланганидек, “Камбағаллар” таъсирида ёзилган. Асосан, меҳрга урғу берилган. Эркак билан аёл ёки инсон билан инсон бир-бирига шунчалик меҳрли бўлиши мумкин-ку? Ҳаёт турли сўқмоқлардан иборат, лекин шундан қутқарадиган нарса бир оғиз ширин сўз. Мен шу туйғуларни ёзишга ҳаракат қилганман. “Ҳижроним мингдир менинг” асарнинг иккинчи қисми. Учунчи қисми диалогдан иборат: Гўё-рўё. Шунақа меҳрли муносабат гўёми, рўёми? Хоҳлаганингизча олиб, сўзларни ўрнини алмаштиришингиз мумкин. Муҳаббатли ҳаёт рўёми ёки рўё эмасми? Ҳал қилиш ҳар кимнинг ўзига ҳавола”¹.

Демак, ёзувчининг шахсий эътирофларидан сўнг, шундай хулосага келиш мумкинки, Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида Аёллар образи ва Аёллар билан боғлиқ турли хил қисматлар, воқеалар, аёл руҳиятининг теран бадий талқини бежизга киритилмаган. Ёзувчи катта оилада тарбияланган. Опалари кўп бўлган. Қизлар, Опалар ва меҳрибон ва мунис Онажони бағрида улғайган

¹ “Муҳаббатли ҳаёт- гўёми, рўёми?” ёхуд дунёни муҳаббат нигоҳида кўриш санъати. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад билан суҳбат. // Шахсий архивимиздан. Нашрга берилган. – Б. 2-3.

бола Хуршиднинг қалби ҳам, ўзини тутиши ҳам шундан бўлса керак. Ёзувчи ниҳоятда маданиятли, ораста инсон. Бола қалби билан бўлажак ёзувчи Опалари ҳаёти, уларнинг турмушида бўлиб турадиган жанжаллар, келишмовчиликларини ва шу билан бирга қизларидан доимо хавотирда, ҳадикда яшайдиган Онанинг қалбида кечган туғёнлардан яхшигина хабардор бўлиб ўсган. Ёзувчи қиссаларида яратилган бир қатор Аёллар образининг ҳаётий асослари ёзувчининг оилавий ҳаётига дахлдор воқеалар ва турмуш ташвишлари билан ҳам боғланиб кетади. Муаллиф ўзи эътироф этганидек, “Мана шулар секин-секин ҳаётий реаликка айланиб, образларга ўтган. Она, опалар образи. Образлардан китобларга ўтган, китоблардаги аёллар образидан таъсирланганман”. Биз мазкур фаслда ёзувчининг мактуб асосига қурилган қиссаларига тўхталамиз.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним мингдир” қиссаси янада оригинал услубга эга. Асар ҳаётда бир-бирини севиб-ардоқлаган, руҳан яқин йигит ва қизнинг ёзишма мактублари асосига қурилган. Адабиётшунос олима М.Қўчқорова “Мактублар – қалб кўзгуси” мақоласида жаҳон бадиий насридаги мактубнинг ўрни ҳақида шундай эътироф этади: “Дунёга машҳур немис ёзувчиси И.В.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” асари бежиз бошдан-оёқ мактуб жанри асосига қурилмаган. Худди шунингдек, австриялик адиб Стефан Цвейгнинг “Бир аёл мактуби” қиссаси Франц Кафканинг “Отамга хат” эссеси маълум бадиий мақсад, бадиий шакл имкониятларига кўра айнан мактуб асосига қурилган. ...Шунинг учун баъзан ёзувчи эпик асарлар композициясини мактуб асосига курса, баъзида эса асар таркибида қаҳрамонларнинг бир-бирига ёзишма мактубларини илова қилади”¹.

Худди шунингдек, ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад жаҳон насри шу каби ўзбек адабиётида ҳам кўп бора синовдан ўтган мактуб жанридан фойдаланган ҳолда “Ҳижроним мингдир” қиссасида инсонларни севишга, пок руҳоний туйғуларни асраб-авайлашга бир йигит ва қизнинг ўзаро ёзишма хатлари

шаклида асар битади. Қиссадаги мактублар, ундаги ҳиссий ифода беихтиёр рус ёзувчиси М.Ф.Достоевскийнинг “Камбағаллар” романи услубини ёдга солади. Аммо, адиб мазкур асарда истифода этган мактублар замирида нафақат, икки инсоннинг бир-бирига дил изҳори, балки Россиядаги ижтимоий қашшоқлик, камбағаллик муаммосини жуда чиройли шаклда кучли танқид остига олган эди. Ҳадсиз-ҳисобсиз етишмовчиликлар, уйсизлик, нонсизлик, оғир шароитда яшаётган инсонлар ўзларининг энг нозик инсоний туйғуларини асраб қолишади. Мутолаа жараёнида қаҳрамонларнинг бир-бирларига меҳрибонлик қилиши, қайғуриши, чексиз-чегарасиз қашшоқлик гирдобида яшаётган инсонда шундай нозик туйғулар севги туфайли униб-ўсаётганлигини кузатиб, уларга ачиниш туйғуси билан бир қаторда икки ошиқнинг бир-бирига кўрсатаётган меҳрибонлиги, назокати ўқувчи қалбига эзгу нур олиб киради. Бу мотивлар драматизмли яхлит сюжет линиясига эга воқеаларда эмас, мактубларда акс этади. Достоевскийнинг мазкур романидаги услуб қайсидир маънода Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним мингдур” қиссасида зуҳур топган. Қиссадаги ошиқ йигитнинг қизга, айти пайтда поклик ва гўзаллик тимсоли деб таърифланаётган қизнинг йигитга ёзган мактубларидаги эҳтиросли сатрлар аслида, қаҳрамон нутқига хос ички монологнинг бир шакли. Кўриниб турибдики, Х.Дўстмуҳаммад “Сўроқ”, “Оромкурси”, “Куза”, “Ҳай Гулиш...” каби қиссаларида қўллаган ички монологнинг яна бир янги шаклини истифода этади. “Ҳижроним мингдир” қиссаси бошдан-оёқ ички монолог асосига қурилган, ажиб бир композицияга эга асар. Унга маиший воқеалар, драматик кескинлик, трагик пафос, турфа образлар тизими, образлар ва воқеаларни уловчи композицион бутунлик сингари бадий унсурлар ёт. Унда ёлғиз икки кишининг мактуби, мактубда ифодаланган эҳтиросли севги сатрлари композицион бутунликни ташкил этган. Қиссада иккитагина қаҳрамон, исми, оиласи номаълум бўлган икки инсон бош

¹ Кўчкорова М. Мактублар – қалб кўзгуси. // Жаҳон адабиёти, 2009. 11-сон. – Б. 161.

қахрамон. Уларни бош қахрамон деб аташ ҳам нотўғри бўлар. Чунки, асарда қахрамонлар эмас, уларнинг мактубларда битган фикрлари етакчилик қилади. Шу мактублар орқали ҳар бир образнинг қиёфасини, рухий оламини англаб борамиз. Ҳаётнинг энг асосий моҳияти инсоннинг инсонга, инсоннинг ҳаётга муҳаббатидир. Зеро, бу қиссанинг муваффақияти ҳам ана шу ҳаёт ҳақиқатини қахрамонларнинг бетакрор дунёси таҳлили орқали очиб берилганида деб ўйлаймиз. Асар ҳақида адабиётшунос У.Норматов шундай фикр билдирган: “Хуршид Дўстмуҳаммад қиссасидаги ошиқ ва маъшукалар бир-бирига фақат эзгу туйғуларини изҳор этади, севги мулоқотлари жараёнида улар ҳаёли, вужуди, борингки, бутун ҳаёти бамисоли нурли, мусаффо туйғулар қанотида сайр этади; бу нафис, мусаффо туйғулар уларни инсоний камолот сари етаклайди. Улар ошиқона мулоқотлар асносида ўзгача одамга айланиб бораётганлигини, ҳаёти бошқача маъно касб этаётганини ҳис этиб турадилар”¹. Кўриниб турибдики, олим асар ҳақида асосли фикр юритган. Дарҳақиқат, қиссада севги инсонни тозартирувчи, покловчи буюк куч-қудрат сифатида талқин этилган. Аммо биз асарга хос яна бир хусусиятни таъкидлагимиз келади. Бу қахрамонлар нутқининг ўзига хослигига диққатимизни қаратсак. Исми номаълум қахрамонлар мактуб ёзишар экан, ички монологга асосланган сатрлар орқали адиб монологнинг монолог-хаёл шаклидан маҳорат билан фойдаланади: “Жуда тўғри ёзгансиз, жоним, бошқалар бизни тўғри тушунмаслигини фожиага айлантиришнинг ҳожати йўқ. эҳтимол, ҳамма бирдек тушунаверадиган туйғу бўлганида, у Сизу Бизнинг кўнгилларимиз мулкига, қалбларимизни туташтирувчи кўприкка айланмас эдимиз?..

- Шундай эмасми?..

- “Мен ҳам шундай ўйдаман”...

- Нима дедингиз,

- “Ҳеч нима”.

- Айта қолинг!..

- “Ўзи битта эди”...

- Ўзи битта бўлгач, гапи ҳам битта бўлади-да!..”².

Рассом йигит хаёлан маъшуқаси билан суҳбатлашади, хаёлий мулоқотда маъшуқа номидан ўзи жавоб берар экан, қизнинг жавоблари жуда қисқа, лўнда ва улар кўчирма гап шаклида берилган. Мактубларда ошиқлар бири-бирига хаёлий суҳбатларини, тушларини, шахсий ҳаётларидаги баъзи руҳият билан боғлиқ ҳикояларини сўзлаб беришади. Бу эса қаҳрамонларнинг ички руҳий оламини янада ёрқинроқ тасаввур этишимизга ёрдам беради. Қиссада аёл руҳиятини чуқур талқин этувчи бир ўрин бор, уни назардан четда қолдириш мумкин эмас. Бу маъшуқа мактубида тилга олинган амакиси ва келинойиси ҳақидаги ҳикоя. Мактубда бу ҳикоя шундай яқунланади: “Кеннойим дам кулиб, дам ўйга толиб а-анча гапирдилар:

- Қизлик кезларим бир дунё орзуларим бор эди. Келин бўлиб тушдим, хаётим ўзгарди. Хаёлларим, орзуларим ўзгарди, ҳатто товушим бўғилиб қолганга ўхшайди... Ҳеч кимга айтмайсиз-а?.. Мени бу ерда ҳеч ким хафа қилиб қўймайди, ойижон, амакингиз яхши одам эканлар. Фақат ўзим кўника олмаяпман. Ич-ичимдан шунақа эзиламанки!.. Кўнгил кўя олмаслик... Сизчи, сиз фақат севиб турмуш қуринг, хўп?... Мен... беркиниб йиғласам, сал енгил тортаман... Келин бўлиб тушган оиладагиларни, шу ердаги турмуш тарзини севиб-ардоқлаб яшашим керак, деб ўйлардим. Меҳрим, эътиборим, кўнглимдаги бор яхши ниятларимни шу ерга бахшида қиламан, деган ўйдан бўлак орзум йўқ эди. Энг муҳими - одамларнинг кўнглига қараш, меҳрли бўлиш керак деб ҳисоблаганман, лекин... хаёл, орзу-ният бошқаю турмуш, ҳаёт бошқа экан. Меҳр-муҳаббатдан кўра оёқ-қўлнинг чаққонлиги, эпчиллиги, толиқмаслиги зарурроқ экан, оила учун...”³. Қиссада маъшуқа қиз ва келинойиси ўртасида кечган диалог суҳбат матни орқали аёл кишининг руҳий дунёси билан юзлашамиз. Эр-хотинлик ташқаридан қаралганда,

¹ Норматов У. Қиссадан ҳиссалар. // Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 49.

² Дўстмухаммад Х. Ҳижроним мингдир. // Ёшлик, 1996. 5-сон. – Б. 14.

³ Ўша асар. – Б. 18.

рисоладагидек кўриниши мумкин, лекин кўнгилдаги пинҳоний ҳис-туйғулар, орзу-ниятлар, меҳр-муҳаббат шу бир кичик диалогда акс этган.

Аёлнинг оила олдидаги бурч тақозосига кўра энг гўзал орзуларидан, хаёлий муҳаббат ҳақидаги жозиб ҳис-туйғулардан, ўз орзусидаги бахтдан воз кечишга мажбур эканлиги унинг изтиробга тўла кўнгил изҳори орқали таъсирчан ёритилган. Аксари ҳолларда аёллар оила бошлиқлари, турмуш ўртоқлари раъйига кўра ҳаёт кечирадилар. Оиланинг тартиб қоидаларига сўзсиз бош эгадилар. Уларнинг кўнгил майли, орзулари, ҳис-туйғулари билан кўпинча, ҳеч ким қизиқмайди. Ана шундай муносабат туфайли аёл дилидагини тилига чиқара олмайди. Миллий менталитар хусусият – аёлнинг ўз туйғуларини очик-ойдин ифода қилиши уят, номус ҳисоблангани сабабли аксари ҳолларда аёллар эркаклар майлига, ота-она, ака-ю тоғаларнинг улар қисматини ҳал қилишларига иложсиз кўнади; улар томонидан яратилган тақдирга бош эгади. Иложсизлик, аччиқ қисматдан бир умр азобла тўлғаниб яшаш, ўз истагича эмас, мажбуран бировнинг аёли бўлиб яшашдек ҳолатни келинойи “хаёлларим, орзуларим ўзгарди, ҳатто овозим ҳам, бўғилиб қолди”, дея ифода қилади. “Ҳатто овознинг ўзгариб қолганлиги” эса қалб кечинмалари, ҳис-туйғулари, ихтиёри бўғилган аёл руҳиятини англатади. У қайнсинглисини ҳам шундай қисмат кутаётганлигини очик-ойдин айта олмаса ҳам, ўз тақдирига, ўзига муносабат орқали қизга нисбатан ачиниш туйғуларини сездирмоқда. Ёзувчи асарда аёл руҳиятини шу тарзда бор мураккаблиги билан таъсирчан манзаралаштиришга эришган.

Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида ўрни-ўрни билан тушларга ҳам мурожаат этилади. Жумладан, “Ҳижроним мингдир” қиссасида маъшуқа қизнинг қуйидаги туши берилади: “Тушларимдан бирини ҳикоя қилайми?..

Хонангизга чақиртирибсиз. Шошилиб кирдим. Беш-олти нотаниш қиз хонангизни артиб-суртишяпти, безатишяпти. Шинамгина!..

Сизга кўзим тушди. Сиз (айтаверайми?) яп-янги, чўғдек гилам устида ёнбошлаб дам олаяпсиз. (Шунча қизнинг кўз ўнгида нима қилиб ётибсиз?!.) Тепангизга бордим, қара-аб туриб қолдим.

- Мени шу аҳволга солдингиз. Келмай қўйдингиз, мана туrolмаяпман, - дедингиз.

Кайфиятингиз эса чоғ, кулимсираяпсиз. Ошиқиб, қўлимни чўздим, кафтимдан маҳкам сиқимлаганча ирғиб қад ростладингиз.

Қаддингиз сира букилмасин”¹. Мазкур тушда бир-бирини ниҳоятда ардоқлаган, кадрлаган ошиқ-маъшукнинг инсоний муҳаббати акс этиб турибди. Маъшуқа севгилисини қизлар даврасида, саранжом-сарипшта хонада, янги қип-қизил гилам устида ёнбошлаб ётган ҳолда тушида кўради. Ҳатто тушларида ҳам севгилисига фақат яхшилик раво кўради. Умуман, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним мингдир” қиссасида тушларга бир неча маротаба, қайта-қайта мурожаат этилади. Боиси ошиқ ва маъшуканинг руҳиятидаги ички кечинмаларни, туш орқали акс эттиришни ёзувчи бадиий ният қилган. Чунки туш инсоннинг кундалик ҳаётида, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг узук-юлуқ тасвиридан иборат бўлади. Қизиги шундаки, ёзувчининг мазкур асарида туш билан ўнг бирлашиб кетади. Қаҳрамонлар бир-бирига дил изҳорларини баён этишда кўрган тушларини ҳикоя этиб берар экан, уларнинг тушларида содир бўлган руҳий жараёнлар ўнгида ҳам давом этади. Тушлар билан ўнгидаги руҳий тебранишлар ўртасида чегара йўқдек, гўё. Маъшуканинг хатига рассом йигитнинг жавобини ўқиймиз: “Тушингизда хонамга кириб мени ётган жойимдан турғазибсиз. Узр, тепамга сиз келибсизу, гина қилганимни қаранг!..

Яна бир мўъжиза: айни Сиз тушингизда тепамга келган пайтда мен... уйимда ётган жойимда уйғониб кетдим!.. Зим-зиё тун. Кўчадаги симёғоч чироғи қуюқ дарахт шохлари оралаб ётоқ хонамни ола-чалпоқ ёритган. Кўзимни очдим, энгашганча менга тикилиб турганингизни кўрдим. Ҳушимни йиғиб улгурмай, савол қотдим:

–Урушганимга жаҳлингиз чиқдимми?

Ўйладим: “Қачон урушдим?.. Нега, қайси гуноҳи учун урушай уни?.. Дийдорига етишолмай юрган қизни урушиш?..” Афсус, туш ва ҳуш аралаш

савол бериб бўлдим. Бош чайқадингиз”². Адиб ижод жараёнидаги туйғуларни хар қандай туйғулардан устун кўяди: “Бадий ижод жараёнида туғиладиган хар қандай қизиқишу орзу-хаваслардан қимматроқ ва муҳимроқ. Чинакам ижод онларида ёзувчининг манфаатидан юксакроқ манфаат бўлмайди, уни хатто жамият манфаатлари ҳам қизиқтирмайди (вахолангки, ўша жараён маҳсули бўлмиш асар пировардида айни шу жамият корига ярайди). Чунки жамият деганда одатда айни шу куннинг воқеалари, жараёнлари назарда тутилади., ёзувчилик эса БУГУНГА қаттиқ боғланиб қолмаслиги керак. Ёзувчилик бундан юқори. Ижодкор учта замонда яшайди. Жамият асосан бугун билан тирик”³. Дарҳақиқат, ёзувчи яратилаётган қаҳрамон ички ҳис-туйғуларини ўзида зоҳир қилишга эришсагина уни ўқувчига ишонарли ва таъсирчан тарзда етказа олади.

“Адабиётшунослик луғати”да рамзга шундай таъриф берилади: “Символ; кўчим турларидан бири, фақат шартли равишда ва шу матн доирасида кўчма маъно касб этувчи сўз ёки сўз бирикмаси; образлилик тури. Рамз моҳиятан аллегорияга яқин, ундан фарқи шуки, рамз контекст доирасида ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланади. Рамзнинг маъноси контекст доирасида ва шартдан хабардорлик бўлганда реаллашади”⁴. Умуман, бадий адабиёт рамзлар асосига қурилади. Ҳар бир бадий асарда, албатта, устқатламли маъно ва ички қатламли маъно мавжуд бўлади.

Истеъдодли ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад “Ҳижроним мингдур” қиссасида пейзаж тасвиридан муваффақиятли фойдаланади. Асар ошиқ рассом йигит билан маъшуқанинг мактублари асосига қурилган. Мактублар орасида йигитнинг хаёлий бир манзараси чизилади. Айнан шу парчани таҳлилга тортамыз: “Қиш чилласи. Туни билан ёққан қор ҳолдан тойган – май-йда-май-йда элаяпти. Қор қоплаган томлар қато-ор ётганича уйқуга кетган ва

¹ Дўстмуҳаммад Х. Ҳижроним мингдир. // Ёшлик, 1996. 5-сон. – Б. 17.

² Дўстмуҳаммад Х. Ҳижроним мингдир. // Ёшлик, 1996. 5-сон. – Б. 19.

³ Дўстмуҳаммад Х. XX аср менинг тақдиримда. // Жаҳон адабиёти, 2001.1-сон. – Б. 21.

⁴ Қуროнов Д., Мамажонов. З., ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 244.

хализамон силкиниб уйғонадиган баҳайбат жондорларга ўхшайди. “Жондор”ларнинг у ер-бу еридан қуюқ қора тутун бурқсиб кўтариляпти... Тонг отса-да, одамлар иссиқ уйларида ташқарига чиққилари келмайди, совуқнинг зўридан кун ҳам минг бир укубатда, эриниб ёйилмоқда.

Кимсасиз, тор ва узун кўчанинг ў-ўртасида бола етаклаган жувон пайдо бўлди. Бола – ўғил бола шекилли телпакни кўзига довури бостириб кийган, у етмагандай, оғзи-бурни аралаш шарф ўраб боғлаган.

Жувоннинг бошида оқ жун рўмол, иссиқ кўйлак устидан қора бахмал нимча. Иссиқ, гулдор лозим. Бир кўли билан ўғлининг кўлқоп кийган кўлидан тутган, иккинчи кўлини мушт қилганича кўксига босган. Нимадир гапириб келаяпти шекилли (оёғи тойиб кетмасин-да!..), оғзидан буғ чиқаяпти.

Томлар, дарахтларнинг шир яланғоч шохлари, кўча оппоқ қорга бурканган. Жувоннинг кўли, юзи қордан-да оқ... оқ жун рўмоли остидан ярқираб кўринган манглайдан таралган нур шундайига ҳам оппоқ кўчани янада ёритаётгандек.

Тонг ёғдуси шу кўчада тунагану, жувон уни етаклаб чиқаётгандек”¹. Кузатганимиздек, қиссада ёзувчи аёлни илоҳийлаштиради, идеаллаштиради. Хаёлий пейзаж манзарасини чизади. Мазкур манзарада қиш фасли, майдалаб ёғаётган қиш тонги тасвирланади. Адиб қиссаларида кузатилганидек, эмоционал таъсирчанликни, оғзаки нутқимизга хос жонлиликни таъминлаш мақсадида Х.Дўстмуҳаммад кўпинча баъзи сўзларни урғу бериб, айниқса, унлиларни чўзиб ифодалайди. Чунончи: май-йда, қато-ор, ў-ўртасида ва ҳақозо. Қиш тонгини, қор ёғаётган қиш кунини жуда чиройли поэтик нигоҳ билан чизади, бу тасвирлар орқали кўз ўнгимизда элаб ёғаётган қор, оппоқ қорга бурканган борлиқ гавдаланади. Ёзувчи қор қоплаган томларни уйқуга кетган баҳайбат жондорга ўхшатиши билан янада бадиий бўёқдорликка эришади. Шу оқлик кўйнида тасвирланган бола етаклаган аёл (жувон) бизнингча, рамзий маънода тириклик давомчиси, барҳаётлик нишонаси,

¹ Дўстмуҳаммад Х. Ҳижроим мингдир. // Ёшлик, 1996. 5-сон. – Б. 15.

дейиш мумкин. Демак, оппоқ қор қўйнида тасвирланаётган аёл – эзгулик тимсоли. Оппоқ қор сингари унинг қалби ҳам эзгуликка эш. Кузатганимиздек, аёл руҳияти табиат манзараси билан уйғун ҳолда акс эттирилган.

БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1. Пейзаж бугунги ўзбек қиссачилигида асар ғоясини, қаҳрамонлар руҳиятини очувчи муҳим воситалардан биридир. Унда нафақат замон ва макон тасвири уйғунлашади, балки, қаҳрамон руҳиятига мос, аёл руҳиятига уйғун ҳис-туйғулар моҳияти ёритилади. Табиат тасвирида ҳиссий манзаралар-ассоциациялар яратиш орқали образ руҳиятини ҳис қилдириб, англантиш воситасига айланади. Унда бизни ўраб турган ташқи дунё ва табиат тасвири, балки, китобхон қалбидаги изтироблар, руҳий пўртаналар, драмаларни табиатга хос ранглар, ҳолатлар, манзараларга кўчириб ифодалаш имконини бергани (“Момоқўшиқ”, “Ҳижроним мингдир”) бадиий таҳлил орқали асосланди.

2. Баъзи қиссаларда статик пейзаж, баъзиларида динамик пейзаж усуллари қўлланиладики, ёзувчилар руҳият манзаралари, туйғулар кўламини тасвирлашга интиладилар. Масалан “Момоқўшиқ” қиссасида динамик пейзаж воситасида Муаззам руҳияти, кўнгил олами ва унга хос туйғулар ҳаракати тасвирланган. Демак, бугунги ўзбек қиссаларида пейзаж полифункционал хусусиятга эга. Н.Эшонкул, Х.Дўстмуҳаммад аёл руҳияти кенгликларини бадиий кашф қилишда пейзаж тасвиридан унумли фойдалангани исботланди.

3. Н.Эшонкул асарларида тун – қаҳрамон руҳиятини очувчи рамзий восита саналса, Х.Дўстмуҳаммад қиш фасли тасвири орқали қаҳрамон руҳиятидаги фожиавийликни, руҳий изтиробларни ҳис қилдиришга эришганига гувоҳ бўламиз (“Ҳижроним мингдир”). Мактуб жанри асосига қурилган Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида мактуб ёзишма аёл ички диалогизми сифатида асосий бадиий шартли воситага айланган. Хуршид Дўстмуҳаммад “Ҳижроним мингдур менинг”, “Мен – сенсиз, Сен – менсиз” қиссаларида рус

ёзувчиси Достоевский анъаналарини давом эттирди. Аммо уларда соф ўзбек аёлининг тоза қалби, орзу ва ташвишларини маҳорат билан тасвирлади.

III БОБ. ЎЗБЕК АЁЛИ РУҲИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИДА ЯНГИ ҚИРРАЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

3.1. Кампир – матонатли аёл кечинмалари талқини

Ушбу фаслда ҳозирги ўзбек қиссачилигида яратилган Кампирлар образига махсус тўхталишни мақсад қилдик. Ўзбек қиссачилигида кампирлар образи Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари”, Шойим Бўтаевнинг “Кайвонининг мангу макони”, “Юлдузларга элтар йўл”, Собир Ўнарнинг “Чамбилбелнинг ойдаласи”, Хуршид Дўстмухаммаднинг “Чаёнгул” қиссаларида учрайди. Бу қиссалар орасида “Чаёнгул” юқоридаги бобда батафсил таҳлил этилгани боис бу қиссага тўхталмаймиз. Кампирлар образи, ўзбекнинг кайвони, ғамгин, мушфиқ, меҳрибон аёл образи Ш.Бўтаев, Н.Эшонқул, С.Ўнар қиссалари мисолида таҳлил қилинади.

Шойим Бўтаевнинг Кампирлар образини яратишдаги тажрибалари “Шўродан қолган одамлар”, “Кунботардаги боғ”, “Кайвонининг мангу макони”, “Юлдузларга элтар йўл” қиссаларида кўриниш берган эди. Адибнинг “Шўродан қолган одамлар” қиссаси ўтган аср охирида ёзилган. Қиссада қамоқхона назоратчиси, ўғирликда гумон қилинган унинг ўғли Тошмурод, назоратчининг кампири кабилар асосий қаҳрамон сифатида ҳаракатланади. Қиссада Шойим Бўтаев бадиий услубига хос киноявий нигоҳ, истехзо ва кесатиклар, сатирик тасвирлар ниҳоятда маҳорат билан тасвирланган. Асарда қамоқхона назоратчисининг бошига тушган ташвишлар орқали жамиятдаги ва оиладаги жаҳолат танқид остига олинади. Қиссада тасвирланган кампир ниҳоятда хокисор, мушфиқ, камсуқум, эрига итоаткор бир аёл. Қиссада қаламга олинган муаммо нафақат бир оила фожиаси сифатида, балки давр фожиаси сифатида шафқатсиз реалистик услубда очиб берилади.

Қамоқхона назоратчисининг кампири ўғлининг дарди билан хасталаниб, боласи қамоқда пайтида оламдан кўз юмади. Бутун умр олатаёғини кўтариб, полизнинг кўриқчисига ўхшаб яшаб ўтган қамоқхона назоратчиси ўғлини

онасининг азасига қоровул бўлиб кузатиб келади. Қиссада ота-ўғил муносабати ва ота-ўғил фожиаси ниҳоятда кучли кескин драматик тасвирланади. Ўғил камалади, у номер тўқсон олтинчи маҳбус бўлади. Тўқсон олтинчи маҳбуснинг онаси ўлим тўшагида ётгани учун ўз отаси назоратчи сифатида тайинланади. Қуйида камоқхона бошлиғи билан назоратчи ўртасидаги парчага эътибор қаратамиз: “Назоратчи қўли билан камералар томонга ишора қилиб қўйди ва нима деярини билмаётгандек:

- Онаси, - деди зўрға сас чиқариб. – Ўляпти.

Бошлиқ тушунмади.

- Кимнинг онаси ўляпти?

- Тўқсон олтинчининг.

- Аниқроқ айтинг.

- Нўмир тўқсон олтинчи маҳбуснинг онаси ўляпти.

Бошлиқ калласини қотириб эслаб ўтиргиси келмади.

- Ким экан у,

- Тўқсон олтинчи, - беихтиёр такрорлади назоратчи.

Бошлиқ нима гаплигини фаҳмлай олмаётгандек назоратчининг юзига бир зум тикилиб турди. Кейин нимадир эсига тушди-ю:

-Ўғлингизми? – деб сўради.

Назоратчи тош қотди. Унинг қиёфасида, ўғлим деб атаб гуноҳини осонликча кечиб юбораманми, деган ифода бор эди. Лекин ҳозир бошлиқнинг изоҳталаб саволига жавоб бермай иложи йўқ, у ҳамон чакчайганча қараб турарди”¹.

Қиссада руҳий драмалар ниҳоятда кучли ифодаланган. Хусусан, камоқхона назоратчиси Мэлс, унинг ўғли Тошмурод, моли ўғирланган ука ва бошқаларнинг руҳиятида кечаётган ўй-хаёллар, ториқишу зориқишлар барча-барчаси теран акс эттирилади. Назоратчининг исми ҳам давр шамолини ўзида акс эттирган. Яъни пролетар доҳийлари Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин исмлари қисқартирилган шаклда Мэлс деб номланган. Шу биргина

кахрамон исмида даврнинг чуқур фожиаси акс этирилган. Асарда айниқса, кампир ва назоратчи (эр-хотин), Мелс ва Тошмурод (ота ва ўғил), ака-ука муносабатлари, улар ўртасидаги кескин драматизм маромига етказиб тасвирланади. Хусусан, кампирнинг эри томонидан тинимсиз калтакланиши, уйдаги охирги унни қориб чалпак қилиши, уни ўғлига атаб қамоқхона тарафга йўлга чиқиши, чалпакнинг кучукка ем бўлиши, фарзанд доғида куя-куя адо бўлиши юқори драматизмда куйланади. Кампир оилада на турмуш ўртоғи томонидан, на ўғли томонидан қадрланади. Кампир оғир аҳволда тўшакда ўтар экан, унга қарашгани чиққан қўшни кампир назоратчига қарата шундай дейди:

- Пешонанг шўр экан сани, пешонагинанг шўр экан! Ўғлингни турмага каматиб, хотинингни ўлдириб, би-ир ўзгинанг сўппайиб юрадиган бўлдинг-а! Ўл-а, бу кунингдан, ўл қўй! Икки жувонмаргни туғиб катта қилган онанг санлардан нима роҳат кўрдик, бошқалар кўрсин! Бировнинг париштадай кизини уриб-уриб сочини оқартирдинг, қаритдинг. Мана, энди кутиласан, мана энди дуруст хотин оласан, - кампир бирданига айтиб турган гапидан тонди. – Дуруст хотин оласан-а, дуруст хотин оласан! Сочгинасини тараб турган эканми? Сангинага қараб қолган эканми? Балони оласан! Санга моча эшак ҳам ҳайф, ҳайф! Эр бўлгунча қаро ер бўл, қаро ер бўл!- кампир эшик олдида қоққан қозикдек турган серрайиб турган назоратчига қарамай, икки мушти билан тиззаларини эза бошлади”².

Кузатиб турганимиздек, ёзувчи қўшни кампир тили орқали ўлим тўшагида ётган онанинг, аёлнинг бутун ҳаётига одилона чизги беради. Унинг қарғишларида, мимика ва жестларида (икки мушти билан тиззасини эзишида) ниҳоятда ҳаётийлик, халқоналик сақланган. Кампир олдида серрайиб турган Мэлс Мусаевни хуморидан чиққунича қарғаб, қора тошини чиқаради. Ўғли Тошмуродни қамоқхонадан она билан хайрлашиб қолиш учун олиб келишни буюради. Афсуски, Тошмурод отаси, яъни назоратчи

¹ Бўтаев Ш. Шўродан қолган одамлар. – Тошкент: Ижод-пресс, 2019. – Б. 130-131.

² Бўтаев Ш. Шўродан қолган одамлар. – Тошкент: ижод-пресс, 2019. – Б. 124.

етовида уйга кириб келганида, она ўғлининг йўлига қарай-қарай оламдан кўз юмади. Унинг охирги ўтинчини ҳам вожиб эта билмаган ношуд, калтабин, калтафаҳм эр, яъни назаротчи шунча фожиалардан сўнг, унинг кўнглида кандайдир ёришиш содир бўлади. Яъни у ўзлигига, инсонийлигига қайтади. Лекин энди жуда кеч эди. Қисса шундай сатрлар билан якун топади: “Ҳавони исириқ иси тутиб бораётганини туйган онги ярқ этиб ёришганини ҳис этди, ўрнидан туриб, ўғлининг елкасидан ушлади, уни ўзига қаратиб бағрига босди, маҳкам кучди – кечи-ир, болам – эрта-кечи йўқ, у буни англади”¹.

Шойим Бўтаевнинг кампир ёки она образини яратишдаги ижодий тажрибалари адибнинг сўнгги қиссаларидан бири “Юлдузларга элтар йўл” да ҳам акс этган. Китобга сўнгсўз ёзган М.Қўчқорова қисса ҳақида шундай ёзади: “Юлдузларга элтар йўл” қиссаси марказида умрида рўшнолик кўрмай ўтган бир оила Ҳотам (ота), Бувиш (она), Турсунмурод (ўғил)нинг фожиавий қисмати туради. Турсунмурод ота-онасининг худодан тилаб олган еттинчи фарзанди. Эр-хотин фарзанд доғида куйиб-адо бўлган. Уларнинг олти боласи туғилиб, ўн кун яшаб-яшамай оламдан кўз юмган.

Ота-бола Ҳотам билан Турсунмурод бир-биридан яширин равишда кўнгилли бўлиб урушга кетишга ариза беришади. Қора қисмат бу оила ҳаётига машъум чизиғини тортади. Қиссада Исмат почтачи, Шоҳид Қарға образлари ҳам бадий-мантқиқий давомийликка эга бўлиб, Ҳотам, Бувиш, Турсунмурод, Неъматилла бобо, Бозор бобо, Қумри опа. Илёс Бўтакўз, Нуъмон қиртиш. Элёр, Хушҳол хола, Носир чўтир. Ҳайит, Илон, Қорахаёл каби ҳаётий ва мифологик-рамзий образлар бир-бири билан узвий алоқадорликда акс эттирилган. Улар бир-бирига боғланиб, мустаҳкам бадий кўрғон барпо бўлган”². Мазкур қиссада тасвирланган Бувиш кампирнинг психологияси тасвири, кўп жиҳатдан “Шўродан қолган одамлар” қиссасидаги она образи руҳияти билан бир-бирига яқинлашади. Ҳар икки она, ҳар икки муштипар кампир фарзанд доғида куйиб адо бўлишади. Биттаси

¹ Бўтаев Ш. Шўродан қолган одамлар. – Тошкент: Ижод-пресс, 2019. – Б. 164.

² Бўтаев Ш. Юлдузларга элтар йўл. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – Б. 150-151.

камоқхонадаги ўғлини кутиб, оламдан кўз юмган бўлса, иккинчиси, уруш тугаганига неча ўн йиллар ўтса ҳам, ўғли Турсунмуродни соғиниб, йўлга тикилиб, фарзандини кутади. Бу ҳақда олима шундай ёзади: “Бувиш эна сочлари оқариб, мункиллаб қолса ҳам, урушдан йигирма йил ўтса ҳам, ўғли Турсунмуродни кутаверади. Чунки, она ўғлининг ўлими ҳақида хат олмаган. Ёзувчи инсоният ҳаёти ва тарихида такрорланиб турувчи урушларнинг, бир-бирини ўлдиришининг Қобил ва Ҳобил ҳақидаги диний мифология билан нақадар уйғун эканлигини, гўёки, бу улардан мерос бўлиб келаётганлигига рамзий ишора беради.

Қиссада икки бадий фалсафа бўй кўрсатади, биринчиси урушлар инсоният тарихида бот-бот такрорланади, унга нуқта қўйиш мумкин. Аммо одамзоднинг руҳониятидаги Шайтон ва Раҳмон муҳорабаси асло тўхтамайди. Одамзод Аллоҳ томонидан мана шундай жазога мустаҳҳиқ қилинган, деган кенг қамровли фалсафа бор. Аслида ҳар икки уруш ҳам даҳшатли. Дунёни бўлиб олиш учун қилинган сиёсий урушлар инсон ва жамият ҳаётини издан чиқарса, руҳониятдаги Шайтон ва Раҳмон кураши ҳар бир бандани исталган сонияда жар ёқасига олиб келиши мумкин”¹.

Қиссада эртак ва дostonларга хос бўлган такрорий баён, зачин (бошланма) билан бошлаш унсурлари истифода этилган. Бу адабий усул эса Шойим Бўтаевнинг мазкур қиссада фольклор стилизациясини маҳорат билан қўллаганини кўрсатади. Қиссадаги воқеалар “Шунақа экан. Шунақа бўлган экан. Шунақа қилиб...” деган такрорий зачинлар билан бошланади. Бувиш онанинг, Бувиш кампирнинг фарзандига бўлган улкан меҳри-муҳаббати худди эртакларга хос баён услубида ифодаланди. Масалан, “Буғдойзор тугаб, бедазор бошланипти.

Бувишнинг қувончи ичига сиғмас экан. Турсунмуроднинг кўзларига термулар экан. Гўдагининг кўзлари осмондек беғубор экан. Кўз очмаган олтовлоннинг кўзлари ҳам шунақа бўлганмикан, деб ўйлаган Бувишнинг

¹ Бўтаев Ш. Юлдузларга элтар йўл. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – Б. 152-153.

юраги гупирар экан, тошиб кетар экан, мунис кўзларидан окиб бораётган ёшларни ҳам ўзи пайқамас экан”¹. Олинган парчада биринчидан, онанинг меҳрга тўлиқ қалби, болажонлиги, иккинчидан баёндаги халқона услуб ёрқин очилади. Шойим Бўтаев ҳар бир қиссасида янгича услуб, янгича образлар, янги-янги ҳаётий воқеаларни очиб беришга интилувчи истеъдодли адиб. Қолаверса, ёзувчи атай воқеликни ўтган замон шаклида беради. Албатта, бундан ёзувчининг кўзлаган мақсади бўлган. Уруш тугаганига анча йиллар бўлишига қарамасдан, Шойим Бўтаев уруш мавзусига яна кўл уради. Эҳтимол, айти сабаб ҳам ўтган асрда юз берган иккинчи жаҳон урушининг одамларга, оилаларга, жамиятга етказган зарари ҳақида ёзиш учун эртаққа хос ўтган замон шаклини қўллаши бежиз эмас. Ҳаётий воқеалар эртақдек ҳикоя қилинади. Қолаверса, ёзувчининг отаси уруш иштирокчиси бўлган. Шу ҳаётий асос ҳам қиссага туртки берган бўлиши мумкин.

Ёзувчининг “Кайвонининг мангу макони” эртақ-қиссасида ҳам кампир образи учрайди. Бу қиссада тасвирланган кампир ва кайвони эркак киноявий нигоҳ билан яратилган. Адиб “Кайвони” номига тескари маъно юклайди. Бу элнинг олди бўлган кайвони оғзи тинмай қарғайдиган, кучугини қарғаб, уйдан қувиб солган, сўнгра кўзига Оқтош (кучугининг оти) кўришиб, уйига қайтариб келишга жаҳд қилган ажабтовур феълли, фикрлаши, дунёқараши ниҳоятда ҳаминқадар бир киши ҳисобланади. “Кайвонининг мангу макони”да ҳам фольклор стилизацияси, афсоналарга рамзий бадий-шартли маънолар юклаш кузатилади. Ёзувчи қисса жанрини “эртақ-қисса” деб белгилаган. Асарга Румийдан қуйидаги мисра эпиграф сифатида олинган: “Тез очинг зиндонниким, зулмат босибдур беомон!”². Қиссада Румий мисрасидан ифодаланган жоҳиллик, жоҳилона муносабатлар Бешкапа номли қишлоқ ва у ерда яшовчи одамлар ҳаётидан ҳикоя этилади. Қисса халқ эртақлари сингари зачин билан (аммо бу зачин Шойим Бўтаевга хос адабий

¹ Бўтаев Ш. Юлдузларга элтар йўл. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – Б. 19.

² Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 263.

зачин - бошланма) билан бошланади: “Юмалоқ ер устида, осмон гумбази устида бир қишлоқ бўлган экан.

Тоғнинг шундоққина этагида экан.

Кўчки хафви остида қолган экан.

Қадимда бу қишлоқда беш том бўлган экан, шундан унинг Бешкапа номи қолган экан.

Кўчки хафви туғилганида томлар кўпайган экан.

Одамларнинг феъли ўша-ўша экан: қадимгидек.

Қаердан бир катта чиқса ўшанинг томирини ўзларига олиб келиб боғлашар экан: қадимгидек.

Ҳаминқадар қариндошни тан олгилари келмай, кўриб кўрмасликка олиб ўтишар экан: қадимгидек.

Қадимда ундоқ эди. Қадимда бундоқ эди деб, ўз кемтиklarини хаспўшлаб қўйишар экан”¹.

Кайвонининг қиссага олиб кирилишидаёқ Шойим Бўтаевга хос киноя, ўткир сатира, кесатик, истехзолар кўзга ташланади: “Шу қишлоқда бир кайвони бор экан.

Товуқнинг катагиниям бузиб бўлмайдди, деб айтиб юргувчи экан.

Суйган матали шу экан.

Ана шу кайвониям... ўпкаси тўлганича уй томига чиқиб сардеворга кетмон урипти”².

Кўчки хавфи туғилиб, Беш капаликлар бошқа жойга кўчиб кетишга мажбур бўлишади. Кайвонининг ўй-хаёллари, ўзини тутиши, юз ифодаси адибнинг киноявий нигоҳи орқали чизилади: “Кайвони анча фурсат мутафаккирона ўй сурипти.

Икки қоши ўртасини бодомчадай тугун қилипти.

У ёқ-бу ёққа қадам ташлапти.

¹ Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 263.

² Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 264.

Хаёл билан бўлиб, юпқа лабларини чапиллатиб ҳам қўйипти. Аслида, унинг бундайчанги одати йўқ экан. Яна у ёққа-бу ёққа қадам ташлапти-да, бир ерда тўхтаб, барча жумбоқларни бир химо билан ечиб юборадигандек, ха-а, дея хитоп қилипти. Сўнгра дунёда товукнинг ҳам катагини бузиб бўлмаслиги ҳақида шунақа доно гапларни айтиптики, бундай гапларни улоқиб кетган матал тўқигич ҳам ҳарчанд айтолмаскан; жуда қойил-мақом ҳикматлар экан, уларни эшитгандан кейин дунёдаги барча хумбошларнинг товукбоқар бўлганига ҳеч қандай шубҳа қолмаскан”¹. Қисса матнида оғзаки сўзлашув нутқиға хос услуб сақланиб қолган. Назаримизда, бу ёзувчининг эртак стилизациясини тўла ифодалаш учун қилган ижодий тажрибаси маҳсулидир. Ёзувчи атайлаб, адабий тил меъёрларига амал қилмайди.

Шойим Бўтаевнинг Кайвони образини яратишдаги кинояси ҳатто бора-бора масхараомуз даражаға чиқади. Шу пайтгача бошқа қиссаларида қўлламаган масхараомуз киноя “Кайвонининг мангу макони”да кузатилади. Ҳатто кайвони олдинига эркалаб, сўнгра эса қарғаб юрган ити ҳақидаги лавҳаларда киноявий нигоҳ билан сатирик услуб қоришиб кетади. Қиссада кайвони образидан ташқари Мастон кампир образи ҳам бор. Мастон кампир ўлгудек хасис, зикна бир аёл. Оч қолиб кетган мардикорлар унинг шапарагини егач, баттар ичлари сийрилиб кетарди. Адиб Мастон буви қиёфасида бировга хайри тегмайдиган аёллар тимсолини мужассамлаштиради. Бу қиссада шундай ифодаланади: “Мастон буви деганлари кувда айрон пиширган, бир туюр ёғни чалпакка ўраб туширган, тишдан қолса ҳам гапдан қолмаган, кўздан қолса ҳам гапдан қолмаган, етти маҳаллани кезиб гап излаган бир кампир экан.

У нон сўраб борган қурувчиларға битта қотган шапарак берипти. Кейин у ёққа ўтса ҳам шуни гапирипти, бу ёққа ўтса ҳам шуни гапирипти.

- Ҳаммининг ҳам нон ейдиган тиши бор, - деркан у гапни узоқдан бошлаб. – Ўл қўй-да! Биз бечоралардан нон сўраб кепти. Ўзи қишға ғамлаб

¹ Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 279.

қўйганим икки қоп буғдой бўлса, уни тишимнинг қавагида асраб, есамми-емасамми, деб юрган бўлсам-у, яна мендан нон сўраб келса-я! Мол-холларимиз ўтлайдиган жойларни эгаллаб олиб, қават-қават иморатлар солиб ётишипти-ю, яна ейишга нонлари йўқ эмиш. Иморатга пул топишар эмиш-у, нон ейишга келганда... бир ғариб кампирга кунлари қопти!

Мастон буви ўзини ғариб деб атапти.

Кейин кўнгли тўлиқиб йиғлаб ҳам юборибди”¹.

Ёзувчи қиссада Мастон кампирнинг дарди ҳолини бериш орқали икки ёқлама киноявий муносабат ҳосил қилади. Биринчидан, ёзувчининг Мастон кампирга кинояси, иккинчи томондан эса, қаҳрамон, Мастон кампирнинг дачалар қуриб, усталарининг қорнини тўйдиролмайдиган замонавий “янги бойлар”га кинояси англашилади. “Кайвонининг мангу макони” қиссасида ўтиш даври одамларининг қийинчиликлари, пулсизлик, ишсизлик, камдаромадлилик каби қатор ижтимоий, маиший муаммолар қаламга олинган. Очликдан силласи қуриган Қурувчилар кайвонининг кучугини сўйиб ейишади. Кайвони қиш кунда, қор гупиллаб ёғиб турган паллада кучуги Оқтошни излаб, топиб беринглар, деб акаси Аваз подачининг уйига боради. Аваз подачи кучукни излаб юриб, унинг тўкилиб ётган жунини, қон томчиларини топади. Кайвони Аваз подачи билан укасини кута-кута ўзи йўлга тушади. Бу қиссада шундай тасвирланади: “Кайвони йўлга тушипти.

Кайвони қиямалик остига етгач, тепага қарапти: ҳаммаёқни қор босган, билмаган одам қаёқдан юришга ҳам ҳайрон бўлар экан. Кайвонига бўлса... бу ерлар қадрдон жойлар экан, қанчалик қалин қор остида қолган эса-да, йўлни искаб бўлсаям топа олар экан – ўзига-ўзи шундай депти; бундан ташқари дарахатлар, наъматаклар бор экан, кайвонига йўл кўрсатиб туришар экан...”².

Қисса кайвонининг фожиаси билан яқунланади. Йўқолган кучугини излаб, йўлга чиққан кайвони қор кўчиб, чуқурликда оёқлари синиб ҳалок бўлади. Уни ака-укалари топиб олиб кетишади. “Кайвони” сўзи одатда,

¹ Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 311.

² Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 321.

Аёлларга нисбатан ишлатилади. Шойим Бўтаев бу қиссада элнинг кайвониси бўлган киши (мусофир одам) ҳақида эртақнамо асар битади. Қисса якунидагина Кайвонининг аёл эмас, эркак эканини англаб етасиз. Қиссага асосий сюжет сифатида танланган воқеа, кайвонининг кучугини қувиб солиши, сўнгра уни излаб йўлга чиқиши, ака-укаларидан ёрдам сўраши, ўзи ҳам Оқтошни излаб, чуқурга тушиб кетиб ҳалок бўлиши сатирик ва трагик лавҳалар яратилишга асос бўлган. Кайвони ўзини жуда ақлли қилиб кўрсатишга уринади. Оғзи тинмай йиғлайдиган ўғлини келажакда буюк шахс чиқади, деб башорат қилади. У ўзини салкам бир башоратгўй, авлиё одамдек туттади. Ёзувчи аёллар руҳиятининг ниҳоятда нозиклигига урғу бериб, улар ҳаётидаги драматизм ва трагик ҳолатлар сабабини очишга ҳаракат қилади. Жумладан, Бувиш кампир, назоратчининг аёли фарзанд доғида қуйиб вафот этган она тақдири сабаблари аслида уларни қуршаб турган яқинлари, ҳамкасбларининг лоқайдлиги, ёрдамга муҳтож одамларга бепарво кузатувчи бўлиб яшаганликлари оқибати эканини ҳаққоний ёритади.

Инсон руҳиятининг чуқур таҳлили, унинг онг ости, яширин сир-синоатларини янада мукамал тушуниш ва тасвирлаш доимо, энг қадимги даврлардан бошлаб адабиётнинг энг асосий муаммоси бўлиб келган. Шу боис бадиий асарда инсон руҳиятининг чуқур ва батафсил таҳлилини адабиётнинг сифат белгисини кўрсатувчи хусусият дейиш мумкин. Руҳият тасвири муаммоси жаҳон илм-фанидаги каби ўзбек адабиётшунослигида ҳам доимо муҳим ва долзарб тадқиқот муаммосига айланиб келган.

Ҳозирги ўзбек қиссачилигида катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кайвони онахонлар руҳиятини ниҳоятда маҳорат билан яратган ёзувчилардан бири Баҳодир Қобулдир. Унинг шу кунгача китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган “Энашамол”, “Энайўл”, “Отачироқ”, “Отаҳаёт” қиссаларида ёзувчини болалигидан тарбиялаб-ўстирган, ҳаётий тажрибаси катта меҳрибон бувиси образи марказий ўринда туради. Баҳодир Қобул қиссалари ҳақида М.Қўчқорова шундай ёзади: “Муаллиф асарлари сарлавҳасида такрор-такрор ишлатилган “Ота” ва “Эна” сўзлари ҳам эътиборимизни тортди. “Энайўл”,

“Энашамол”, “Отамозор”, “Отахаёт”, “Отачирок”, “Отамозор”. Ёзувчининг бу сўзларга, сарлавҳаларга такрор-такрор мурожаатлари ҳам бежизга эмас албатта. Ёзувчи “Ота” ва “Эна” сўзлари замирида она Ватанни, Ўзбек миллати кўним топган кичик макон, аммо бадий маданияти, кечмиши узок минг йилликларга туташган буюк халқни кўради. Қиссалар услубининг бетакрорлиги назаримизда, биринчидан бадий ифода услубида кўринади. Баҳодир Қобул насрида кейинги пайтда жаҳон адабиётида жанрлар синкретизмини вужудга келтираётган эссе жанрига хос қатор бадий қанонларни кузатдик. Адиб асарлари услубида эссе жанри табиатига хос беҳад эркинлик, самимийлик, муаллифнинг шахсий фикрлар оқими етакчилик қилади. Эссе жанрининг эркин ва самимий услуби Баҳодир Қобил асарлари табиатига ўзгачалик, оригиналлик бахш этган. Шунингдек, ёзувчининг қиссалари ва ҳикоялари бир-бирининг давомидек, мантикийлик касб этган. Дейлик, ёзувчининг кўп гап биладиган, сўзга чечан Энаси, Отаси, муаллиф образи (бола образи), Мардон тентак каби образлар у қиссадан бу қиссага, ёки у ҳикоядан бу ҳикояга кўчиб юради”¹. Олима таъкидлаганидек, Баҳодир Қобилнинг қисса ва ҳикояларида яратилган Эна сиймоси катта ўринни эгаллайди. Кайвони Эна образи ёзувчининг “Энашамол” қиссасидан бошланиб, энг сўнгги ҳикояси “Бағдагул”да ҳам давом этди¹. Биз бу ўринда қиссанавис ижодкорнинг “Энашамол” қиссасига қисқача тўхталамиз. Мазкур қисса илк бор “Ёшлик” журналида чоп этилиб, “Йилнинг энг яхши қиссаси” эътирофини олган эди. Қисса ниҳоятда завқ ва шавқ билан ўқилади. Носир қиссада ровий бола образи тилидан энаси ва ўзи яшайдиган туркқишлоқ одамлари ҳақида, унинг хаёллари ва тушларига тез-тез кириб чиқувчи қадимий шаҳар Самарқандга опаси билан зиёрати ҳақида ёзилган. Қисса бола тилидан ҳикоя қилингани учунми асарда беқиёс тозалик ва мусаффолик уфуриб туради. Бола Самарқанд ва унинг қадимий обидалари ҳақида, яъни Амир Темур ҳақида Энасидан эшитган. Энг қизиғи, энанинг ўзи Самарқандга

¹ Кўчкорова М. “Энайўл”нинг кадрдон йўли. // Шарқ юлдузи. 2020. № 1. – Б. 153.

бирон марта бормаган. Эна чолидан эшитган хотиралари асосида боланинг калбига, онгига Ватанга, Самарқандга мухаббатни шакллантира билган кампир образидир. Қиссада Эна ҳақидаги хотиралар “Самарқанд шамоли” фаслида бошланади: “Кечки овқатдан кейин опам чувиш учун опачаларимга икки, укам ва синглимга бир чангалдан пахта беради. Мени тегишимни Энам белгилайди. Ўша оқшом тегишимни тезда чивиб, аслида пахтани шундайича Энамга топшириб, ўрнимга кириб ётиб олгандим. Энам ҳеч нима бўлмагандек, хелвагай енгларига бекитдилар. Одатда, бу ерда чувилган пахта бўлади. Ухлаб қолганман деб ўйлашди, шекилли. Сўнгги вақтларда Самарқанд ҳақида Энамдан ҳам, отамдан ҳам сўрайверганим, ким энди Самарқандга борса мениям олиб боришларини, ўзим йиққан пулим борлигини айтаверганимни шу кеч отамга айтди”¹. Баҳодир Қобул “Энашамол” ва бошқа қисса-хикояларида шу қадар катта қалбли эна образини яратадики, бу образ қиёфасида сокинлик, донишмандлик, сабру-каноат, шукроналик хислатларининг барча-барчасини кўрамыз.

Ижодкорнинг бадиий топилмалари, афоризмлардан фойдаланиш услуби, бадиий тили нафақат адабиётшунослик, балки тилшунослик фанлари учун ҳам тадқиқот манбаи бўла олади. Энанинг “Нон учун чизилган расмда истара, ёзилган ёзиқда нафас бўлмайди”, “Ёзиқ чизикни ичида ичи борларга чиқарган”, “Соғинч ва меҳрадагина таъма бўлмас”, “Жамни билиш фарз, ота жамни билиш қарз” каби ўғит ва насиҳатларида миллий қадриятларимизга хос эзгуликлар, ҳаёт ҳақиқати катта тарбия мезони сифатида талқин қилинган. Ўзбек оилаларида бола тарбияси учун кайвони бобо ва бувиларнинг панд-насиҳатлари ва амаллари ибрат бўлиб келган. Энасининг эркатойи бўлган бола аслида ёзувчининг ўзи эканини ҳам англаш қийин эмас. Бу ҳақда олима шундай ёзади: “Ёзувчи Баҳодир Қобулнинг ичида улғаймаган болалиқдан катталиқ фаслига ўтмаган мусаффо, беғубор бола ҳали ҳам яшайди. Ўша каттармаган, туйғулари мусаффо осмондек тоза бола

¹ Қобил Б. Энайўл. – Тошкент: Машхур пресс, 2018. – Б. 352; Шу муаллиф. Боғдагул. – Тошкент: Машхур пресс, 2019. – Б. 160.

ёзувчининг илҳомига илҳом, ижодига ижод қўшади. Иккинчидан, ёзувчига сўз сеҳрини суйдирган киши, унинг энаси бўлади. Шунинг учун ёзувчи “Энайўл”да шундай ёзади: “Мен эса энамнинг эртақларини яхши кўраман. Керагидан ортиқ соддалиги учун кулгига қолган “Лакипай ва Жонипай”ниям, айтишларидан олдин йиғлаб олиб, камига яна йиғлаб-йиғлаб айтадиганлари “Эрдона Чўкки”ниям. Насиб бўлса эртақларни бошқа сафар айтиб берарман. У эртақлар жуда узун. Энам салкам юз йилдан бери айтадилар. Ўзларига ўзлари эртақ айтиб ўтирадилар. Эртақларни қайта сўраш мумкин. Лекин хаёлларга аралашиниш мумкин эмас”². Баҳодир Қобулнинг болалигида унга ҳам эна, ҳам устоз мақомида бўлган катта эна унинг ёзувчилик салоҳиятини ривожланишига туртки бўлди. “Энашамол”да ровий-бола билан меҳрибон Эна муносабатлари қуйидагича тасвирланади: “Россиям хафа қилишса, уззукун елкасига отамнинг эски чопонини ташлаб, бўри ўтириш қилиб ўтирадиган Энамни орқа қилиб, чопонининг этагига кириб кетаман. Энамнинг белларидан кучоқлаб оламан. Кулаталари устидан тушиб келган сочпопуқларига осилган калиту жангул-жунгул ғуббачаларни қайта-қайта санайман. Энам берган иккита куёнча билан ўйнайман. Улар энамнинг атрофида юришади. Айтишларича, куёнчалар бошқаларга кўринмайди. Шунинг учун бемалол ўйнашим мумкин”¹. Баҳодир Қобул эна образини ниҳоятда миллий яратган. Кўз ўнгимизда сочпопуқларига осилган калит, жангур-жунгурли кекса бир кампир келади. Ёзувчи кекса ўзбек онахони образини ниҳоятда табиий ва реалистик тасвирлайди.

Назар Эшонқулнинг даҳшатли уруш фожиалари тасвирланган “Уруш одамлари” қиссасида ҳам фаслларга уйғун тарзда қаҳрамонлар изтироблари, ғам-қайғуларини очиб берилади. Фожиаларга тўла давр муҳити кўнгилчан, дилкаш кишилар руҳиятидаги ўзгаришларга, уруш каби совуқ, дағал муносабатларга айланганини, бу эса қаҳрамонлар тақдирининг фожиали қисматига сабаб бўлганлигини бадиий гавдалантирган. Қисса шундай

¹ Қобил Б. Энашамол. Энайўл. – Тошкент: Машҳур пресс, 2018. – Б. 253.

² Қўчқорова М. “Энайўл”нинг кадрдон йўли. // Шарқ юлдузи. 2020. № 1. – Б. 153-154.

бошланади: “Қирқ тўртинчи йил декабрининг бошларида, қора хат келганидан роса бир йилдан сўнг, ёғин-сочинли кунларнинг бирида терсоталик Нормат полвон бир оёғидан айрилиб урушдан қайтди”². Воқеалар айни қишнинг совуқ, “ёғин- сочинли кун”ида бошланиши билан бирга, қаҳрамонлар ҳаётининг мудҳиш, нотинч ҳаёт фожиалари, ходисаларидан дарак бериб турганлигини англаш мумкин. Эридан буткул умидини узган Анзират учун бу ҳол ҳеч кутилмаганда рўй берди. Уни ҳаётда урушдан даҳшатли қисмат кутиб турганлигини англаш азоби, виждон изтиробини ўз исқанжасига олди.

Ёзувчи даврнинг мудҳиш, аёвсиз уруш оқибатида, шароит тақозосига кўра, фарзандини ҳаётга қайтариш мақсадида гуноҳга кўл урган аёл, унинг тўсатдан қайтиб келган эри олдидаги изтиробли виждон азобида ўтаётган кечинмаларини рўй-рости, бор ҳақиқатлари билан тасвирлайди. Анзиратнинг ҳаёллари ҳар ёққа тўзғиган, ўзини қишлоқдаги Катта дарёнинг икки қирғоғига ўхшатар эди. Болалик хотираларида дарёнинг нариги бети жуда ёмон, яъни бахтсизлик келтиргани учун ҳам ёдида қолган эди: “Унинг эри кетгандан кейинги ҳаёти дарёнинг шу қирғоғи – ўлим, очарчилик соя солиб турган, алланечук серкулфат қирғоқ эди. Бу қирғоқда у ўлиб кетиши, бутун орзу-умидларидан айрилиши, икки бола билан ёш, сулув бўла туриб, бева қолиши мумкин эди. У ўзининг бахтига зомин бўлишни истамасди. У ҳам ҳамма аёлларга ўхшаб, яхши яшашни, турмуши фаровон бўлишини истарди. У ҳаммасига чидаши мумкин, бироқ меҳрсиз яшай олмасди, меҳрсиз ўз ўзанига сиғмай бораётган эди. Шундай кунларда дарёнинг нариги қирғоғидан жуда кўркам ва худди эртақлардаги каби кема келиб, уни нариги қирғоққа олиб кетди”¹. Аёлнинг ўз эътиқодидан, иймонидан ҳам зарурият кучлилиги, кўнгилнинг тийиб бўлмас истаклари устун келади. Бир йил ўзга эркак тассаруфида тубанлашиб, номуссиз хотинга айланиб бораверади. Дарёнинг лойқа, сершовқинлиги, ёки сокин ва тиниқлиги инсон ҳаётига қиёс этилади.

¹ Қобил Б. Энашамол. Энайўл. – Тошкент: Машҳур пресс, 2018. – Б. 254.

² Эшонқул Н. Уруш одамлари. Ялпиз хиди. - Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 3.

Чунки инсон ҳаёти баъзан қувончли лаҳзаларда, баъзан серташвиш кунларда дарё каби оқиб ўтадиган тез ва шиддатли. Дарёга сел келса борми, у ҳеч кимни аямайди, кўрқинчли, вазоҳатли тўлқинларида оқизиб кетади. Шунинг учун ҳам дарё детали тасвири кучайтирган. Анзират ҳаётидаги кескин ўзгаришлар олдида биров эсанкирайди, аросат ўтида ёнади, гумон, ўз-ўзини тафтиш этиш ҳисларига берилади. “У ҳамма одам менинг Мирзақул билан бўлган муносабатимни билади, билгани учун ҳам мен билан аввалгидай, билинтирмай муносабат қилади, ичида эса кулади, деб ўйлар, унга одамларнинг ҳар бир ҳаракати ўзининг гуноҳига шаъма, пичинг бўлиб туюлар, ҳар бир одамнинг гапини кўнглига олар, ўксир, одамларни тобора ёмон кўриб бораётган эди.”² Ёзувчи аёлнинг ўз виждони олдидаги гуноҳкорлигини тан олиш изтироблари тасвирини ана шундай рангин бўёқларда табиий гавдалантиришга эришган. Аёл поклик, софлик туйғуларининг гуноҳ олдидаги юксаклигини англаб боргани сари алам ва пушаймонлик ҳисси тобора қаддини букди, ўз эри олдида ички азоб алангасида ёнди: “Менда нима гуноҳ?!, - ўйларди у гоҳида, ҳамма айб урушда, агар уруш бўлмаганда, эрим ёнимдан жилмаганда мен бундай қилмасдим. Бутун меҳримни эримга, болаларимга берган, ундан баҳра олган, уларнинг қувончини қувонч, севинчини севинч деб билган, мен ҳам бошқалардек эримга содиқ аёл бўлар эдим, деб ўйларди у”¹. Вақт ўтган сари келаётган фожиа суръати ҳам жадаллашди. Анзиратнинг ҳомиласидан хабар топган эри кўринишидан ҳам, ҳаракатидан ҳам ақлдан озиб, кўзи қонга тўлди: “Нормат ерда лойга ва қонга беланиб ётган Анзиратни тўғри келган ерига тепарди. У Анзиратнинг сочини дор қилиб, қўллари қалт-қалт титраб бўйнига ўрай бошлади. Қўллари қалтираганидан сочни ҳеч ўраб ололмас, бундан баттар қаҳри кўзиб, Анзиратнинг бошини силкиб-силкиб ташлаётган эди”. Томошабин бўлиб турган кўни-кўшнилар, эркагу-аёллар орасидан тирноққа зор Ҳанифа деган аёл Анзиратни қутқаради: “ – Мени ўлдир! Ўлдир

¹Эшонкул Н. Уруш одамлари. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 60.

² Ўша асар. - Б 61.

бўлақол! – Шаллақилик қила бошлади у. – Бўғақол, ўлдир, мен туғмасни ўлдир, етти пушти куйиб кетган мен туғмасни ўлдир, буни ўлдирсанг, анави қора кўзларинг тирик етим бўлади. Ё уларам, бузукликдан орттирилганми? А?”² Бу даҳшатли воқеадан сўнг Нормат Бийди момо тазйиқи билан уларникига кетади. Бийди момо – қишлоқдаги улуғ, кайвони кампир эди. Тақдирнинг машаққатли синовларини ўта сабр ва бардош билан енгади, қишлоқдагиларнинг ор-номус, иймон-этикод каби қадриятларнинг ҳимоячиси сифатида қинғир ишларни беаёв жазолайди. “Ҳамиша уни кимгадир, танбеҳ беришаётган ёки кимнидир уришаётган қиёфада учратиш мумкин эди. Шулар ҳам аёлми, - дерди у аёллар ҳақида. – Аёл деган рўзғорни қантдай қилиб юриши керак, эркак деган эркакдай бўлиши керак, - дерди у эркаклар ҳақида. Бизнинг даврларда эркакларнинг изидан бир ҳафта юриб ҳам бир оғиз сўз эшитмасдик. Ҳозиргилар эса, гап чайнаб юришади”³. Асрлар оша хотин-қизлардаги ҳаё, ибо каби эзгу қадриятлардан баҳраманд бўлиб, унга собиқ қолиб, қишлоқнинг ор-номус тимсолига айланган Бийди момонинг Нормат юрагида ниш уриб келаётган кечирриш аломатларига қарши туради. Демак, асарда Анзират ва Бийди момо образлари контраст кўйилганлиги воқеаларнинг кескин тус олганлиги, бу кескинлик ўртада турган Нормат руҳиятидаги чарчоқни табиат манзараларига уйғун тарзда берилганлиги диққатимизни тортади: “Нормат ташқарига чиқиб, совуқ изғириндан энтикиб кетди. Қишлоққа кеч тушган, аёзли тун бошланган эди. Қоп-қора осмон қозонида юлдузлар қайнар, кунботар тараф қонли шафаққа беланган, қорли чўққилар ухлаб ётган оппоқ итларга ўхшаб ғира-шира кўзга ташланарди”⁴. Қишнинг аёзи Нормат руҳиятига кўчган, у совуқ, изғирин, иложсиз ўтаётган кунларига ўхшатилса, “қонли шафаққа беланган, қорли чўққилар” эса, бағри дили қонга тўлган кишининг оппоқ, нурли кунларни кўмсаётганлигидан дарак эди. “Енгил эсаётган шабада мунғайиб қолган

¹ Эшонқул Н. Уруш одамлари. Ялпиз ҳиди. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 66-67.

² Ўша асар. – Б. 45.

³ Ўша асар. – Б. 32.

⁴ Ўша асар. – Б. 100.

зиркнинг шоҳларини силаб ўтирди”¹, иқтибослари ҳам Норматнинг дардчил кўнглига табиат таскин бераётганлигига ишора эди. “Анзират қорлар эриб, кунлар исий бошлагачгина зўрға туриб юрадиган, ташқарига ўзи чиқиб кирадиган бўлди. У озиб кетган, аввалги чиройидан асар ҳам йўқ, сочи бирдан оқариб, қариб қолганди. Ҳомиласи тушганидан кейин кўп кон йўқотавериб, сарак-сарак касали бошланган эди... . У кундан-кунга озиб, мадорсизланиб ҳолдан тойиб борарди. Икки ой ичида унинг танаси чўпга кўйлак кийгизиб қўйилгандай қуриб қолди. Кўкиш тусга кирган сочлари жуда тез оқармоқда эди”². Кунларнинг бирида Анзират туморини қидиради. Демак, унинг кўнгли юпанчга, ёрдамга муҳтож. У ўтган шунча бало-казолардан руҳан жуда чарчаган, қалби нажот, кўмак илинжида қийналади. Адиб унинг нурсиз кўзларини “ғорда ночоргина ёниб турган мойчироқларга ўхшарди”, - дея таърифлайди. Анзират умидсиз, нурсиз ўтаётган тунларининг бирида тўсатдан уйига, урушга кетаётиб, охирги марта кўриш илинжида келган Мирзакулнинг пайдо бўлганидан даҳшатга тушиб кетади. Етмиш уч кундан сўнги пойлоқчилик самарасини кўрган Бийди момо бу машъум хабарни Норматга етказди. Асар фожиа билан тугайди: Нормат Мирзакулни, Анзиратни отиб ўлдиради, ўзини эса, қоялар устидан ташлайди.

Уруш кишиларнинг руҳиятидаги ёвузлик сифатларни қанчалик ривожлантирмасин, асрлар оша мангу яшайдиган инсонийликнинг асл қадриятларини ҳеч қачон енга олмаслигини ёзувчи шундай изоҳлайди: “Яна баҳор келади. Олам баҳорнинг шавқига тўлади. Қирларда худди олдингидек уруш билан иши йўқ, урушдан кўркмайдиган лолалар очилади. Ер пишади. Ер етилади”¹. Дарҳақиқат, даҳшатли урушнинг фожиали кўринишларини бадиий акс эттирган ёзувчи аёл руҳиятини табиат тасвири муқоясаларига боғлаб очиб бера олди. Ўша тасвирланган аёзли қиш ҳукмронлигида кечган мудҳиш воқеалар ўқувчи кўнглида аламга, изтиробга йўғрилган мунгли бир куй сифатида табиий жонланди. Анзират, уруш давридаги ҳаёт тарзини

¹ Ўша асар. – Б. 100.

² Ўша асар. – Б. 80.

хисобга олмаганда, истеъдодли адиба Зулфия Қуролбой қизи яратган “Гуноҳ” ҳикоясидаги Баҳорой образига ўхшайди. Баҳорой турмушга чикқач, кўп вақтгача фарзандсизлик дардида қийналади. Эрининг вақтинча ёнида бўлмаганидан фойдаланиб гуноҳга қўл уради. Бошқа бир номаҳрам эркакдан бола орттиради. Баҳорой фарзандли бўлишни жуда-жуда истади. Лекин гуноҳ ортидан эришилган бу неъмат унга қимматга тушади. Баҳорой виждон азобида қолиб, рухий тушкунликка тушади. У ўз-ўзига ҳукм чиқаради: ўз жонига суикасд қилади. Демак, гуноҳ иш қайси даврда, қандай шароитда бўлмасин у барибир ўзини ҳеч нарса билан оқлай олмас экан.

Шунингдек, С.Ўнарнинг “Чамбилбелнинг ойдаласи” қиссасидаги кичик кампир билан катта кампирнинг диалоги қуйидагича: “ – Чолнинг бу кетиши бежо кетиш, опа. Ҳеч балони тушунмайсан одам. Молларга емиш ташламабди, ем жойида қақшаб ётибди. Ич кийимида кетаверибди. Одамлардан қайтиб уялмайди. Бундай қилмагич эди. Алағдаман, опа алағдаман. Оқшом қўйингинасига кириб ётмайманма, “не бўлди чол” деб.

Катта кампир совуқроқ садо берди:

- Бало урмас бу чолга, бўри ермиди. Қамчисидан захри томиб гўристонда бўлса етиб келади. Ҳовлини зир айлантриб мени қамчилаб урмагунча, ҳовридан тушмайди бу. Ерам ютмайди, қалчиллай берма.

Кичик кампир бундан яхшироқ жавоб ололмас эди. Руҳи чўкди, ёлғизлангандай бир ичикди. Бир ичикди.

- Менгина ўлайин-эй, - деб изиллади”². Шу бир кичик парчада, иккита кампирнинг ўзаро суҳбатида кичик кампирнинг чоли Қирғийга бўлган буюк муҳаббати, меҳри, садоқати англашилиб турибди. Катта кампирнинг гап-сўзлари орқали эса унинг бутун умр чоли билан ит-мушукдек умр кечирганлигидан воқиф бўламиз. Унинг чолига нисбатан совуқ, меҳрсиз-муҳаббатсиз муносабатини пайқаб оламиз. Шунингдек, диалогларни янада жонлантриб, уларни бир-бирига боғлашга хизмат этган автор баёни орқали

¹ Ўша асар. – Б. 101.

² Ўнар С. Чамбилбелнинг ойдаласи. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – Б. 8.

эса кичик кампирнинг рухий тушкунлигини, руҳиятидаги чексиз ёлғизликдан бохабар бўламиз. Кичик кампирнинг “Менгина ўлайин-эй”- дея изиллашидаёқ катта маънони уқиб олишимиз мумкин. Чоли Қирғийнинг домдараксиз йўқолиб қолишида ўзини айбдор санайди. Чексиз, ададсиз айбдорлик, чолининг қаерга йўқолганини тезроқ аниқлаш учун тинтувлари, чолининг хатти-ҳаракатларини бирма-бир кузатиши унинг умр йўлдошига бўлган садоқатини намоён этиб туради.

3.2. Жинойтчи аёл образи табиатидаги ўзига хосликлар

Кўплаб тадқиқотларда ўрганилганидек, Аёл образи аввало, наслни давом эттирувчи, башариятнинг яратувчиси сифатида ўрганилган. Қолаверса, дунё халқлари адабиётида Аёл гўзаллик, донишмандлик, ақл, муҳаббат тимсоли сифатида ҳам қаралади. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида яратилган Аёллар образининг бадиий эволюциясини кузатадиган бўлсак, ўзбек аёлининг мутеъ, итоаткор, ҳақ-ҳуқуқсиз, ижтимоий фаоллашган, хиёнаткор, вафодор, садоқатли, танноз, эркин фикрли, жамиятда “тан олинган” Аёллар образи С.Айний, А.Қахҳор, Ғ.Ғулом, А.Мухтор, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ш.Холмирзаев каби қатор адиблар ижодида маҳорат билан яратилганини кўриш мумкин. Ўзбек қиссачилигида Аёл образининг турли туман қирралари ва қиёфалари асрдан асрга ўтиб, йилдан йилга ошиб, янги рухий қатламлари, изтироб ва дардлари, орзулари кашф этилиб борилмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги ўзбек қиссачилигида аёл образининг янги салбий қирралари ҳам очилди. Агар бу ҳолатни “салбий” деб баҳолаш мумкин бўлса. Жумладан, мазкур фаслда жинойтчига айланган “аёллар” образининг бадиий талқини масаласи Х.Дўстмуҳаммаднинг “Чаёнгул”, Ш.Бўтаевнинг “Шоҳона совға”, А.Йўлдошнинг “Ўн учинчи уй” қиссалари таҳлилида очиб берилади. Бу уч ёзувчи томонидан тасвирланган жинойтга қўл урган аёллар образини шартли равишда қилган жинойтлари ва руҳиятига кўра, 3 турга бўлдик. Булар:

а) Синглисининг, оиласининг ор-номусини ҳимоя қилган жиноятчи қотил аёл (Гулгун образи – Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Чаёнгул” қиссаси);

б) Ўз номусини ҳимоя қилган аёл (Нозима образи – А.Йўлдошнинг “Ўн учинчи уй” қиссаси);

с) Шизофреник касаллик туфайли жиноятчига айланган қотил аёл (Гавҳар образи – Шойим Бўтаевнинг “Шоҳона совға” қиссаси).

Ҳар учала муаллиф қотилликка қўл урган, жиноятчига айланган аёлларнинг руҳий дунёсини ниҳоятда жонли ва теран очиб беришга эришади. Ҳар уч ёзувчи жиноят ва жиноятга дахлдор Аёллар образини яратар экан, бу орқали жамиятдаги жоҳилликни кўрсатиб беради.

Истеъдодли ёзувчи Х. Дўстмуҳаммад ўнга яқин қиссалари билан адабий жамоатчиликка яхши таниш. Хусусан, ёзувчининг “Нигоҳ”, “Паноҳ”, “Оромкурси”, “Чаёнгул”, “Сўроқ”, “Ҳижроним мингдур менинг”, “Мен – сенсиз, сен - менсиз”, “Куза”, “Ёлғиз” қиссаларини санаш мумкин. Хусусан, бу ўринда ёзувчининг илк бор “Ҳай-й, Гулшод, Гулиш!.. ёхуд қуйи қишлоқча қотиллик” қиссасига тўхталамиз. Мазкур қисса номини ёзувчи кейинчалик “Чаёнгул”га ўзгартирган. Чаёнгул – қасос ўтида ёнаётган Гулгунга рамзий ишорадир. Умуман, қиссада уч Аёл образи Чаман момо (Она), Гулшода (кенжа қиз), Гулгун (катта қиз)нинг руҳий таҳлили маҳорат билан очиб берилган. Ёзувчи ўз қиссаларида қўллаб келган бадиий воситалардан фарқли равишда “Чаёнгул”да тасодифийлик бадиий шартлилик воситасидан унумли фойдаланади. Тасодифийлик антик юнон адабиётида ҳам, шарқ мумтоз адабиёти намуналарида ҳам жуда кўп бора синовдан ўтган бадиий восита ҳисобланади. Тасодифийлик қаҳрамон ҳаёти ва тақдирини кескин равишда бошқа томонга буриб юборади. Бу бурилиш нуқта ижобий томонга ҳам, салбий томонга ҳам бўлиши мумкин. Адабиётшунос М.Бахтин юнон романларида тасодифийлик масаласини ўрганар экан, шундай ёзади: “Бирдан” ва “шу пайт” – бу замоннинг нисбатан ўхшаш тавсифи ёхуд у шундай жойда бошланиб, шундай вазиятда қонуний вазифасини ўташга киришадики, айтилаётган эътиборан ақлга сиғадиган воқеалар оқими

узилиб, мутлақ тасодиф деб аталган махсус мантиқ асосида ҳаракат қилувчи замонга ўрнини бўшатади”¹. М.Бахтиннинг тушунтиришича, роман жанрида тасодифий воқелик ва вазият яратишда “тақдир ўйини”, “бирдан”, “шу пайт” каби бадиий хронотоплар асосий роль ўйнайди. Худди шунингдек, масалан, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Чаёнгул”ида бир-бирига уланиб кетган занжирдек тасодифлар икки оиланинг катта фожиасига сабабчи бўлади.

Қисса сюжетида тасодифийлик занжирини ташкил қилган воқеалар ва вазиятларда “тақдир”, “қора қисмат”, “тасодиф”, “тақдир жазоси” деган “бадиий хронотоп”ни ташкил қилувчи сўз ва сўз бирикмалари бир-бирига уланиб кетади. Зеро, айнан шу сўзлар тасодифий жинойтга бадиий рамзий ишора берувчи муҳим деталь бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда, қисса матнига эътибор қартамиз: “Астойдил изланса топилмайдиган жинойтчи йўқ. Юз берган ҳодисалар қадам-бақадам тафтиш қилинса, Гулшоднинг қотили ҳам муқаррар аниқланади. Фақат ана шунда жазо курсисида баногоҳ қотил суратидаги *тақдири азал* пайдо бўлса борми!.. *Тақдирнинг жазосини* ким беради?..”; “Хуллас, Гулшод мактабдан сабоқдош кўшни дугоналари Орзи, Зухра билан қайтиб “Ўй-уйимизга кириб чиқамизу далага бирга борамиз”, деб аҳдлашаётган дамларда *қора тақдир* тўр тузоғини тўқишга киришган эди...”; “Кийимини алмаштираётиб у яна шу тахлит ўйга толди – одатдагидек ўйи чала қолди – кушдай парвоз қилиб равонга чикди, у ердан илдам ҳовлига тушаётиб, “Опа, кетиб қомайсиз-а? Мен помидор теримига бориб келаман”, деди атайин овозини жаранглатиб. Гулгун йиғласа йиғларди-ю, бошқаларнинг ўзига ачинишига тоқат қилолмасди – ҳозир ҳам синглисининг кишибилмас ачинаётганини хушламай қуруққина қилиб, “Узоқ ўтирмайман, кетаман”, деди. Лоақал Гулгун шундай демаган *тақдирда* Гулшод кўчага югуриб чиқиб беш-олти хонадон нарида уни кутаётган Орзи билан Зухрага, “Сизлар бораверинглар, мен ўзим етиб оламан”, демас – аксинча, дугоналари ҳамроҳлигида далага жўнар эди.

¹ Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Таржимон: У.Жўракулов. – Тошкент: Akademnashr, 2015. – Б. 52-53.

Бундан чиқди, жавобгарлик риштасининг бир толаси Гулгунга бориб тақалаяпти, шундай эмасми?”¹ Бундай мисолларни қисса матнидан жуда кўплаб келтириш мумкин. Қиссада ўзбек аёлининг ўз ор-номуси, шаънини нақадар юқори қўйиши қиссада ҳикоя этилган бир оила ҳаёти мисолида очиб берилади. Мазкур қиссанинг яратилиш тарихи, образларнинг ҳаётий асослари ҳақида қизиқиб, ёзувчига савол бердик. Шунда Х.Дўстмуҳаммад бу саволга қуйидагича жавоб берди: “Ёш куч”да ишлаётганимда кунлардан бир куни Қашқадарёлик бир аёл келди. Ўша аёл бошидан ўтганларини шундай гапиряптики, йиғлаяптими дейман, йиғламаяпти, дод соляптими дейман, дод солмаяпти, қўшиқ айтаётганга ўхшарди. Мени унинг ўз фожиаларини сўзлаб бериш манераси ўзига ром қилди. 10-синфда ўқиётган қизи Гулшодни синфдоши зўрлайди. Йигитнинг отаси қизнинг онасига ваъда беради. Маълум вақт ўтгач, ваъдасини бузади. Қиз номусига чиқолмай ўзини осган. Гулшоднинг опаси Гулгун терговчига кўп маротаба мурожаат қилади. Охири терговчи унга “Ҳамманг шунақасан!”, деб иззат-нафсига қаттиқ тегади. Опага бу ҳақорат ёмон таъсир қилиб, кучли руҳий зўриқиш билан “Ўлдираман!!!” деб, йигит уйига боради. Ҳовлида бир кишининг шарпаси кўрингач, опа жонсарақ югуриб, пичоқ билан ташланади ва қотилликка қўл уриб, қўл остида нобуд бўлган йигит эмас, жажжи қизчани кўради. Опа қамалади. Қашқадарёга бориб воқеани ўргандим, онанинг гаплари ҳақиқат бўлиб чиқди. “Ҳақсизлик сиртмоғи” номли мақолани ёздим. Гулшод ҳақсизликдан кетди. 12 йилга қамалган опани топдим, гаплашдим. Унинг гаплари, маҳбус аёлнинг гаплари мени ларзага солди. Маҳбуснинг 4 ёшлик ўғли эса бувиси қарамоғида қолган. “Нега ўлдирдингиз, ачинмадингизми шу қизчага?” дедим. У “ачинаман, лекин улар синглимга ачинмади-ку, мен ўша қизчани йиқилганидан кейин билдим бошқалигини, кўзим кўрмади”, деди. “Йўл бошида адашганлар” мақолам ҳам тарбияси оғирлар қаторидаги хотин-

¹ Дўстмуҳаммад Х. Чаёнгул. Қиссалар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 157.

қизларга бағишланади. Шу ҳаммаси шаклланиб аёл образини ярата бошладим”¹.

Юқорида муаллифнинг иқрорлари орқали “Чаёнгул” қиссасига асос бўлган Қашқадарёда содир бўлган бахтсиз қотиллик тафсилоти, икки оиланинг бахтсизликлари, қиссада иштирок этган аёллар образи Чаманмомо, Гулшод, Гулгунларнинг реал ҳаётий асослари очилади. Шу кунга қадар, адабиётшуносларимиз орасида “Чаёнгул” қиссаси машҳур Америка ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Габриэль Гарсиа Маркеснинг “Ошқора қотиллик” қиссасидан таъсирланиб яратилгани айтиб келинарди. Ёзувчининг юқоридаги эътирофларидан сўнг, “Чаёнгул” қиссасига аслида, ҳаётий бир воқеа, суд тафсилоти, бу суд жараёни, қотиллик воқеаси билан алоқадор барча воқеалар Қашқадарёдаги бир қишлоқда содир бўлганини англаб етамиз. Демак, Х.Дўстмуҳаммад миллий ҳаётий воқелик, миллат турмушидаги жиддий бир муаммога эътибор қаратади. Ёш қизнинг номуси топталиши воқеасини асосий маиший-ижтимоий муаммо сифатида олиб чиқади. Миллий муаммони ёзувчи қисса жанрида катта маҳорат билан очиб бериш мақсадида Габриэль Гарсиа Маркеснинг “Ошқора қотиллик” қиссасида қўлланилган ноанънавий бадиий-ижодий услубга эргашади. Буни ёзувчининг ўзи ҳам тан олиб суҳбатда алоҳида таъкидлайди. Аммо эътибор беришимиз керак, Хуршид Дўстмуҳаммад миллий воқеликдан, миллий ижтимоий-маиший, маънавий-ахлоқий муаммолардан асло чекинмайди.

Муаллиф билан қилинган суҳбат асносида ҳаётий ҳақиқатларнинг не қадар бадиий ҳақиқатга айланганини ҳам кузатиш мумкин. Бинобарин, ҳаётда кўзи қонга тўлган Гулгун қасос олиш учун Ашурни ўлдираман деб, унинг синглисини ўлдириб қўяди. Қиссага бегуноҳ қизча ўғил бола Акбар образига айлантирилган.

Асарда Чаман момо, Гулшода (оиладаги лақаби - Гулиш), Гулгун бир оила аъзолари бўлган аёлларнинг руҳияти жуда маҳорат билан очиб

¹ “Муҳаббатли ҳаёт- гўёми, рўёми?” ёхуд дунёни муҳаббат нигоҳида кўриш санъати. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад билан суҳбат. // Шахсий архивимиздан нашрга берилган. – Б. 4-5.

берилган. Айниқса, опа-сингил Гулгун ва Гулшод руҳиятини очишда нутк типларидан, хусусан, муаллифнинг билвосита баёни ва қаҳрамон ички монологидан унумли фойдаланилган. Бинобарин, ички монолог тасвирий восита сифатида аёл қаҳрамонлар руҳий дунёсини жуда ишонарли очишга хизмат қилган. Қиссада шарқ халқлари учун азалий мавзу ор-номус масаласи ўртага қўйилган бўлиб, балоғат ёшидаги Гулшод ўз ҳамқишлоғи, тенгқури Ашур томонидан зўрланади. Қизнинг онаси Чаман момо ва онаси Гулгунлар Ашурнинг отаси Адҳам муаллим билан кескин зиддиятга киришишади. Ниҳоят, совчи жўнатиш таклифи билан бу машъум воқеа бироз тинчлантирилади. Аммо орадан бир ҳафта вақт ўтса-да, совчидан дарак бўлмайди. Мазкур ўринларда ёзувчи совчи кутаётган, қизининг тақдиридан қаттиқ қайғураётган Онанинг руҳий аҳволини, жабрдийда, ёш ва гўзал Гулшоднинг руҳиятини шунингдек, воқеаларга гувоҳ бўлиб турган онаси Гулгуннинг руҳиятини ва улардан ҳар бирининг ўзига хос кечинмаларини маҳорат билан тасвирлаганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, уйига совчи келмаслигини англаган Гулшоднинг қўйидаги ички монологидан унинг изтироблари, унинг учун энди бирдан-бир йўл ўз жонига қасд қилишгина қолганлигини англаши ғоят таъсирчан ифодаланган: “Қайтиш керак!.. Тезроқ кўча-кўйда таниш-билишларга рўпара келмаслик учун..., Тезроқ!...Қайтиш, қайтиш зарур... Шарт. Бўлак чора йўқ, бўлак суюнчиқ, бўлак тадбир йўқ... Қайтиш!... Бориб ичкари уйга кириш, қамалиб олишдан бўлак чора қолмади! Қолмади!..”⁷. Ўша асар мазкур парчада қаҳрамон ички-монологини бадиий ғоявий жиҳатдан монолог-муҳокама турига киритиш мумкин. Шу билан бирга қаҳрамон нутқидаги такрорий сўзлар, кўп нуқтали, ҳис-ҳаяжонли гап қурилмалари Гулшод руҳиятини янада теран англаб етишимизга йўл очган. Яна қўйидаги Гулшоданинг ички монологидан эса монолог-мулоҳаза ва монолог-суҳбат, монолог-хаёл унсурларининг бирлашиб кетганини кузатиш мумкин: “Бунча кўрқмасанг, Акбар?.. Тунов куни аён қилган экансан-ку, укажон!.. Аттанг, ўша куни акам келиб қолмаганида... шунча кун ўтибди-я!.. Ўзингни қўлга ол, Акбар... Кўрқмай, юрак ҳовучламай яша, ука!

Кўзларингдан хавотирни сидира олсанг яша, Акбар!.. Яшасанг... яша, яшайвер... яшайверинглар... яшшамагурлар... яшшамагур? яшшамагур!..

Ким? Ким айтди унга бу сўзни?”¹. Мазкур ички нутқда ҳам Гулшоднинг хис-ҳаяжонли, такрор-такрор ишлатилган “Яша ва Яшшамагур” сўзлари орқали руҳиятидаги оғриқлар, азоблар ўзининг авж чўққисида ифода қилинган.

Ёзувчи номусини йўқотиб узоқ вақт изтироб чекиб, сўнгра кутилмаганда хушқайфиятга келиб қолган Гулшод руҳиятини унинг хатти-ҳаракатлари, руҳий-жисмоний аҳволини баён этиш орқали талқин этади: “Гулшод кушдай енгил бўлиб уйғонди. Болишда ҳеч қандай ташвиш йўқдай елиб-югуриб уй юмушларига уннади. Ҳатто ўн кун мобайнида йиғилмаган ўрнини йиғиштирди, шкафдаги кийим-бошларни қайта тахлади, равон, ҳовли, ошхонани супуриб-сидирди. Равонни супураётиб жиғилдони қайнаб оғзига аччиқ сафро келди...”². Кўриниб турибдики, адиб Гулшоднинг бирдан ўзгариб қолган ҳолатини автор нутқи орқали изоҳламайди. Фақатгина унинг хатти-ҳаракатлари, кайфияти, руҳий ҳолати ҳақида ўқувчига изоҳ сифатида бадиий тасвирий баённи беради, холос. Бу эса беихтиёр нутқ типларини синчиклаб ўрганган олим Й.Солижоновнинг қуйидаги фикрларини ёдга туширади: “Мабодо, ёзувчи асарда ўз-ўзича табиий ривожланаётган ҳаёт тасвирига ҳуда-беҳуда аралашаверса, ўқувчисига ўз номидан изоҳ бера бошласа, асарнинг таъсир кучи ҳам, ўқувчининг фикрлаш фаоллиги ҳам сусаяди. Чунки бундай жараёнда ўқувчи образларнинг бевосита хатти-ҳаракатини, ўз-ўзини кашф этишни, руҳий оламини эмас, авторнинг ўзини, унинг билвосита муносабатини кўрадики, бу ҳол унинг тафаккурида акс-садо уйғотади. Боиси авторнинг ўринсиз аралашуви гарчи билимимизни маълум даражада бойитишга ва қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини ҳамда ҳолатини, тақдирини тушуниб олишимизга кўмаклашгандек туйилса-да, аслида

¹ Ўша асар . -Б. 190.

² Ўша асар.-Б.190.

ўқувчида эстетик завқ уйғота олмайди”¹. Аммо Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ҳай-й, Гулшод, Гулиш!.. ёхуд қуйиқишлоқча қотиллик” қисасида муаллиф воқеаларнинг табиий оқимига мутлақо аралашмайди, уларни ўз оқимида тасвирлайди. Қаҳрамонлар муаллиф босими остида эмас, ўз характерлари ёки воқеалар мантиқига кўра табиий ҳаракат қиладилар. Воқеалар драматизми кучайгандан кучайиб, Гулшод руҳиятидаги кучли ор-номус ҳисси уни ўлим сари етаклайди. Натижада, барча воқеаларнинг шоҳиди бўлиб турган туғишган опаси Гулгун руҳиятидаги синглисига, оила шаънидек муқаддас тушунчанинг топталаганига чидай олмаган ҳолати руҳий силкинишлар орқали бор бўйи-басти билан асарда ифодаланадики, китобхон муаллиф нутқи воситасида бу воқеалар баён қилинаётганини унутди. Ёзувчининг маҳорати туфайли китобхон кўз ўнгида барча ҳодисалар росмана содир бўлади. Қиссадаги учта аёл руҳияти киши қалбини ларзага солиб, даҳшатли қотилликлар қалбимизни вайрон этади.

Аёл қаҳрамонлар орасида Гулшод руҳиятига тегишли ўринларда ички монологнинг монолог-мулоҳаза, монолог-муҳокама, монолог-кечинма турлари етакчилик қилса, Чаман момо нутқида ички монологнинг монолог-хотира, монолог-хаёл, монолог-муҳокама турлари устунлик қилади.

Х.Дўстмуҳаммаднинг “Ҳай-й, Гулшод, Гулиш!.. ёхуд қуйиқишлоқча қотиллик” қиссасидаги аёллар руҳиятининг талқинида ҳам ички монолог турларидан унумли фойдаланган эди. Гулшоднинг номусидан ажралишдек мудҳиш фалокат содир бўлган пайтда истеъдодли адиб воқеаларни ёнма-ён кўйиб тасвирлаш йўлидан боради. Қизининг бахтига чанг солинганлигини бутун вужуди билан ҳис қилган онанинг юраги безовталаниб, ёмон бир фалокат ҳидини сезади. Жумладан: “Момонинг гезарган лаблари пир-пир учдию гапиролмади, боши чайқалди, йиқилмаслик учун кўзларини чирт юмиб олди – Гулгуннинг пўписаси кампирнинг қулоғига кирмади, у қаердандир пайдо бўлган кўринмас бир куч турткисида ёшига номуносиб

¹ Солижонов Й. Нутқ ва услуб. –Тошкент: Чўлпон, 2002. – Б. 11.

шиддат билан сапчиб қад ростлади. ...тор тахта кўприкдан ўтаётган жойида “Она” деб дод солди Гулшод, лекин овози бўғиқ эди, қиз кўприкдан ўтгач, югуриб бораётиб орқасига ўгирилди – Ашур кўприк томон яқинлашаётганини кўрдию қаттиқ қоқилди – юзтубан йиқилаётиб “Онажон!” дея фарёд чекиб юборди.

Юрагим!.. Юрагим отилай деёпти!

Чаман момо шундай деб кўксини ғижимлади.

Гулшод қалкиб оёққа турди, югурди – яна қоқилди, лекин йиқилмади, нукул, “Она!.. Она!” деганча нафаси бўғзимга тикилиб, сарпойчанг, уст-боши жикқа хўл алпозда уйи томон югураверди.

Сиз “юрагим” деб кўрқитасиз, мен ўшатта ўлиб кетавурайми?!

Жим!.. Дамингни ўчир...

Кампирнинг яна нафаси ичига тушиб кетди, азбаройи кўзлари олайганидан қовоқларини қоплаган тарам-тарам ажинлар кўринмай қолди, нафаси қисиб ҳиқилдоғини икки кўллаб чангаллади, онасини сира бундай аҳволда кўрмаган Гулгун сапчиб турди-да, момонинг тепасига югуриб келди”¹. Таҳлил учун олинган парчада ёзувчи Чаман момонинг психологик портретини чизиш орқали унинг ичида кечаётган хавотирли, ҳадикли бир руҳий ҳолатини маҳорат билан тасвирлайди. Она-боланинг чигал руҳий ҳолати таҳлили ниҳоятда қуйма, бири-бирини занжирдек боғлаётган тасвирий ифодада онанинг шиддат билан қад ростлаши, Гулшоднинг тахта кўприкдан ўтаётиб, қаттиқ қоқилиб, юзтубан тушиши контраст тасвирларни юзага келтирган. Онанинг шиддат билан қад ростлаши асар тағматнидаги айтилмаган бир ҳақиқатдан сўзлаётгандек, яъни она юзтубан йиқилган қизига қаддини шиддат билан ростлашига ишора бераётгандек, таассурот уйғотади. Бу айтилган пайтда она-боланинг нақадар руҳан бир-бирига яқин, ҳамдард эканлигини кўрсатиб берувчи таъсирчан манзара ифодаси. Қизи Гулгун бошидаги қора кўланка Чаман момонинг юрагини чангаллаб, кўзлари олайиб, юзида ажинларини янада кўпайтириб юборади. Бундай психологик портрет

деталлари орқали адиб қиссада тасвирланган она ва фарзанднинг оғир кўргуликдан бирдай азоб чекаётганликларини руҳий ҳолатлари орқали ишонарли очилишига сабаб бўлган. Юқоридаги парчада онанинг оғир руҳий ҳолатига шоҳид бўлиб турган Чаман момонинг катта қизи Гулгун билан ўзаро суҳбат-диалоги ҳам бериладики, унда қаҳрамонлар бир-бирини мутлақо тушунмагандай тасаввур уйғонади. Чаман момо олдида оиласининг, кизининг номуси масаласи туради. Шу сабабли уйига қайтиб келиб ўтирган кизининг дардига шерик бўлишдан кўра кичик қизи Гулшод бошига тушган оғир фалокатдан руҳий азоб чекади. Ёзувчи атай параллел воқеаларни тасвирлар экан, бу воқеаларга онанинг муносабати орқали Чаман момо ва қизи Гулшоднинг руҳияти тасвирини ҳаққоний ва таъсирчан тарзда яратади.

Агар эътибор берилса, ёзувчи қаҳрамон ички руҳиятини, изтиробли кечинмаларини, унинг руҳий-жисмоний ҳолатларини, хатти-ҳаракатларини тасвирлаш билан қиссадаги Чаман момо, Гулшоода, Гулгун каби аёллар руҳиятини тадқиқ этишга эришади. Зеро, рус ва ўзбек адабиётшуносларининг илмий асарларида психологик таҳлилнинг учта асосий принципи қайд этилган. Ўзбек адабиётшуносларидан М.Абдурахмонова, Н.Шодиев, Ҳ. Умуоровлар бадий психологизмнинг воситалари, умуман, бу тушунчага аниқлик киритишга ҳаракат қилган².

Адабиётшуносликда “психологизм”, “ички дунё тасвири”, “психологик анализ”, “руҳий дунё тасвири”, “психологик таҳлил”, “ички ҳаёт тасвири” терминлари кўп ишлатилган. Ҳ.Умуоров “бадий психологизм” “психологик таҳлил”дан анча кенг тушунча эканлигини эътироф этади: “Психологик таҳлил” эса инсон психикаси жараёнларини, унинг фикр ва ҳиссиётидаги турли-туман “оҳанг”лар ривожини акс эттирувчи, қаҳрамон руҳий дунёсини

¹ Ҳ.Дўстмухаммад. Сўрок. // Жажман қиссалар ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ. – Б. 126.

² Абдурахмонова М. Руҳий дунё тасвири. – Тошкент: 1977; Шодиев Н. Руҳият рассоми. – Тошкент: 1977; Умуоров Ҳ. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. - Тошкент: Фан, 1983, - Б. 148.; Умуоров Ҳ. Қаҳрамоннинг маънавий олами ва эпиклик. – Тошкент: Фан, 1995, - Б. 48.

аналитик принципда очувчи эстетик категориядир”¹. Бизнингча, қаҳрамон руҳияти талқини тушунчаси ҳам ана шу эстетик категориянинг бир қисми.

Биз таҳлил этаётган Х. Дўстмуҳаммаднинг “Ҳай-й, Гулшод, Гулиш!.. ёхуд қуйиқишлоқча қотиллик” қиссасида маиший тўқнашувларнинг характерга таъсирини Гулшода, Чаман момо, Гулгун образлари мисолида кузатишимиз мумкин. Зеро, маиший тўқнашувлар сабабли, Гулшода ўз жонига қасд қилади, опаси Гулгун эса синглизининг хунини, шаънини ҳимоя қилиш учун қотилга айланади. Қиссада адиб психологизмнинг турли-туман формалари, яъни портрет, диалог, монолог, автор баёни, ҳиссий ҳаракатлардан унумли фойдаланиб, аёллар руҳиятини батафсил очишга муваффақ бўлган.

Қиссадан олинган қуйидаги она ва қизлари ўртасидаги полилог суҳбатда ҳам уларни қийноққа солаётган дард-изтироб ўз аксини топган:

“-Ўйлоқ минан ўтаяпти, тўлғоқ минан ўтаяпти куним, ўлай, - деб кўз ёшларига зўр берганди онаси.

- Бутунлай келишмаса-чи?- деб юборди ўшанда Гулшод юзини сидириб ташлаб.

Онасининг ўрнига опаси жавоб қилди:

- Келмаса, нақ судга берамиз, қаматамиз!..

Гулшод сочини турмақлаб, тошойнадаги ўз аксига тикилиб туриб қолганича ўзига савол қотди:

-У қамалса, қамалар, мен ким деган одам бўлдим? Одам бўламанми, энди, мен..²?

Парчада ёзувчи қаҳрамонлар суҳбатини жонли ва табиий ифодалашда адабий тил меъёрларидан чекиниб, шева лексикасига таянади. Қолаверса, Чаман момо ва қизлари Гулшод, Гулгунларнинг ўзаро суҳбатида уларнинг ҳар бирига хос характер қирралари, кечинмалари ёрқин ифодаланади. Жумладан, Чаман момонинг гап-сўзларида чорасизлик, руҳиятидаги оғир

¹ Умутов Х. Бадиий психологизм ва ҳозирга ўзбек романчилиги. – Тошкент: Фан. – Б.17-18.

² Дўстмуҳаммад Х. Ҳай-й, Гулшод, Гулиш! Жажман. – Тошкент: Шарқ. 1995. – Б. 151.

изтироб, Гулшоднинг гап-сўзлари ва хатти-ҳаракатларида эса ўз тақдири ҳақидаги ноаниқлик ва мавҳумликка жавоб излаш, ўз қисматидан изтироб чекиш, Гулгун руҳиятидаги қонуний ўч олиш, адолат ўрнатишга бўлган кайфиятни сезамиз. Умуман, ҳар учала аёл руҳиятида ҳам бўлиб ўтган бахтсизликка чуқур изтироб, дард-алам чизгилари хос. Назаримизда, адиб Гулшодни тошойнадаги аксига қараб, ўз-ўзига гапиришини бежиз тасвирламаган. Бизнингча, аслида тошойна- қизнинг кўнгли, тоза ва мусаффо қалбининг рамзи. Афсуски, бу тошойна, қалб ойнаси дарз кетган. Ёзувчи арзимас тасодиф туфайли икки оила аъзоларининг фожиасини жуда ишонарли акс эттиради. Айниқса, шу аёл образлар орасида Гулгуннинг руҳияти, унинг руҳиятидаги силкинишлар, унинг жиноятчига айланиб қолиши маҳорат билан бадий ифодаланган. Қуйидаги парчада автор баёни орқали Гулгуннинг руҳий ҳолати жонли кўрсатилган: “Гулгуннинг қўли қалтиради, мушаклари тортишди. У оғилхона томон жадал юрди. Боратуриб ер тандир ёнида таққа тўхтади. Тўхтади-ю, кўзининг ичига чўғ солингандай ва чўғ ланғиллаб ўт олгандай олам ёришиб кетди. Гулгун заррача иккиланмай тандир токчасидаги занглаган пичоқнинг дастасидан чангаллади”¹. Қиссада яна автор нутқида хос ўринларни кузатганимизда, бу нутқ тури ҳам хаёл-тафтиш, орзу, муҳокама, мулоҳаза, таҳлил кўринишларига эга эканлигини ҳис этдик. Муаллиф қотиллик учун йўлга отланган Гулгунни қишлоқдаги бирон бир эркакми, аёлми тўхтатиб қолишини истайди. Шундай тақдир битилишини ич-ичида истайди, аммо воқеалар ривожини ёш жувоннинг жиноятга қўл уриши билан яқунланади. Муаллиф шундай ўринларда бевосита асарда кўриниш беради, гўёки, китобхон билан юзма-юз мулоқат қилади. Қиссадаги воқеаларнинг бошқача, яъни эзгулик билан яқун топишини истаб ёзган сатрларида ҳам психологик таҳлилнинг автор баёни формаси ўзгача бир шаклда воқеъ бўлганини кузатиш мумкин: “Йўлда ҳеч кимса учрамади. Ўша топда қаерда эди

¹ Дўстмухаммад Х. Ҳай-й, Гулшод, Гулиш! Жажман. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б. 161.

одамлар? Нега шунча хонадондан бирорта инсон кўчага чикмади? Куйиқишлоқдан одам бормиди?! “Гулгун, тўхта! Ҳой, қиз! Ҳой, синглим! Гулгунжон хушингни йиғ!” деб йўлини тўсадиган тақдирнинг телба кўчасига жаҳолат отига миниб кираётган жувоннинг кўлидан тутадиган бирорта эркак зоти, биронта имонли нажоткор топилмади!

Гулгунни бу сўнгги йўлдан қайтариш умидида унинг изидан яна ва яна ўтаверинг – яна тафтишлар қилаверинг, ана шунда ёш жувоннинг кўлидаги занглаган пичоқни олиш чоралари – имкониятлари оёғингиз остидан чиқаверади-чиқаверади – кимдир унинг кўчадан бақириб-қарғаниб ўтганини эшитган, кимдир ҳатто пичоқни ҳаволатиб кетаётганини ўз кўзи билан кўрган, яна кимдир... бас, қотилликка тўсиқ бўлолмаган бундаин армонларни санаш етар, уларни яна тафтиш этишдан мурод нима, сўқирлигимизни, жоҳиллигимизни янгитдан аёнлаштиришими!..¹

Жиноятга қўл урган Гулгун кўзи қонга тўлиб, синглисининг номусига теккан Ашурни эмас, унинг укаси Акбарнинг жонига қасд қилади. Кўриниб турибдики, Гулгун жуда чуқур рухий зўриқишга учраган қаҳрамон, чунки унинг кўзига норасида Акбар – Ашур бўлиб кўриниб, қотилга айланади.

Қуйидаги парчада эса Гулшодга тегишли ички монологнинг ғоявий жиҳатдан монолог-тафтиш, монолог-муҳокама турини кузатишимиз мумкин: “...Наҳотки, ҳаётимнинг давоми ғам-андуҳ ва ҳасрат-надоматга айланса?.. Нима бўлди ўзи?.. Ё, ҳали бўлиб улгурмадимми?.. Буёғи нима бўлади? Совчилар келса басми? Адҳам муаллимникига келин бўлиб тушса, Ашурга хотин бўлса тамом вассаломми?.. Агар у истамаса-чи?.. – Хоҳламаса-чи, у!.. Бориб яшайверадими?! Ахир!.. Адҳам муаллим айтди - унинг тақлифига онаси билан опаси рози бўлди. Ҳеч ким Гулшоддан сўрамади. “Сен нима дейсан?” деб сўрамади ундан ҳеч ким. Ҳеч ким... ҳеч ким... қолмади... Фақат онаси, “Пешонанг шу экан” деб кўзига зўр беришдан нарига ўтмади. Демак, пешонасида Ашурга турмушга чиқиш ёзилгани шу экан... Башарти пешонасига битилмаган бўлса ёлғиз ўзи қўл ёқасидан юрармиди!.. Шу

йўлдан юргани етмагандай, ариқ ичида турган бегона йигитга қарармиди!.. Қандай жин оздирди уни?! Ашурнинг тепасига уни биров судраб бормади, биров уни туртиб Ашурнинг ёнига тушириб юбормади – ўз оёғи билан борди, челакни узатаман деб ўзи муккалаб йиқилди сувга!..”². Умуман олганда, Х.Дўстмуҳаммад қиссаларида ички монолог ва автор баёни ўзаро бирикиб кетган ҳолда кенг ҳолда истифода этилади. Адабиётшунос Иззат Султон ички монологнинг назарий табиати ҳақида шундай фикр билдиради: “Персонажнинг ҳаёт ҳақидаги энг муҳим ўйларини бир жойга йиғиб, ёрқин ифода этган, персонаж томонидан бошқаларнинг йўқлигида ёки улар жим турган ҳолда айтилган катта нутқ “монолог” деб аталади. (“Монолог” ички нутқ демакдир). Монолог персонажнинг ички дунёсини унинг ўз тили билан батафсил ва ҳаяжонли тарзда очиб беради”¹. Олимнинг мазкур фикрларининг тасдиғи юқорида биз иқтибос сифатида келтирган Х.Дўстмуҳаммад қиссаси қаҳрамони Гулшоднинг ички монологига бор бўй-басти билан кўриниш бериб турибди.

Истиклол даври ўзбек қиссачилигида истеъдодли ижодкор Шойим Бўтаев ўзининг қатор қиссалари билан адабий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммаси назарига тушди. Жумладан, қиссанавис шу кунга қадар “Шўродан қолган одамлар”, “Эски арава”, “Кунботардаги боғ”, “Бир кунлик меҳмон”, “Шоҳона совға”, “Шамол ўйини”, “Кайвонининг мангу макони”, “Юлдузларга элтар йўл” каби ўнга яқин асарлар яратди. Шу қиссалар орасидан адибнинг “Шоҳона совға” қиссасига тўхталамиз. Чунки, бу қиссада бизни қизиқтирган руҳий хаста аёл Гавҳар образи бор. Қиссада воқеалар собиқ вазирнинг бундан роппа-росса йигирма йил олдин Араб мамлакатларидан бирига борганида кекса подшо совға қилган антиқа ҳасса атрофида кечади. Шўро даврининг коммунист одами бўлиб яшаган собиқ вазир катта лавозимларда ишлаган бўлса ҳам, жуда оддий ва камтарона ҳаёт кечиради. У ўз виждони ва халқига, мамлакатига хиёнат қилмасдан ҳалол

¹ Ўша асар. – Б. 162.

² Дўстмуҳаммад Х. Ҳай-й, Гулшод, Гулиш! Жажман. - Тошкент.: Шарқ, 1995. – Б. 144.

яшайди. Унинг ҳалоллиги на ўғлига, на қизига ёқади. Қиссада икки давр одами, яъни шўродан қолган собиқ вазир билан унга тескари равишда бозор иқтисодиёти даври, яъни ўтиш даврининг пулхўрак одамлари тимсоли бўлган ўғил ва қиз қарши қўйилади. Собиқ вазир ўйлаб-ўйлаб ота юртига қайтиб кетишга қарор қилади. Қишлоқда уни қариндош-уруғлари ёқтиринқирамай кутиб олишади. Чунки, орадан анча йиллар ўтиб кетгач, отасидан қолган ҳовлига тўсатдан ташриф буюрган Тоғанинг ўғлига бу малол келади. Жиян ҳовлини тартибга келтириб, боғ қилган, девор қурган, хуллас, ҳовлида анчагина ўзгаришлар қилган. Тоғанинг ота уйига қайтиб келиши, жиянни ташвишга солади. Аммо кўпни кўрган Тоға ўғлини тинчлантиради. Қиссада воқеалар ҳам қаҳрамонлар иштироки ҳам киноявий нигоҳ билан кузатилади. Масалан, вазирнинг ота уйига эшак аравада кўч-кўрони билан олиб борилиши қуйидагича киноявий модусда маҳорат билан чизилади: “Эртаси куни тушга яқин собиқ вазирнинг кўч-кўрони, кўрпа-тўшагини иккита узок қариндоши эшак аравага юклашди. Унинг ўзини юкларнинг устига ўтқазиб, ҳассасини қўлига тутқазиб қўйишди. Бу эшак аравага ҳамиша гўнг ташилар, сомон, похол, пичан ортилар, ҳар хил қаланғи-қасанғи, усти боши минг ямоқ одамлар минишар, ясалаганидан буён бунақа обрўли, шляпа-ю шим-костюмдаги, ҳатто, бўйинбоғ боғлаган, ҳатто бир йил аввал ҳам вазир бўлиб ишлаб турган одамнинг энди ўтириши эди. Бу эшак арава, қишлоқдан боққа олиб бориладиган йўлни, бу йўлдаги шу бугунги сафарни кейинчалик завқ-шавқ билан эсласа арзирди”². Бутун қишлоқ аҳли, ҳатто Тоға ҳам унинг қўлидаги антиқа ҳассага қизиқиб қолади. Уларнинг назарида, Араб мамлакатининг подшоси бу ҳассани Собиқ вазирга бежизга совға қилмаган. Бу матоҳда қандайдир сир бор. Ёзувчи воқеалар ва характерларни шу ҳасса ва собиқ вазир теварагида ҳикоя қилади. Аммо тўсатдан, қиссага янги қаҳрамон кириб келади. Бу вазирнинг ота уйида вақтинча яшаб турган, оғзи шалоқ, шаллақи Гавҳар исмли аёл. Қиссада Гавҳар образи, унга хос

¹ Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б. 134.

² Бўтаев Ш. Шохона совға. Кўчада қолган овоз. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 134–135.

ташқи ички руҳий тавсиф ёзувчининг ўткир киноя ва истехзолари билан тасвирланади: “Гавҳар ўттизларга бориб қолган, қоп-қора, девқомату фил кучига яраша яратган тилдан ҳам унга уч-тўрт қулоқ берган, қаёқдаги бўлмағур сўзларни топиб шаллақилик қилишга суяги йўқ эди.

Қайнота-қайнонаси унинг ишидан рози, ўзидан рози, уй тутишидан рози, кўчқордай-кўчқордай неваралар туғиб берганидан рози, тилдан безор эдилар! Бу тилдан кўни-кўшнию бутун қишлоқ аҳли ҳам зир-зир титрашар эди.

Агар у тилига эрк берадиган бўлса, тўфондай тошар, бўрондай қутурар эди.

Қадимги юнон шоири Еврипид айнан шу Гавҳарни тасаввур этиб, ўз замонасида унга қасида битиб кетгандай эди:

Даҳшатлидир қутурганда денгиз тўфони,
Даҳшатлидир сув тошқини, ёнғин балоси,
Даҳшатлидир қашшоқлик ... лек жоҳил аёлнинг
Ғазабидан қаҳқор даҳшат йўқдир ва бўлмас!”

Алал-оқибатда унинг тилидаги ҳаяжон кўлигаям ўтиб, бировларни босиб урар, шундан кейингина хуморидан чиқиб, сокин нафас олар эди”¹.

Шойим Бўтаев кутилмаганда, қисса саҳнасига одатдагидек, сипо, гўзал, мулойим ёки ўқимишли, зиёли аёл образини эмас, айнан оғзи шалоқ, ҳатто қутуриб кетиб, бировларни устига чиқиб дўппослаб, уриб ташлайдиган, мана шундай руҳий жиҳатдан носоз, жоҳил аёл образини олиб киради. Албатта, Шойим Бўтаев талқинидаги Гавҳар образини Хуршид Дўстмуҳаммад яратган Гулгун, Гулшод, Чаманмомо образлари билан бир қаторга қўйиб бўлмайди. Чунки, Хуршид Дўстмуҳаммад талқинидаги аёллар ор-номуси учун курашган аёллардир. Шойим Бўтаев талқинидаги Гавҳар эса тамомила бошқача салбий тип ҳисобланади. Аммо ҳар икки қиссада аёллар жиноятга қўл уради. “Чаёнгул”да опа синглисининг номусини ҳимоя қиламан деб, қотилга айланган бўлса, “Шоҳона совға”да Гавҳар руҳан бузуқ феъли туфайли, собиқ

вазирни уриб ўлдириб қўяди. Демак, қиссаларда акс эттирилган бу аёллар образини “қотил аёл” ёки “жиноятга қўл урган аёл” сифатлари бирлаштиради.

Ёзувчи Гавҳар образи тасвирида ҳам киноявий бадиий воситалардан, яна бошқа томондан сатирик бадиий шартли воситалардан ниҳоятда маҳорат билан фойдаланади. Гавҳар тимсолида жохил, руҳияти мувозанатдан чиққан Аёлни кузатамиз. Адиб бу образнинг ҳаётийлиги ва жонлилигини таъминлаш мақсадида унинг хатти-ҳаракатлари ва гапириш манерасини, ташқи, ички руҳий дунёсини табиий тасвирлайди. Шаҳардан қишлоққа қайтиб келган собиқ вазир айнан ўз ажали бўлажак Гавҳар яшаётган ҳовлига кўчиб келади. Гавҳар эшак аравада етиб келган Вазирни вайсақи гап-сўзлари билан қарши олади: “ – Во-ой айланайин вазир бовадан! – дея, тинмай шақиллай кетди. – Аравада ўтирибдиларми-я! Шундай вазирбова-я! Раҳматли отам айтардиларки, вазир бова келаверсалар, ҳамма тик оёқда бошини эгиб туради, деб. Нимага бошини эгади шунча одам? Чиқиб кутиб олмайманми? Чиқибгина кутиб олмайманми-я?..”². Ёзувчи энди бир ҳовлида яшашга маҳкум этилган икки қаҳрамонни илк бор учраштирганда, ҳам сатирик, ҳам ироник баён услубини қўллайди. Зеро, қуйидаги парчада буни яққол кузатиш мумкин: “Эшак арава устида яроқбардори Санча Панчони кутаётган диловар рицар Дон Кихотдек бўлиб ўтирган собиқ вазирни кўрган заҳоти Гавҳар таққа тўхтаб, валдирашни-да бас қилиб қотди-қолди. Фақат ҳарсиллагани эшитилар, тоғдай-тоғдай кўкраклари гурсиллаб кўтарилиб тушаётгандек эди. Кейинчалик у ўзининг бу ҳолати ҳақида, мани вазир бованинг ҳаёси-ю салобати босиб қолди, деб очиқ-ойдин айтди”¹.

Гавҳар қўлини ошпичоқ билан кесиб олиб, туман марказидаги шифохонага борганида ёш шифокор кўригидан ўта туриб, алмойи-жалмойи гаплари билан шифокорнинг оғзини очиқ қолдиради. Натижада, руҳий касаллар шифокори Гавҳарга шизофрения деган ташхис қўяди. Ёзувчи асарда

¹ Бўтаев Ш. Шохона совға. Кўчада қолган овоз. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 138.

² Бўтаев Ш. Шохона совға. Кўчада қолган овоз. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 140.

Гавҳарга руҳий касал ташхиси қўйилиб, давлат ҳимоясига олингач, кишлоқдаги ҳамма аёллар шифокордан шу ташхисни қўйиб, нафақага чиқаришларини илтимос қилиб келишига ҳам ироник, сатирик маъно юклайди. Бундай тасвир орқали жамиятимизда текинхўрликка ружуъ қўйган қандай йўл билан бўлса-да, давлатдан пул ундириш, сармоя топишга уринаётган замондошларимиз устидан захарханда кулади. Гавҳар ўзига қўйилган ташхисдан ғурурланиб, бутун кишлоқ аёлларига мақтаниб, бу гапни ҳамма ёққа овоза қилади. Шойим Бўтаев ўзбек қиссачилигида ҳали шу кунгача яратилмаган девона аёл образини тўлақонли яратишга муваффақ бўлади.

Ҳовлига боғ қуриб яшаб ўтирган Гавҳар учун уни эшитадиган одам топилади. Яъни, бу – Вазир бова. Гавҳарни бутун оила аъзолари қилиғидан безор бўлишиб, одам кам келадиган шу боққа кўчиришади. Гавҳар бора-бора уни ўзидан ҳам паст кўра бошлайди. Иккаласи айтишиб қолиб, Вазир бова уни қўлидаги ҳасса билан калтаклайман деб, ҳассани ёнғоқ дарахтига урганда, ҳасса иккига бўлиниб, ичидан тиллалар “шув” тўкилади. Нима бўлганини англай олмай қолган Вазир бова бир зумда юрагини чангаллаб йиқилади. Шизофреник руҳий касал ташхиси қўйилган Гавҳар тилла билан жезнинг фарқига борарди, албатта. Икки рақиб бир-бири билан олишиб, табиийки, Вазир бова филдай Гавҳарнинг тагида шилқа тушиб оламдан кўз юмади.

Ёзувчи даври ўтган одам, шўродан қолган одам Вазир бованинг бутун умр ҳалол яшадим, деб юриб, умри охирида ҳассасидан чиққан тиллаларни кўриб, маккор араб подшосининг айёрона кулгисини кўз олдига келтиради. Унинг бутун умрлик коммунистик эътиқодига зид равишда у Араб подшосидан пора олган бўлиб чиқади. Вазир бовани Гавҳарнинг шаллақилиги эмас, балки, виждон азоби юрагини ёриб ўлимга маҳкум этади. Хуллас, Шойим Бўтаев қиссада Гавҳар каби антиқа жоҳил аёл образини

¹ Бўтаев Ш. Шохона совға. Кўчада қолган овоз. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 140-141.

яратар экан, бу орқали жамиятдаги кўпдан-кўп салбий типларни, салбий характерларни киноя қилади.

Юқоридаги адиблар асарларидан ташқари Абдуқаюм Йўлдош қиссаларида ҳам аёллар образига кенг урғу қаратилган. Хусусан, А.Йўлдошнинг “Отчопар...” қиссасида тасвирланган Нозима образи эътиборни тортади. Адиб қиссаларида шу бугунги кунимиз қиёфаси ва биз билан ёнма-ён яшаётган замондошларимиз образи жонли тарзда акс этганини кузатамиз. Хусусан, аёллар образига разм соладиган бўлсак, А.Йўлдош каламига мансуб аёллар жуда улуғ мақсадларни кўзламаган, ўртамиёна, тирикчилик дардида югуриб-елаётган журналист, савдогар ёки оддий уй бекаси. Аммо улар ўзларининг ҳаётий аъмоллари ва феъл-атвори билан ҳаётнинг иккита бир-бирига қарама-қарши қутбини ташкил этса-да, улар бирдай аёллик бахтига интилиб яшайдилар. Бахтни эса уларнинг ҳар бири ўзича тушунади. Ўз бахтига ўзига хос дунёси, эътиқодига кўра интилади. Шу боис жуда катта фожиа ва залолат ичида яшаб ҳам адиб яратган аёллар “бир тутам нур” каби қалбларимизни эзгулик, гўзаллик сари чорлайди. Жумладан, “Отчопар ёхуд ўн учинчи уй” қиссаси қаҳрамони Нозима ташқаридан қараганда пул кетидан қувадиган, “бойвачча хотин” лақабини олган аёл бойлик орттириш илинжида ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмайдигандек кўринади. Лекин саҳифалар оша унинг нақадар ор-номусли, ўз ҳаётий эътиқодига ҳар қандай мушкул шароитда ҳам амал қилишига қойил қоламиз. Асардаги Нозима, Флора, Фаня, Осиё опа, Санобархон сингари аёллар ва Қоровой портретига назар ташлайлик: Нозима портрети: “... Нозима беғам-бепарво тарзда, яланғоч елкаларию кўпчиб турган сийналарини кўз-кўзлайдиган, қуйи қисми тугмалари солинмаган, этаги тиззасидан юқорироқда гуллик халатда ё бўлмаса шортик деб аталувчи калтагина, қуёш кўрмаган бўлиқ сонларини намоиш этиб турадиган жинси шимча, ёқаси ўйикроқ юпқа кофтада чиқиб келар...”¹. Ёки: “Чамаси ўттиз ёшлардаги, сиймин тан, анча-мунча ўринлари очикроқ тор либосларда дўмбоқ қоматини

кўз-кўзлагандай саллона-саллона қадам ташлайдиган, боз устига андаккина ишваю ноз аралаш оҳангда тантиқланиброқ сўйлаётган маҳали хумор кўзларини суҳбатдошидан узмай туришию бехосдан елкаларини учириб, ширин хомуза тортиб қўйишларими ёхуд упа-эликнинг ҳаддан ортиқлигими, ишқилиб, нимаси биландир айрим оғзию, телба хаёлотиға кучи етмаган ҳамсоялар кўнглида сал дудмалроқ гумонлар уйғонишиға-да йўл очиб берган Нозимахон янги замоннинг янги аёлларидан...”². Мазкур парчаларда Нозиманинг, асосан, ташқи портретига, яъни очик-сочик кийинувчи замонавий аёллигига, ёшиға, дўмбоқ қомастиға, ўзига хос индивидуал гапириш манерасига (елкаларини учириб, нозланиб гапиради) ва аёлнинг пардоз-андозига урғу берилади. Портрет назарий жиҳатдан луғавий маъносига эътибор қаратсак, французча сўз бўлиб, “тасвирамқ” маъносини беради. “Портрет – бадий асарда персонажларнинг сўз воситасида тасвирланган ташқи кўриниши, яъни бўй басти, ранги, юз-кўзи, кийими, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари тасвирдир”³. Асарда қаҳрамонлар портрети батафсил баъзан-баъзан тасвирланади. Ёзувчининг портрет яратишида портретнинг статик ва динамик тури ажратилади. Статик портрет яратишда қаҳрамонлар юз тузилиши батафсил чизилса, динамик портрет яратишда образлар қиёфаси воқеалар давомида, диологларда кам-кам тасвирамқ борилади. Қаҳрамон портрети тасвири унинг суратини кўрсатиш учун эмас, балки руҳий дунёсини англаш учун ҳам аҳамиятлидир. Энди унинг ички руҳиятини очиб берувчи қуйидаги тасвирға эътиборни қаратайлик: “Ранги синиққан, кўзлари ич-ичиға ботиб кетган, баайни вужудини тик тутиб турган асосдан айрилиб қолгандай қадди эгилган, негадир пардоз-андоз ҳам қилмай, одмигина кийинган Нозима эртаси куни оғир хаста мисоли бир қадам босиб ҳовлиға чиқиб келганда...”⁴. Мазкур парчада эса адиб Нозиманинг юз, кўз ифодаси, эгик қадди-қомасти, хаста

¹ А.Йўлдош. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 101.

² Ўша асар. – Б. 96.

³ Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Фафур Ғулом НМИУ, 2018. – Б. 63.

⁴ А.Йўлдош. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 122.

мисол қадам ташлаши каби ташқи портрет унсурлари орқали қахрамоннинг оғир қайғу, изтироб ичида қолганлигини ифодалайди. Шу усул билан А.Йўлдош аёлнинг ички руҳий оламини чизади. Нозиманинг дугонаси Флора учиб кетган самолёт портлаб кетди, деган хабардан сўнгги ҳолати уни чув тушириб кетган Флора исмли бизнесмен, аферист аёлнинг қиёфасини китобхонга танитади: “Бу нозик-ниҳол қизнинг исми Флора эди. Ўзиям жисмига қарасангиз Нозиманинг ярмича келарди, шу ҳолига яна ўзини янада озгин кўрсатадиган узун тор шим, торгина катак кўйлак кийиб юрарди. Сочку, армияда хизмат қилаётган йигитларникидан асло фарқ қилмасди ... йигирма саккизга кирган Флорага ўн саккиздан ошиғини бериш мушкул эди... одамга тик қарамасдан бошини эгиброк туришими, тортинчоқ, ўзига унчалик ишонмайдиган ўспирин болани эслатадиган...”¹. Нозик-ниҳол жисмнинг қилаётган ишлари ўта разил. Чунки, у ўзининг энг яқин дугонасига хиёнат қилади, катта микдордаги пулни олиб, ўзини “ўлди”га чиқарган товламачи аёл образидир. Бу гўзал қадди-қомат билан бир қаторда ёзувчи унинг одамга тик қарамасдан бошини эгиброк туришини тасвирларкан, бу штрих белги аёлнинг қандайдир “айби”, руҳиятидаги “нуқсонни”дан бизни огоҳ этгандек таассурот уйғотади. Одатда, кўпинча ҳаётда ташқи ёки ички руҳиятида кемтиклиги бўлган инсонгина қаршисидаги инсонга “ишончсизлик” кайфияти билан боқади, бировнинг юзига тик қарай олмайди. А.Йўлдош аёл руҳиятидаги худди шу нуқсонни жуда усталлик билан, унинг ташқи қиёфасию, гўзаллигига раҳна солмаган ҳолда қистириб ўтади. Ваҳоланки, китобхон Флорани қиссанинг маълум саҳифаларигача “аферист аёл” деган хаёлларга бормайди.

Асарда энг кам тасвирланган Фаня, сирли уйда яшовчи кампирнинг портрети ҳам жуда маҳорат билан чизилган. Жумладан, қариқиз Фаня образи тасвирига эътиборни қаратамиз: “... ҳафта-ўн кунда албатта, алмисоқдан қолган аллақандай эски-пачоқ машинада пайдо бўлиб қолиб, салом-аликсиз ва албатта бақувват бирон ҳайдовчи ҳамроҳлигида уйига шўнғийдиган,

¹ Ўша асар. – Б. 112.

шундан кейин тонг-қоронғисида ҳафта-ўн кундан сўнг навбатдаги машинада навбатдаги қоровул ҳайдовчи билан пайдо бўлиш учун яна ғойиб бўлиб қоладиган қариқиз Фаня”¹. Ёзувчи ижарачи Фанянинг қариқизлигини таъкидлаб кетар экан, унинг руҳиятида эски дардлар, ўзи каби қариб-картайган ҳислари ҳақида гапириб ўтирмайди. Унинг ҳар сафар ижара пулини олишга келганида шалоқ машинада, турли хил ҳайдовчилар билан келишиёқ бошида паноҳи, эри йўқлигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, адиб Фанянинг салом-аликсиз келишини таъкидлаш орқали бу аёлнинг тарбиясиз, маданиятсиз, дағал аёл эканлигини китобхонга сездиради. Гарчанд, адиб бу тасвирларда Фанянинг ташқи портретини чизмаган бўлса-да, унинг ўзини тутиши, эскириб кетган машинада, бемаҳалда келиб-кетишини баён этиш орқали унинг руҳий дунёсини, ҳаётда қандай аёл эканлигини очиб беради.

Қиссанинг номланишига диққатимизни қаратсак: пойтахтимиздаги марказий бозор номи билан “Отчопар” дея аталиши асарнинг савдогарлар ҳаётидан олиб ёзилганини тасдиқлайди. Қиссанинг “ёхуд ўн учинчи уй” деб номланишида эса анъана ва рамзийликни кўрамыз. Чунки, ғарб халқлари адабиёти ва ҳаётида ўн уч рақами бахтсизлик, фалокат рамзи сифатида талқин этилади. А.Йўлдош жаҳон адабиётида мавжуд ушбу анъанани давом эттириб, қисса номини “ўн учинчи уй” деб атайди. Шубҳасиз, бу кўп қаватли уйда яшовчи аёллар ҳаётида қандайдир қора соя, мубҳамлик, фожиавийлик борлигини юрак-юрагимиздан ҳис этиб турамыз.

Нозима ўз тақдири ва ҳаётдан ҳам кўра яқинларининг, отаси ва ногирон опаси ҳаётини юқори кўяди. Ўзи ижара уйда қонуний жиҳатдан никоҳдан ўтмаган Самад акаси билан бирга яшайди, савдо ишлари юришмай, ўзининг яқин дугонаси Флора томонидан чув туширилади, устига устак, бизнесда синади. Аммо шундай оғир шароитда ҳам анча йиллардан бери унга кўз тикиб юрган бадниятли Қўзибой-Қоровойнинг шартларига рози бўлмайди. Қўзибой “Отчопар” бозорида “Қоровой” номини олган. Унинг

¹ А.Йўлдош. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 96.

нафақат ташқи қиёфаси, кийими, қилаётган ишлари ҳам қора. Шу маънода унга адиб исми, жисмига мос равишда “Қоровой” лақабини берган. Қоровойнинг ташқи портрети билан ички руҳий дунёси ниҳоятда бир-бирига мутаносиб равишда тасвирланган. Хусусан, қаҳрамон портретига эътибор қаратамиз: “Товада обдон тоблаб олингандай қоп-қора, бунинг устига худди атай қилгандай қора шим, қора футболка кийиб олганча, тўнтарилган декча қозондек қоринчасини иложи борича тортишга ҳаракат қилиб юрадиган, кўзининг оқини намоиш қилганча, ҳадеб Нозимага ер остидан термулаверадиган, лабларининг юпқалигигина занжигга қўйиб қўйгандай ўхшаш. Қўзивой энди каттагина ва, табиийки, қоп-қора кўзойнак тақиб олишдек беўхшов одат ҳам чиқарганди”¹. Қаҳрамон баданининг қоралиги, нафақат ташқи портрет детали, балки, туриш-турмуши, ички дунёсининг ҳам қоралигига, маънавий-руҳий бузуклигига ишора бериб турибди. Қарангки, Қоровой ўзи қора бўлгани ҳолда кийимларни ҳам қора қилиб кийиб олади. Бу эса унинг дидсизлигидан далолат беради. У ўзгалар назарида замонавий бўлиб кўринишни хоҳлайди, аммо унинг ранги-рўйига ўтиришмаган кийим-кечаклар, уни янада бачкана қилиб кўрсатади. Унинг катта, қора очкиси тасвирни янада қуюқлаштиради. А.Йўлдош салбий қаҳрамонлар портретини чизишда сатирик мўйқалам каби, ёхуд рус ёзувчиси Гоголь каби уй жиҳозларидан, хусусан, ошхона анжомларидан унумли фойдаланади. Жумладан, юқоридаги парчада адиб Қоровойни “товада обдон тобланган қоп-қора” деса, яна бир ўринда унинг қорини “тўнтарилган декча қозон” дея таърифлайди. Демак, адиб това, қозон каби ошхона жиҳозларидан унумли фойдаланган. Гўёки, Гоголь каби уйдан ташқарига чиқмасдан, уй-рўзғор буюмларидан қаҳрамоннинг ташқи ва индивидуал руҳий портретини яратишда моҳирлик билан фойдаланади. Умуман, А.Йўлдош мазкур қиссада Қоровой, Фаня образларини яратишда ҳажвий ифодани қуюқлаштириб беради.

¹ А.Йўлдош. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 110.

Энди қиссадаги воқеаларни ҳаракатга келтирувчи марказий образлардан бири Осиё опанинг ташқи ва ички портретига назар ташласак: “Арзимаган шовқин кўтарган болаларниям ҳам калтак кўтарганча уйни айлантириб қувиб солишдан тоймайдиган... маҳалла йиғинларида косовдай қўлини юқори кўтарган ҳолда кўзларини чақчайтирганча... Ибодулла ака томонидан “полиз кўриқчиси” номини олган... Айни пайтда бир сўм устида ўлиб қоладиган зикна аёллар тоифасидан...”¹. Парчадан кўриниб турибдики, А.Йўлдош қаҳрамоннинг ташқи портретини батафсил чизмайди. Бир неча штрихлар билан унинг қадди-қомати ҳақидаги тасаввур бериб, асосан, унинг руҳиятига урғу беради. Яъни юқорида олинган қисқа парчаларда “полиз кўриқчиси”га ўхшатилишиданок Осиё опанинг баланд бўйли, қотма аёллиги, хушқомат аёл эмаслиги ойдинлашади. Шунингдек, унинг жиззаки, серзардалигини таъкидлаб кетади. Ёзувчи яратган қатор салбий характерли образларнинг ташқи портретида кўпинча “кўзи чақчайган” тарзида тасвирланади. (Жумладан, Посбонбой (“Тимсоҳнинг кўз ёшлари”), Осиё опа (“Отчопар ёхуд ўн учинчи уй”)).

Қиссада иккита аёл образи Нозима ва Осиё опа бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Осиё опа ёши улуғ бўлишига қарамасдан, пул учун виждонини ҳам сотадиган, тубан инсон эканлигини унинг хатти-ҳаракатларидан сезиб турамыз. Нозима ўн учинчи уйга кўчиб келгунга қадар “дом”да аёлларнинг даврабошиси бўлиб келган. Нозима келгач эса ўринлар алмашади, аёллар ўртасида Нозима ўзининг очикқўллиги, тадбиркорлиги, сирлилиги, камтарлиги билан обрў орттиради. Осиё опа борган сари аламзада бўлиб боради. Ниҳоят ўч олиш ва катта бойлик орттириш имконияти туғилади. Нозимани алдаб, Қўзивой-Қоравойнинг холи жойдаги уйига бошлаб боради. Китобхон ич-ичидан Нозиманинг бу бадқирдор, ифлос эркак қўлидан эсон-омон қутилиб чиқиб кетишини хоҳлайди. Аммо ёзувчи воқеаларни ўз измига қўйиб юборади. Афсуски, биз истамаган мудҳиш

¹ Йўлдош А. Отчопар ёхуд ўн учинчи уй. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 93.

ходиса содир ҳам бўлади. Нозиманинг номуси булғанади. Ҳатто эри Самад Нозиманинг қотиллигини ўз бўйнига олиб, йигирма йилга озодликдан маҳрум этилади. У рафикасини ўз қўллари билан етаклаб олиб бориб, рухий шифохонага жойлаштиради. Асар ҳикояси ниҳоятда фожиали равишда яқунланса-да, Нозиманинг ўз шаънини ҳимоя қилишга уринган хатти-харакатлари дилимизга таскин беради. Тўғри, қисса қаҳрамони Қўзивой-Қоровой томонидан ҳаёсизларча бадном этилади. Аммо Қоровойлар унинг юрагидаги тозалikka рахна сола олмайдилар. Қотиллик – бу энг катта жиноят. Аммо биз поклик рамзи деб, талқин этаётган аёл энг ғайриинсоний бир жиноятга қўл уради. Қарангки, биз унинг қўллари билан содир этилган жиноятни “жиноят”, “суиқасд” деб атай олмаймиз. Чунки, Нозима одам жонига қасд қилишдек оғир жинояти билан тубан инсонларнинг ҳаётига гўёки, рамзий маънода нуқта қўяди. Унинг ва унинг каби ўнлаб аёллар ҳаётига киришга ҳаракат қилаётган ҳаром-ҳариш ишларга, разолатга чек қўяди. Айтиш мумкинки, Нозима Абдуқаюм Йўлдош яратган аёллар образлари орасидаги энг дадили, энг довюраги.

А.Йўлдошнинг “Отчопар ёхуд ўн учинчи уй” қиссаси қаҳрамонлари Фаня, Қоровой образлари тасвирида кузатилган сатирик, ҳажвий бўёқлар “Тимсоҳнинг кўз ёшлари” асаридаги Саломат опа, Калоний домла, Посбонбой образларининг ташқи ва ички портретида ҳам кузатилади.

“Тимсоҳнинг кўз ёшлари” қиссасида Муниса ўзининг ҳаддан зиёд ювошлиги, исмига монанд мулойимлиги туфайли ўз тақдири учун дадил кураша олмайди, жабрдийда бўлиб қолади. Ёзувчи асар қаҳрамони талқини орқали бўш-баёв, ювошлик меъеридан ортган тақдирда у маънавий иллатга айланиб, инсон ҳаётини мусибатга рўбару этишини ишонарли гавдалантира олган. Ваҳоланки, Муниса оқ-қорани таниган, ўқимишли журналист қиз. Муниса табиатидаги бўш-баёвлик, мулойимлик кўп жиҳатдан Нозима характериға қарама-қарши туради. Нозима бизнес режаларини эри Самад билан маслаҳатлашмасдан ҳам амалга ошириб юбораверади. Лекин у бу соҳада чуқур тажрибага эга, ҳисоб-китобни миридан-сиригача англаган,

фойда келтириш йўллари жуда яхши билади. Ёнида эркаги бўла туриб, энг калтис, жиддий қарорларни ҳам шахсан ўзи ҳал қилади. Айтмоқчимизки, Нозима анча эркин, мустақил шахс бўлиб шаклланган аёл образи. Ҳатто бу аёл унинг ҳаётига ҳар хил йўллар билан киришга, унинг аёллик шаънини топташга ҳаракат қилган Қоровойлар билан ҳам дадил курашади. Муниса эса унинг ҳаётига хавф туғдираётган Посбонбойнинг йўриғига юриб, ҳам руҳан, ҳам жисман зарба олди. Нозима образи Қоровой, Осиё опа сингари тубан кишилардан маънан устун, аммо у ўзлигини ҳимоя қиладиган шахс даражасини забт этмаган. Тўғри, жисман ва руҳан жуда катта зарба олган бўлса-да, маънавий-руҳий жихатдан қиссадаги ёвуз кимсалар устидан қаҳ-қаҳ отиб кулади, ҳатто пинагини бузмай хиргойи қилади. Рамзий маънода Нозиманинг Қоровой ҳаётига суиқасд уюштиришда ёрдам берган товани аслида ёвузликка, кўшмачиликка қарши кўтарилган норозилик белгиси сифатида қабул қилиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адиб ошхона жиҳози бўлган “това”дан бадиий детал сифатида ўринли фойдаланган. Юқорида Қоровойнинг ташқи ва ички портретини кузатганимизда, ёзувчи уни “товада тоблангандай қоп-қора” деб таърифлаганини тилга олган эдик. Демак, қиссада “това” қаҳрамон оламидаги иллатлар қоралигини кўрсатувчи бир восита бўлиб келган бўлса, иккинчидан, унинг ҳаётига якун ясовчи ҳукм бўлиб ҳам хизмат қилган. Тованинг пишириб-куйдиришлик вазифаси рамзий маънода ёвузликнинг уруғини жижғанақ қилиб куйдириб юборишини ифода этади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, А.Йўлдош қиссаларида қаламга олинган ҳар бир детал ва воқеалар мантиқий изчилликка, фалсафий бардавомийликка эга бўлиши билан бирга муҳим маъноларни ифода қилади. Хуллас, Нозима ёвузликни енга олган аёл образи бўлса, Муниса ёвуз ва бадқирдор кишиларга таслим бўлган аёл образидир. Биз ич-ичимиздан Мунисани дадил, шартаки, эпчил, эркакларнинг нағмаларига ўйнамайдиган қиёфада кўришни хоҳласак-да, қисса воқеалари ўзгача моҳият касб этади. Чунки, ёзувчи айнан Муниса каби шаҳарга келиб, қийналиб, ишга жойлашиб, аммо оила куриш масаласига келганда, оқсаб қолаётган қизлар тақдирини

киссада бор драматизми, фожиавий кирралари билан очиб берган. Кўриниб турибдики, А.Йўлдош “Отчопар ёки ўн учинчи уй” киссасидаги каби бу асарда ҳам жуда катта ижтимоий-маънавий муаммони қаҳрамонлар тақдири мисолида гавдалантиришга эришган.

Шарқ аёлларига хос мутеъ инсон характери кўп жиҳатдан Муниса образида мужассамлантирилган. Биламизки, ўзбек оилаларида аёл оила юмушларини бажариш учун масъул. Аёлнинг ювош, мўмин-қобил, бош эгувчанлик хусусияти оддий, менталитал хусусият. Аммо ёзувчи А.Йўлдош айни хусусият ўзбек аёлларининг оилада, жамиятда қадрсизланишига сабаб бўлаётганига диққатимизни қаратади. Бугунги ҳаётимиз шитобига Нозима каби аёллар мос. Улар ҳар ерда ўз ўрнини топа олади, ўз мавқеи учун кураша билади, ўзини хафа қилдириб қўймайди, қадрини баланд тутди. Ёзувчи аёллар қиёфаси ва характеридаги ўзгаришлар руҳиятида ҳам содир бўлаётганлигини Нозима тимсолида гавдалантиришга интилиб, аёлнинг мустақил, бош эгмайдиган, курашчан, ишбилармон, уддабурон қиёфаси ортидаги руҳиятини таҳлил қилади. Аёл ҳар қанча ақли, эркаклардан-да ўтар “учар”, ишбилармон бўлмасин, руҳиятида аёл бўлиб яшаши, барча аёллар каби меҳрга ташна, суюлишни истовчи, пок муҳаббатга талпинувчи аёл эканлигига урғу беради. Адиб ўзбек аёлининг дарди-изтиробини, руҳиятига хос маъсумалик, кўнувчанлик, мутелик ортида бир қатор ҳаётий муаммолар туришини талқин этар экан, уларнинг ташқи қиёфасини ҳам назардан четда қолдирмайди, уларнинг юриш-туришини, қилаётган ишлари, гапирган гапларию қилиғига батафсил қаҳрамон характери ва фазилатига мос равишда талқин этади. Фикримизни ёрқин мисолларда кузатадиган бўлсак, Саломат опа ҳаддан зиёд семиз, гўёки “бир қоп гўшт”, қадди-қомати ҳам бесўнақай. Кўнгилочар газета таҳририятида эрталабдан-кечгача ўтириб, бир чақага қиммат тушлар башорати билан шуғулланади. Бир қарашда асарда Саломат опа, Калоний домла қиёфасида журналист касбига нолойиқ, савияси ва билими йўқ, таҳририят ўринларини банд этиб ўтириб, эрталабдан-кечгача чой ичиб, пашша кўриб ўтиришдан бошқасига ярамайдиган чала

мутахассислар танқид остига олингандай тассавур уйғотади. Аслида ёзувчи уларнинг бу хусусиятлари ортида руҳиятидаги кемтикликлар, чинакам аёллик бахтидан мосуволик ётишини; уларни ёвузлик қилишга йўллаган туйғу ҳам аслида ҳаётдан норозилик, бахтсизлигидан аламзадалик эканига ишора қилади.

Саломат опа образи кўп жиҳатдан бизга “Отчопар” қиссасидаги Осиё опани эслатади. Чунки, ой нуриддек тоза, покиза аёллар бўлган Нозима, Мунисаларни жарлик сари итарган разил кишилар аслида Саломат опа билан Осиё опа бўлди. Саломат опанинг қилмиши асло Осиё опанинг қилмишидан қолишмайди. Шу жиҳатдан қаралганда бу иккала салбий образ параллел ўрганилишга лойиқ. “Қайтар дунё” фалсафаси Осиё опа ҳаётида исботланади. Бинобарин, бу аёл Нозимага чоҳ қазиб, ўзи ҳам унинг ортидан шу чоҳга тушади. Осиё опа ақлдан озиб, руҳий шифохонага равона бўлади, саккизинчи палатага жойлашади. Шунини алоқиди таъкидлаш лозимки, Осиё опа ўз қилмишларидан кўнглида эзилади, руҳий изтиробга тушади. Демак, уни виждонсиз дея олмаймиз. Бундан ташқари, Саломат опа билан Осиё опаларнинг оилавий ҳаёти ҳам ўзлари истагандай эмас, шу важдан улар бор аламини турмуш ўртоқларидан оладилар, эрларини назар-писанд қилмайдилар. Жумладан, Осиё опага тегишли саҳифада муаллиф аёлнинг ўз эрига муносабатини шундай тасвирлайди: “...чилангарлик қилаётган эрини қарғаб чарчамас, уни- бошқалардек бизнесменлик қилиб жарақ-жарақ пул топмаётгани учун – бўшангдан олиб лапашангга солар”¹. Осиё руҳиятидаги эридан қоникмаслик ҳисси Саломат образида ҳам кузатилади. Жумладан: “Ахир эркак номи бор... Тергамайдими тикка турғазиб қўйиб... Сўкмайдими... Солмайдими қарсиллатиб... Тепмайдими оёғи остига олиб... Синдириб ташламайдими суякларимни... Кейин... кейин битта-битталаб йиғиб олсаям майлиди... Ожиз хотин бўлгим келади”². Кўриниб турибдики, Саломат опа “мулойим супурги”дай бўшанг эридан қоникмайди, унинг идеалидаги эркак

¹ А.Йўлдош. Отчопар ёхуд ўн учинчи уй. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. – Тошкент :Янги аср авлоди, 2003. – Б. 93.

² Ўша асар. – Б. 58.

топармон-тутарман, бадавлат, гапи-гап, сўзи-сўз бўлган эркак эди. Ёзувчи аёллар руҳиятига хос бир муҳим жиҳатга эътиборимизни қаратади: Осиё опаларнинг бахтсизлиги аслида аёллик бахтини мол-дунё, давлат, пул билан ўлчашлари, маънавий қашшоқ эканликлари туфайлидир. Эр-хотин ўртасидаги совуқ муносабатларга нафақат ижтимоий муаммолар, балки улар ҳаётидаги маънавий-руҳий кемтикликлар ҳам етарли даражада сабаб бўлганки, бу жиҳатларни ёзувчи Саломат билан эри муносабатлари тасвирида очиб берган. “Ўн учинчи уйда яшовчи аёллар” ва “Нозиманинг руҳий шифохонадаги ўн учинчи палатага тушиши”да табиий равишда, бадий-мантқиқий изчиллик кузатилади. Халқимиз: “Ёмонлик қилган ёмонлик, яхшилик қилган яхшилик топади” деб бекорга айтмаган.

Тўғри, “Тимсоҳнинг кўз ёшлари” қиссаси қаҳрамони Саломат ҳеч қандай жазо олмайди. Мунисадан сўнг келган ёш мусаҳҳиҳа қиз Мунирага нисбатан ҳам Мунисага қилган аввалги “ўйин”ларини бошлайди. Унга ҳам қиз бола тушида тимсоҳни кўрса, ўз шахзодасини тез орада топишини уқтиришга ҳаракат қилиб, аҳмоқона башоратлари билан қиз онгини захарлайди. Шу билан қисса якунланади. Асарнинг бу тахлит якуни қандай маънони англатади? Адиб бундай ечим орқали ҳаётда ёвузлик ва эзгулик кураши бардавом эканлигини бадий-фалсафий шаклда талқин этганми? Бизнингча, Саломат опалар – маънавий қашшоқлик тимсоли. Бундай иллатдан халос бўлиш учун инсон ўзлигини юксалтириши зарур.

Таҳририятнинг деярли барча ишларини елкасига олиб, тиним билмай ишлайдиган журналист йигит Саломат опа, Муниса, Мунира ҳаётини зимдан кузатади. Аммо ўз ташвиши, дарди дунёси билан андармон қаҳрамон ичидан Саломат опанинг хатти-ҳаракатлари ёмон, жуда-жуда хунук эканлигини бот-бот такрорласа-да, ташқарига чиқармайди. Қўл силтаб, ўз ташвишлари билан яшашда давом этаверади У Мунисанинг юз-кўзига, ранги-рўйига қараб унинг руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришларни, изтиробларни юракдан ҳис этиб туради, аммо унга ҳамдард, ҳамфикр бўла олмайди, ёрдам беришни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Умуман, қиссада

Мунисанинг ташқи ва ички қиёфаси журналист йигит нигоҳи билан очиб берилади, кадам-бакадам кузатилади. Жумладан: “Ташқаридаги ҳавога унчалик мос бўлмаган тарзда плаш кийиб, бунинг устига калингина рўмол ўраб олган Муниса астагина кириб келди. ...Қиз ўша ҳамишаги сал путурдан кетган қора туфлисида эдию, аммо, худо ҳаққи, шу пойафзал бўлмаганда эди, кадам олишига қараб Мунисани асло танимаган бўлардим. Қиз, нима десам экан, жуда оғир ва жуда секин кадам ташларди. Баайни узоқ давом этган оғир хасталиқдан энди-энди қутула бошлаган бемордай”¹. Мунисанинг оғир ва базўр кадам олиши, узоқ касалликдан сўнг энди ўрнидан турган одамдек ҳолати унинг руҳиятидаги чуқур дард-изтиробдан нишона бериб турибди. Тимсоҳдан ҳам даҳшатлироқ қиёфага эга бўлган Посбонбой Мунисанинг ширин орзуларини саробга айлантиради. Энг қизиғи, ёзувчи қиссанинг бирор ўрнида Мунисани ўз тилидан гапиртирмайди. Муниса руҳиятини яққол очиб берувчи бадий тасвирий воситалардан бўлган ички монолог асар саҳифаларида кузатилмайди. Ёзувчи бошқа ўзбек қиссанависларидан фарқли равишда журналист йигит нигоҳи, унинг ички монологи, ўй-кечинмалари, хаёллари орқали аёллар руҳиятини чизишга, тасвирлашга ҳаракат қиладики, бундай усул айрим ўринларда ўзини оқламайди. Мана бир мисол: “Озиб-тўзиб, муштдайгина бўлиб қолибди, кўзлари киртайиб, ич-ичига ботган. Анча қорайиб кетибди. Муниса сал ўзгариб қолгандай эди: нима десам экан, ҳардамхаёлроқми-ей, паришонхотирроқми-ей, менга ҳам ҳуркиб қарашларида – бари-барисида ботиний бир ваҳиманинг кўланкаси изғиб юргандай эди. Агар адашмаётган бўлсам, қиз ё нимадандир қаттиқ кўрқар, ёйинки вос-вос касалига мубтало бўлиб қолганди”². Яқин бир касбдоши товламачи, садист бир одамга йўлиқиб қолганлигини айтмоқчи бўлади, аммо айтмайди. Адиб журналист йигит образи орқали атрофимиздаги яқин кишиларимиз тақдирига бепарволик ва лоқайдлик билан қараётган одамларни танқид остига олади, холос. Айтилганлардан хулоса қилиш

¹ Ўша асар. – Б. 47.

² Йўлдош А. Тимсоҳнинг кўз ёшлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 51-52.

